



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙВА ЎРТАМАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ТЕРМИЗ ФИЛИАЛИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Ўқув ишлари бўйича проректор,  
профессор Боймуродов Ш.А. \_\_\_\_\_  
“ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2018 йил

**КАФЕДРА: ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ**

**Фан: ТИББИЁТ ТАРИХИ**

**ТИББИЙ ПЕДАГОГИКА ВА ТИББИЙ-ПРОФИЛАКТИКА ФАКУЛЬТЕТИ  
1 – КУРС ТАЛАБАЛАРИ УЧУН ЯҒОНА УСЛУБИЙ ТИЗИМ  
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**Тошкент – 2018й.**

**Тузувчилар** Ф.У.Юлдашева - ТТА Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш кафедраси кат.ўқитувчиси

**Такризчилар** т.ф.д., профессор Г.Т. Искандарова – ТТА Коммунал ва меҳнат гигиенаси кафедраси мудири

Кўриб чиқилди ва келишилди.

Азизова Ф.Х.- ТТА ўқув бўлими бошлиғи, профессор

Муҳокама қилинди ва тасдиқга тавсия этилди

ТТА “Тиббий-профилактика фанлари циклопредмет секцияси” раиси,  
профессор \_\_\_\_\_ Б.М. Маматқулов

“\_\_\_\_\_” ----- 2018 йил

## ЎҚУВ МАШҒУЛОТИДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ МОДЕЛИ

### Таълим бериш технологияси (амалий машғулот)

<b>Вақт: 90 дақиқа</b>	<b>Талабалар сони:14-15</b>
<b>Ўқув машғулотининг шакли ва тури</b>	<b>Амалий машғулот</b>
<b>Ўқув машғулотининг тузилиши</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Кириш қисм</li> <li>2. Назарий қисм</li> <li>3. Аналитик қисм: <ul style="list-style-type: none"> <li>- Кейс-стади</li> <li>- Тестлар</li> </ul> </li> <li>4. Амалий қисм.</li> </ol>
<b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b>	- талабаларни қадимги мамлакатларда тиббиётнинг шаклланиши ва ривожланиши, буюк ихтироларнинг кашф этилиши ва уларни амалиётда қўлланиш тарихи билан таништириш.
<b>Талаба билиши лозим:</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Тиббиётга асос солиниши ва тиббиётнинг юксалишини кўрсатиб бериш;</li> <li>- Илмий тиббиётга асос солиниши ва тиббиётнинг юксалишини кўрсатиб бериш;</li> <li>- Тиббиётга асос солиниши ва тиббиётнинг юксалишини кўрсатиб бериш.</li> </ul>
<b>Талаба бажара олиши лозим:</b>	Мавзу бўйича рефератлар тайёрлаш, материалларни йиғишни бажара олиши лозим.
<b>Педагогик вазифалар:</b> -Хитойда тиббиётни ривожланишини тушунтириш. -Юнонистонда тиббиётни келиб чиқишини ўргатиш ва тушунтириш. -Хиндистонда, Мисрда тиббиётни келиб чиқишини ўргатиш ва тушунтириш.	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> -Тиббиётга асос солиниши ва тиббиётнинг юксалишини тушунтириб бериш; - Тиббиётнинг юксалишини сўзлаб ,кўрсатиб, тушунтириб бериш; - Тиббиётнинг юксалишини тушунтириб бериш.
<b>Таълим усуллари</b>	Маъруза, ақлий ҳужум, ҳикоя, кўрсатма бериш, намойиш, видеоусул, амалий иш усули, китоб билан

	ишлаш, суҳбат, таълимий ўйин, пинборд, Кейс-стади.
<i>Таълим шакли</i>	Жамоавий, гуруҳларда ишлаш («Биргаликда ўқиймиз», «Ўйланг-Жуфтликдаишланг-Фикр алмашинг»), якка тартибли
<i>Таълим воситалари</i>	Доска-стенд, видеофильмлар, ёзув тахтаси, модел, чизма, схема, эслатма, назорат варағи, матнлар
<i>Таълим бериш шароити</i>	Махсус техника воситалари билан жиҳозланган, гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки сўров: тезкор-сўров, ёзма сўров: тест

### ЎҚУВ МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият	
	таълим берувчи	таълим олувчилар
<b>1-босқич.</b> <b>Ўқув машғулотига кириш</b> <b>(45 дақиқа)</b> 20 дақиқа	1.1. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилаётган натижаларни етказди. Мавзу бўйича асосий тушунчалар: қадимги Хиндистон, Хитой, ва бошқа шарқ мамлакатларида тиббиётнинг ривожланиши тўғрисида тушунча беради. Машғулот режаси билан таништиради.	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.
5 дақиқа	1.2. Адабиётлар рўйхатини беради	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
15 дақиқа	1.3. Талабаларни ақлий хужумга тортиш учун жонлантирувчи саволлар беради. Амалий машғулот режаси ва тузилишига қараб таълим жараёнини ташкил этиш бўйича ҳаракатлар тартиби баён қилинади.	Саволларга жавоб берадилар ва тинглайдилар
5 дақиқа	1.4. Амалий машғулотда талабалар фаоллигини баҳолаш мезонларини эълон қилади.	Тинглайдилар .

<p><b>2-босқич.</b> <b>Асосий қисм</b> <b>(180 дақиқа)</b> 30 дақиқа</p>	<p>2.1. Талабалар билимини фаоллаштириш мақсадида мавзунинг асосий тушунчалари бўйича тезкор-сўров ўтказади.</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар.</p>
<p>45 дақиқа</p>	<p>2.2. Кейс материалларини муҳокама қилишни ташкиллаштиради, ишлаш қондаси, вазиятларни таҳлил қилиш чизмаси, муаммоларни ифодаланишига эътибор беришларига қаратади.</p>	<p>Муҳокама қиладилар, аниқлаштирувчи саволлар берадилар.</p>
<p>45 дақиқа</p>	<p>2.3. Вазиятни мустақил таҳлил қилишни, муаммони ифодалашни, ечиш йўлларини аниқлашни, сўнгра уни ечиш топшириғини беради.</p>	<p>Кейс материалларини муҳокама қиладилар, аниқлайдилар, саволлар берадилар</p>
<p>15 дақиқа</p>	<p>2.4.Тестларни яқка тартибда ишлайдилар</p>	<p>Мустақил равишда таҳлил қилиш варағини тўлдирдилар, муаммони ечадилар.</p>
<p>45 дақиқа</p>	<p>2.5.Талабаларга кўргазмаларни кўрсатиш (слайдлар, ламинантлар, презентация, видеороликлар, видеофильмлар ва б.к.), уларни изоҳлаш</p>	<p>Тестни муҳокама қиладилар тақдимот қиладилар бошқа талабалар мунозарада иштирок этадилар, саволлар берадилар</p>
<p><b>3-босқич.</b> <b>Яқуний</b> <b>(45 дақиқа)</b></p>	<p>3.1. Хулоса: Мавзу бўйича хулоса қилади.</p>	<p>Тинглайди</p>

25 дақиқа		
15 дақиқа	3.2. Фаол талабалар баҳоланади гуруҳ буйича баҳолаш мезонлари эълон қилинади.	Ўз ўзини баҳолайдилар .
5 дақиқа	3.3. Мустақил тайёргарлик кўриш учун саволлар ва топшириқлар берилади.	Саволлар берадилар. Топшириқни ёзадилар

## **1. КИРИШ**

### **1.1 Машғулоти ўтказиш жойи ва жиҳозланиши**

Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш кафедраси амалий машғулоти хонаси, ОСКИ хона, видеофильмлар, ламинантлар.

### **1.2. Мотивация**

Қадимги Шарқ инсоният тараққиётининг бешиги ҳисобланади. Илм-фаннинг ҳамма соҳалари, шу жумладан, тиббиёт илми ҳам дастлаб Шарқ мамлакатларида пайдо бўлган. Буни археологик қазилмалар вақтида топилган ашъвий даллилар ва тарихий маълумотлар исботлайди.

### **1.3. Ташқи ва ички фанлараро боғлиқлик**

Тиббиёт тарихидан таълим бериш талабаларнинг тарих, фалсафа, анатомия, биология ва латин тили асослари буйича билимларига асосланади.

## **2. НАЗАРИЙ ҚИСМ**

### **2.1. МАШҒУЛОТНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ**

**Мавзу №1: “Тиббиёт тарихи” фанига кириш. Инсоният жамиятида тиббиётнинг келиб чиқиши. Фаннинг предмети ва услублари.**

Тиббий билимлар каторида тиббиёт тарихи фани алоҳида ўрин тутди. У тиббиётнинг тарихий ривожланиш йўллари ва унинг ҳозирги кунгача етган даражаси ҳақида умумлаштирувчи тушунча беради, тиббиётнинг тараққиёт қонунларини очди ва шунга асосан унинг келгусидаги йўналишларини кўрсатиб беради.

Бўлажак шифокорлар учун тиббиёт тарихини ўрганиш муҳимдир. Тиббиёт тарихи фани тиббиётнинг ривожланиш йўллари чуқур ўрганишда, унинг эришган ютуқларини тўғри англашда талабаларга дастур бўлиб хизмат қилади, уларнинг билим даражаси ва савиясини оширади. Умуман, тиббиёт тарихи фани

талабаларнинг маънавий - ғоявий ва маданий жиҳатдан юксак даражадаги мутахассислар бўлиб етишишларида катта ўрин эгаллайди.

Тиббиётнинг ривожланишида табиий фанлар ҳам муҳим рол ўйнайди. Табиий фанларнинг ҳар бири тиббиётни бойитиб, ривожлантириб боради. Тиббиётнинг ривожланиши ижтимоий ва маданий ҳаётнинг деярли барча соҳалари ривожланиши билан боғлиқ. Тиббиёт тарихини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ривожланиши билан боғлиқ равишда ўрганган ҳолда, унинг босиб ўтган барча босқичлари билан танишилади. Тиббиёт тарихи умумий ва хусусий қисмларга бўлинади. Умумий тиббиёт тарихи тиббиётни бир бутун тўлалигича ўрганади, унинг тарққиёт қонунларини кашф этади, тиббиётнинг инсонийлик жамияти ривожланишининг ҳар бир давридаги ўзига хос хусусиятларини аниқлайди.

Хусусий тиббиёт тарихи тиббиётнинг айрим соҳаларининг келиб чиқиши ва ривожланишини ўрганади, айрим йирик тиббиёт олимларининг ҳаёти ва ижоди билан танишади.

Умумий ва хусусий тиббиёт тарихи бир – бири билан боғлиқдир, улар ўзаро бирлашиб, табиий – тарихий фанни ташкил этади. Умумий тиббиёт тарихи мустақил фан сифатида ўқитилса, хусусий тиббиёт тарихи ҳар бир табиий фаннинг кириш қисмида баён этилади.

### ***Тиббиёт тарихининг фан сифатида шаклланиши***

Тиббиёт тарихи фани XIX асрда алоҳида фан шаклини олди. Лекин тиббиёт тарихига оид асарлар анча аввал ёзила бошлаган эди. Масалан, ““Гиппократ тўплами” машҳур китобига киритилган ““Қадимги тиббиёт ҳақида” номли мақола тиббиёт тарихига оид илк асар ҳисобланиши мумкин. Шарқ мамлакатларида тиббиёт тарихига оид илк асарлар ўрта асрларда пайдо бўлган. Ушбу соҳада ижод қилган олимларга Абул Ҳасан ал – Байҳақий, Ибн ал - Қифтий қабиларни киритиш мумкин.

Тиббиёт тарихи соҳасида ёзилган махсус асарлар XVIII – XIX асрларда пайдо бўла бошлади. Бу соҳада Германияда К.Шпрингел, В.Р.Вундерлих, Г.Пушман, Ю.Пагел ва бошқалар шуғулландилар.

1835 йилдан бошлаб университетларда тиббиёт тарихи фани ўқитила бошланди. Н.Д.Лебедев, С.Г.Ковнер сингари олимлар муаллифлигида ушбу фандан махсус дарслиқлар чиқарилди. Кўзга кўринган мутахассислардан Л.Ф.Змеев, Я.А.чистович, М.Ю.Лахтинларни айтиб ўтиш мумкин.

XX асрнинг охирида мустақил тиббиёт тарихи кафедраларига асос солинди. 1894 йилда Москва университетининг тиббиёт факултетида тиббиёт тарихи кафедраси очилди.

Бизнинг юртимизда эса мустакил тиббиёт тарихи кафедраси илк марта 1948 йилда Тошкент тиббиёт институтида, 1981 йилда эса Самарканд тиббиёт институтида ташкил этилди.

*Тиббиёт тарихи фани ўз ривожланишида 3 даврни босиб ўтди:*

1 давр – материал тўплаш даври;

2 давр – тўпланган материалларни бир тизимга келтириш ва умумлаштириш даври;

3 давр – тиббиёт тарихининг мустакил соҳа сифатида ривожланиш даври.

*Тиббиёт тарихи фанининг асосий вазифалари*

1) Тиббиётнинг дастлабки пайдо бўлишидан бошлаб то бизнинг кунимизгача босиб ўтган йўлни тўғри таҳлил этиш.

2) Бизнинг юртимизда ва жаҳон микёсида тиббиётнинг келиб чиқиши ва ривожланишини хронологик тарзда ёритиш.

3) Жаҳонда тиббиёт фанларининг ривожланишида мамлакайтимиз олимларининг кўшган ҳиссасини кўрсатиб бериш тарихи фанининг

*Тиббиёт тарихининг манбалари*

Тиббиёт тарихи фанини ўрганишда кўпгина манбаълардан фойдаланилади. Уларнинг биринчиси – археология фанидир. Ушбу фан кадимги замон одамлари ва уларнинг тарихига оид масалаларни археологик қазилмалар орқали ўрганувчи фандир. Археологик қазилмалар вақтида тиббиётнинг келиб чиқиши ва унинг дастлабки ривожланишига оид ашёвий материаллар (инсон суяклари, улар ишлатган қуроллар, идишлар ва ҳ.з) топилади. Шу материалларга қараб у ёки бу мамлакатда тиббиёт маълум тарихий даврларда қандай ривожланганлиги, қандай даво усуллари қўлланилганлигини аниқлаш мумкин.

*Археология фани қатор тармоқларга бўлинади:*

1) Антропология – бу фан кадимги инсонларнинг гавда тузилиши, унинг биологик хусусиятлари, яшаш шароитларини ўрганади.

2) Палеопатология – бу фан кадимги инсонларнинг суякларини текшириб, уларнинг қандай касалликлар билан оғриганликларини аниқлайди. Бунда рентгенологик ва радиологик усуллардан фойдаланилади.

3) Палеобиология – бу фан кадимги замон инсонларининг суякларини радиобиологик ва иммунологик усуллар билан текшириб, улар организмдаги биологик хусусиятларни аниқлайди.

Тиббиёт тарихининг иккинчи манбаси – ёзма асарлардир. Улар 2 гуруҳга бўлинади:

1) Кўл ёзма асарлар;

2) Босма асарлар.



Кўлёзма асарлар жуда кадимги замонлардан яратила бошланган. Уларга кадимги Миср папируслари, Ассирия ва Вавилония шоҳларининг тошга ўйиб ёзилган конунлари, қояларга ёзилган хатлар ва суратлар, териға ва қогозға ёзилган хатлар қиради.

Босма асарлар босма дастгоҳлари кашф этилгандан сўнг (ХВ аср) пайдо бўлган.

Тиббиёт тарихини ўрганишда халқ тиббиёти, халқ оғзақи ижоди, бадий адабиёт, амалий санъат асарлари, халқ эпослари сингари кўшимча манбалардан ҳам фойдаланиш мумкин.

#### *Инсоният жамиятида тиббиётнинг келиб чиқиши*

Инсоният жамиятида тиббиётнинг келиб чиқиши ҳақида 2 хил назария мавжуд:

1. Диний –мистик назария.
2. Илмий материалистик назария.

**Диний – мистик назария** тарафдорларининг фикрича, тиббиёт дастлаб ибодатхоналарда пайдо бўлган. Даволаш ишлари билан биринчи бўлиб қоҳинлар (руҳонийлар) ва роҳиблар (монахлар) шуғулланганлар. Улар инсоннинг ҳар хил касалликлардан азоб чекаётганини кўриб, уларга раҳмлари келган ва раҳм–шавкат юзасидан беморларни даволай бошлаганлар. Аммо бу назария унчалик тўғри эмас, чунки тиббиёт инсоният тарихида дин келиб чиқишидан анча олдин мавжуд бўлган. Ибтидоий жамоа даврида яшаган одамсимон маҳлуқлар турли касалликлар билан касалланганлар ва ўзига хос усуллар билан даволанганлар. У даврда эса ҳали ҳеч қандай дин ва қоҳинлар йўқ эди. Бинобарин, тиббиётнинг келиб чиқиши динга боғлиқ бўлмаган, у диндан олдин пайдо бўлган.

**Илмий материалистик назарияга** асосан тиббиёт инсоният жамияти ривожланганининг дастлабки босқичида зарурат туфайли, яшаш учун кураш жараёнида келиб чиққан. Мазкур назария кўл билан ушлаб, кўз билан кўриб илмий асосланган назария ҳисобланади. Масалан, дифтерия касаллигининг кўзгатувчиси дифтерия таёкчалари, дизентерия кўзгатувчилари шигелла ёки флексерлардир.

Инсоният жамиятида тиббиётнинг келиб чиқиши ҳақида юқоридаги 2 назариядан ташқарин, яна учинчи тушунча ҳам мавжуд. Масалан, баъзи муаллифларнинг фикрича, ибтидоий одамлар жуда ҳам соғлом ва бақувват бўлганлар, улар ҳеч нарсага муҳтожлик сезмаганлар. Чунки атроф табиатида инсоннинг яшаши учун ҳамма нарса бўлган. Шунинг учун ҳеч қандай касаллик билан касалланмаганлар ва даволанишга зарурат сезмаганлар. Бу давр қандайдир “”олтин давр”” бўлган, тиббиёт эса анча кейин инсониятнинг маданий ривожланиш маҳсули сифатида пайдо бўлган. Бу фикрни машҳур француз

файласуфи **Жан Жак Руссо** илгари сурган эди. Аммо тарихий ва ашёвий (археологик) далиллар шуни кўрсатадики, ўтган даврда ҳеч қандай “”олтин давр” бўлган эмас. Ибтидоий одамлар жуда оғир шароитда яшаганлар ва жуда кўп касалланиб, даволанишга муҳтож бўлганлар. Ҳақиқатда эса тиббиёт ибтидоий давр одамларининг яшаши учун кураш жараёнининг маҳсули деса бўлади.

Дастлабки тиббий муолажаларнинг келиб чиқиши уларнинг ривожланишида инсон организмини тузилиши ва унинг биологик хусусиятлари муҳим роль ўйнаган. Буни куйидаги мисолда кўриш мумкин. Бизга маълумки, ҳар бир тирик мавжудотнинг организми касалликларга қаршилик кўрсатувчи биологик хусусиятга эга. Буни машҳур ҳаким **Гиппократ** ҳам ёзган эди. У: “”“Табиат даволайди – табиб эса ёрдам беради” -, деган эди. Бу ерда Гиппократ «“табиат» деганда организмнинг тиббий (биологик) хусусиятини кўзда тутган. Киши организми бундай хусусиятга эгаллигини Қадимги Шарқ мутафаккирлари ҳам сёзган лар. Масалан, машҳур олим ва табиб **Жалолиддин Рўмий**: “Табиб ўз давоси билан беморларнинг танасида мавжуд бўлган касалликларга қарши курашиш хусусиятини оширади” -, бев ёзган эди. **А.Навоий** эса: “”“Дори бемор танасида хасталикка қарши курашаш хусусияти сакланиб қолгандагина таъсир этади” -, деган. Тарихий маълумотларга кўра баъзи бир оддий даволаш тадбирлари ер юзида одамлар пайдо бўлмасдан олдин ҳам маълум бўлган. Масалан, баъзи ҳайвонлар касалланган ёки бирор жароҳатланиш ҳолати юз берганда шифобахш ўсимликларни топиб ёб, тузалиб кетганларини учратамиз. Бу ҳақида тиббий–тарихий адабийтда кўплаб мисоллар келтирилган. Масалан, илон, ёввойи куён, тоғ эчкиси касал бўлиб қолганларида ёки шикастланганларида шифобахш ўсимликларни топиб ёб, касалликдан қутулиб кетганлар. Бу масалада маймунлар алоҳида ўрин эгаллайди. Уларнинг даволаш усуллари бошқа ҳайвонларга нисбатан кўпроқ такомиллашган. Табиатшунос олим **Ю.Рацу**с бир гиббон (кичик одамсимон маймун) оғзида яра–чақа пайдо бўлганида (стоматит) у ўрмондан қандайдир шифобахш ўсимликни топиб келиб, уни ҳам ирсимон массага айлангунча чайнаганини маълум қилади. Кейин қузатишса, ярадан асар ҳам қолмаган бўлади.

Бизнинг энг Қадимги аجدодларимиз ўз аъзоларининг ўзига хос тузилишини (тик юра олиш, ҳар қандай нарсани ушлаб оладиган ҳўл панжасининг мавжудлиги, ҳайвонларга нисбатан яхши ривожланиши) давом этиб, биогенез босқичидан антропогенез даврига ўтдилар. Бунинг натижасида одамларнинг аклий қобилияти ҳам ривожланди ва улар ҳайвонлардан фарқли равишда фаол ҳаракат қила бошладилар. Масалан, ҳар хил шифобахш ўсимликларни қидириб топиб, улардан фойдалана бошлаганлар.

Ер юзида биринчи бўлиб муолажа усуллари ишлаб чиққан одамсимон маҳлуқлар *неандерталлар* ҳисобланади. Шундай маҳлуқларнинг суяқлари Африка

ва Осиё, шу жумладан, Ўрта Осиё худудида топилган. Дунёда биринчи кадимги одам суяги машҳур археолог Луис **Лики** томонидан 1959 йилда Олдувай дарасидан (Танзанияда) топилган. Бу маҳлук 2 миллион йил олдин яшаган.

Ўзбекистон худудида бундай одамсимон маҳлук суяги 1987 йилда жанубий Фарғонадаги Сельунгур ғорида топилган. Бу маҳлук бундан 8УУ – 7УУ минг йил мукаддам яшаган экан.

Маълумки илгари одам маймундан, айнан, шимпанзедан келиб чиккан, деб фараз килинарди. Шимпанзенинг кўникмалари, шу жумладан, муолажа усуллари ҳам одамга ўтган, деб ўйлайдилар. Хозир бу фикр инкор этилади.

Янги маълумотларга биноан, тиббиётнинг келиб чикиши ҳақида тушунча ҳам ўзгарди, яъни тиббиётнинг келиб чикишига маймунлар эмас, антропоидлар сабаб бўлганлар, деган фикр пайдо бўлди. Биз кўрсатиб ўтганимиздек, антропоидлар ер юзида 3млн. йил олдин яшаган. Демак, тиббиётга ҳам шунча йил илгари асос солинган.

Антропоидларда ҳаёт учун кураш, янги даво усуллари ишлаб чиқиш улар ҳаётининг барча боскичларида давом этди.

Эволюцион жараённинг маълум боскичига келиб, антропоидларда инсонларга хос бўлган хусусиятлар пайдо бўла бошлади. Уларда идрок ҳам ўзгариб, анча ривожланди. Лекин бу хусусиятлар антропоидларнинг одамга айланиши эмас, балки унинг жисмоний ва аклий имкониятларининг ривожланиши ва такомиллашиши билан амалга ошган. Антропоид одамга айланмайди, балки унинг ўзида мавжуд бўлган инсоний хусусиятлар ривожланади.

Антропоидлар тиббиётининг инсон тиббиётига ўтиш чегараси курул ишлатилган кундан бошланади. Археоло-антрополог олимларнинг фикрича, курулдан биринчи бўлиб *австралопитек* деб аталувчи маҳлуклар фойдаланганлар. Уларнинг курули оддий таёк, ҳайвонлар суяги ва ишлов берилмаган тошлардан иборат бўлган. Чунки австралопитеклар курул ясашни билмаганлар. Улар табиатда мавжуд бўлган буюмлардан фойдаланганлар, холос.

**Питекантроплар** биринчи бўлиб курулга ишлов бера бошлаганлар. Масалан, тошнинг бир чеккасини уриб тушириб, ундан кесиш курули сифатида фойдаланганлар. Бунда йиринглаган жойларни кесиш, киндик кесиш каби муолажалардан кенг фойдаланилган. Шундай килиб, питекантроплардан бошлаб актив даволаш усули амалга оширила бошланган. Улар шифобахш ўсимликларни кидириб топиб, ишлатганлар. Бу билан инсонлар тиббиётига биринчи кадам кўйилган. Питекантроплар бундан 8УУ -7УУ йил олдин яшаганлар.

Тараккиётнинг бундан кейинги боскичи *синантроплар* давридир. Улар одамларга янада яқиндирлар. Синантроплар курул ясада питекантроплардан устун турганлар. Масалан, улар тош ва суякдан ўткир куруллар ясай олганлар. Бу

асбобларидан тиббий муолажаларда фойдаланганлар. Масалан, йиринглаган жойларни кесиш, жароҳатларни боғлашда шифобахш ўсимликларнинг япроқларини ишлатишган.

Уларнинг муолажалари усулига келсак, бу масалага оид материаллар ҳозирча кам учрайди.

**Неандертал** одамнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, уларда сўзлаш қобилияти пайдо бўлган. Бу эса тиббиётнинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Масалан, бемор ўз касаллиги ҳақида маълумот бериш, нима безовта қилаётганини айтиб бера олиш имкониятига эга бўлган ва шунга биноан даво чоралари кўрилган.

**Мезантроп**ларнинг энг катта кашфиёти камон ўқи бўлган. Бу қурол билан ҳар қандай ҳайвонни узоқдан туриб отиб ўлдириш имкониятига эга бўлганлар. Улар шу йўл билан ҳайвонлар гўштини еб, мой, сут, жигари, терисини эса даволаш мақсадида ишлатганлар.

Антропоидларнинг одам томон ривожланишидаги охириги босқичи – *неантроп*лар давридир. Булар неолит, яъни тош даврида яшаганлар. Неантроплар ташки кўринишда инсоннинг ҳамма белгиларига эга бўлганлар. Ўзлари учун қийим тикиш ва овқатпишишни билмасдан олдинроқ баъзи муолажа усулларини ўрганиб олганлар.

Ибтидоий жамоа даврида яшаган одамлар ҳам ўсимликлардан олинадиган моддаларнинг хусусиятини яхши билганлар. Ибтидоий жамоа даврининг охирига келиб, тиббиёт одамларнинг зарурий фаолиятларидан бирига айланди. Бу иш билан шуғулланувчи кишилар уни ўзлари касб қилиб олганлар. Шундай қилиб, тиббиёт киши фаолиятининг алоҳида соҳасига айланади ва тиббиёт касби қилиб чиқади. Тиббиёт касбининг қилиб чиқиши меҳнат таксимотининг натижаси эди. Бинобарин, ўша замондаёқ кишилар ўртасида меҳнат таксимоти вужудга келган эди. Дастлабки даврда меҳнат таксимоти оддий бўлган. Масалан, эркаклар билан аёллар ўртасида, катталар билан болалар ўртасида, қариялар билан ёшлар ўртасида меҳнат таксимоти бўлган. Аёллар кўпроқ ўз ўчоқлари ёнида қолиб, кундалик зарурий ишлар билан шуғулланганлар, болаларни боқганлар. Болалар оналари ва катталарга ёрдам беришган. Дастлаб табиблик билан сартарошлар шуғулланганлар. Улар оғриган тишларни суғуриб олиш, хатна қилиш, зулук солиш каби муолажаларни амалга оширишган. Шу тарзда табиблик касб сифатини олади. Табиблик ҳам бошқа касблар каби оилавий хусусиятга эга бўлган. Бу касб авлоддан – авлодга ўтиб боради. Хар бир табиб ўз даволаш усуллари ва ўзи ишлатадиган дориларига эга бўлишга ҳаракат қилган. Бу усул ва дорилар бошқа лардан сир сакланган. Табиблар касалликларни тўғри ҳаракат ва муваффақиятли даволаш йўллари ахтарганлар ва ундан қилиб чиқиб, ташхис (диагноз), даволаш усуллари такомиллаштириб борганлар. Табиблар

касалликларнинг сабаблари билан ҳам кизика бошлашган. Бу ҳақда маълум фикрлар пайдо бўлган.

Кишилар касаллик қандай ва қаердан келди, деган савол билан шуғулланмаганлар. Улар бемор қандай килиб касал бўлиб қолди, деб суриштириб ўтирмай даволаверганлар. Масалан, беморнинг ичи кетаётган бўлса, сабабини суриштирмай, ич тўхтатувчи дори берар эдилар, холос. Кишиларда абстракт фикрлаш қобиляти пайдо бўлгандан кейин улар табиатдаги ҳодисаларга кизика бошлашган. Бу ҳодисаларнинг моҳияти ва сабабини билишга интиланлар. Аммо табиийки, у вақтлардаги одамларнинг ақл – идрок даражаси бу ҳодисаларни англашга ожиз эди. Кишилар табиатдаги ваҳимали ҳодисалар (чакмок, момақалдирук, ер кимирлаш, сел ёғиши ва сув тошқини) таъсирида эдилар. Улар асосан, ер олов, қуёш ва бошқаларга сиғинишган ва улардан шифо топиш учун мадад сўраганлар.

Маълумки, ибтидоий жамоа даврининг охирига келиб, дин пайдо бўлади ва барча ҳодисалар динга боғлана бошлайди. Дин тиббиёт соҳасига ҳам ёйилади. Хамма нарса, жумладан, касаллик ҳам худодан, деб фараз қила бошлайдилар. Шунга кўра даволанишда худо ва пайғамбарларга сажда қила бошлайдилар, ҳар хил диний маросимларни ўтказадиган бўладилар. Аммо амалий тиббиётда ҳаёт тажрибасига асосланган тўғри фикрлар ҳам шаклланади. Табиблар оғир жисмоний ва руҳий ҳаёт кечираётган моддий жиҳатдан таъминланмаган ва оғир меҳнат шароитида ишловчи кишиларда ҳар хил касалликлар кўп учрашини кўздан кечириб, шу омиллар касалликни келтириб чиқарар экан, деган тўғри хулоса чиқарганлар. Бу масалада аввало овқатланишга ката эътибор берганлар. Сифатсиз овқатистеъмом қилиш, тўйиб овқатемаслик ёки аксинча батхўрлик касаллик келтириб чиқаришини, иқлим, об – ҳаво ва бошқа табиий омиллар ҳам одамга ижобий ёки салбий таъсир этиши мумкинлигини аниқладилар. Аммо касаллик пайдо бўлишида илоҳий қучлар иштирок этиши ҳақидаги тушунча ҳам сакланиб қолади. Шу тушунчага мувофиқ даво чоралари ҳам ишлаб чиқилади.

Амалий тиббиётда эса даво сифатида ишлатиладиган дори-дармонлар сони анча кўпаяди, улар бир неча юзга етади. Ўсимликлар қаторига минерал моддалар ҳам қўшилади. Шу асосида тиббиёт бошқа касбларга нисбатан анча тез ривожлана бошлайди. Чунки тиббиётда муҳтожлик ката бўлган. Табибларнинг ўзи ҳам беморларни даволашдан манфаатдор бўлганликлари учун бу касбни кенгрок ривожлантирадилар.

## **Мавзу №2: Кадимги Шарк мамлакатлари тиббиёти, буюк намоёндоларининг ҳаёти ва ижоди. Кадимги Миср тиббиёти.**

Кадимги Шарк инсоният тараккиётининг бешиги ҳисобланади. Илм-фаннинг ҳамма соҳалари, шу жумладан, тиббиёт илми ҳам дастлаб Шарк мамлакатларида пайдо бўлган. Буни археологик қазилмалар вақтида топилган ашъвий даллилар ва тарихий маълумотлар исботлайди. Осиё китъаларида олиб борилган археологик қазилмалар чоғида қадимги аجدодларимиз қандай касалликлар билан оғриганлар ва қандай усулда даволанганликларини кўрсатувчи жуда кўп далиллар топилган. Шуларга асосан биз узок ўтмишнинг айрим даврларида, айрим мамлакатларда тиббиёт қандай даражада ривож топганлиги ҳақида маълум тушунчага эга бўлишимиз мумкин. Биз қуйида айрим Шарк мамлакатларида тиббиётнинг ривожланиши тарихи билан танишиб чиқамиз.

Марказий Осиёда фан ва маданиятнинг гуллаб яшнаши, хусусан, тиббиётнинг рағбат топиши эрамининг X-XIII асрларига тўғри келади. Айниқса Марказий Осиёда Сомонилар ҳукумронлик қилган даврда фаннинг турли тармоқлари гуркираб ривожланади, бир қатор қомусий алломалар етишиб чиқади. Булар сирасига Муҳаммад ал-Фаробий, Аҳмад ал-Фарғоний, Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Абу Райхон Беруний ва машҳур тиббиёт олими Абу Али ибн Синолар бўлиб, улар ўз соҳалари бўйича оламга донг таратган. IX асрда Марказий Осиёда атоқли фалакиётшунос Абул Аббос Аҳмад ибн Қатар ал-Фарғоний яшаб ижод қилган бўлса, X асрнинг биринчи ярмида Бухорода машҳур географ ва тарихчи – Наршахийлар яшаб ижод қилган. XII асрда яшаган таниқли солномачи Махмуд Қошғорий ва бошқа кўплаб олимларни мисол қилиб келтириш мумкин. Ватанимизда тиббиёт соҳасида эса X-XII асрларда Абу Али ибн Сино, XIII асрда Исмоил Журжоний ва XIII-XIII асрда яна бир тиббиёт олими Умар Чағминийлар катта муваффақиятларга эришди. Марказий Осиёда, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида тиббиёт X- XII асрларга келиб фан сифатида шаклланади, бу фанининг ривожланиши ва дунё миқёсида рағбат топиши биринчи галда Абу Али ибн Сино фаолияти билан боғлиқдир. X асрдаёқ буюк тиббиёт олимларимиз яратган асарлар ва уларнинг фаолиятлари бизнинг тиббиётимизни жаҳон тиббиётининг намуналари даражасига кўтарди.

Шундай қилиб, X – XII асрларда Шарк ва Ғарб мамлакатларида машҳур тиббиёт олими Абу Али ибн Сино (980 – 1037) узининг илмий–амалий ишлари билан катта ҳурмат қозониб, хирургия фанига бекиёс ҳисса қўшган. У Европа адабиётларида Авиценна номи билан машҳурдир. Чунки, қурраи заминда машҳур табиб сифатида танилади. Унинг номи жаҳон фани тарихи ва маданияти тарихида антик давр донишмандлари Гиппократ, Сукрот, Афлотун, Арасту, Ар-Розий, шунингдек, юртдошимиз Абу Райхон Беруний каби буюк алломалар билан бир қаторда туради.

Бундан кўриниб турибдики, Абу Али ибн Сино нафақат тиббиёт фани билан, балким бошқа фанларни ҳам катта маҳорат билан ўзлаштириб олган қомусий билим эгаси бўлган. Шуниндек, Абу Али ибн Сино беш китобдан иборат бўлган машҳур “Тиб қонунлари” асарини, тахминан, 1УУУ йилларда Хоразмда ёза бошлаб, 1У2У йилларда тугатган. Мазкур асар дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган. Зотан “Тиб қонунлари” муқаммад тиббиёт дастуруамал ҳисобланиб, ХВИИИ асргача Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг тиббиёт оламида асосий қўлланма сифатида хизмат қилган.

Ибн Синонинг таваллудига 1УУУ йил тўлиши муносабати билан “Тиб қонунлари” нинг иккинчи тузатилган нашри 1981 йилда қайта чоп этилди. Абу Али ибн Синонинг хирургия соҳасидаги хизматлари жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, “Тиб қонунлари” асарининг ИИИ ва ИВ китоблари хирургик касалликларни даволашга бағишланган. “Тиб қонунлари”нинг ИИИ китобидаги параграфлари айрим хирургик касалликларнинг диганостикаси, ва хирургияси, уларни даволаш усуллари ҳақида маълумотлар беради. “Тиб қонунлари”нинг ИВ китобида эса ўсма касалликлари ва мутасилликнинг бузилиши каби долзарб мавзулар ёритилади. Шунингдек, шикастланишлар ва яллиғланишлар моҳияти, уларни даволашда тадбиқ этиладиган даво усуллари муфассал ёритилган. Абу Али ибн Сино тиббиётни, назарий ва амалий қисмларга бўлиб ўрганган. Дарҳақиқат, Ибн Сино бу икки қисм бир-биридан ажралмас, яъни бир бутун фан сифатида, биринчиси – тиббиётнинг асоси ҳақида фан ҳисобланса, иккинчиси – фан билан амалиётдаги қандай шуғулланиш кераклигини кўрсатади, деб таъкидлайди. Ибн Синонинг бу сўзлари барча клиник фанларга, шу жумладан, амалий хирургияга ҳам таалуклидир.

“Ибн Сино беморларнинг умумий аҳволини ўрганишни касалликка ташхис қўйишнинг остонаси деб ҳисоблаган” Ибн Синонинг фикрига қараганда, беморларнинг аҳволи, фаоллиги, чеҳрасига акс этган белги, овқатланиши беморни яхшилаб сўров қилиш ва бошқалар муҳим диагностик аҳамиятга эга бўлган. Бундан ташқари, олим беморларга ташхис қўйишда томир уриши, пайпаслаб кўриш, дукуллатиб уриб кўришга ҳам алоҳида эътибор берганлиги Ибн Сино ҳаёти ва фаолиятига бағишланган китобларда ўз аксини топган. Чунки, Ибн Сино машҳур “Тиб қонунлари” асарида шахсий кузатувлари ва тажрибалари натижасида хирургик касалликларга таъриф берган ва биринчилардан бўлиб ушбу касалликларга таъриф берган ва биринчилардан бўлиб ушбу касалликларга қиёсий ташхис қўйган. У ўз табиблик фаолиятида кўплаб касалликларнинг кечиши устида кузатув ишлари олиб боради, текширув ўтказди ва натижада касалликларнинг кечиш хусусиятларини ўрганиб даволашнинг энг самарали усулларини ишлаб чиқади.

В.К. Жумаевнинг ёзишича, “Ибн Сино хирургик касалликлардан куйиш, йирингли яллиғланиш, суяк чиқиши ва синиши, сийдик қопчасидаги тошни олиб ташлаш, чурра ва бошқа хирургик касалликларни даволашга кўп эътибор берди ва венесекцияни ёзди”. Бундай маълум бўладики, Абу Али ибн Сино турли хирургик муолажаларни амалга оширган ва халқ орасида шуҳрат қозонган табиб ва олим бўлган.

Ибн Сино касалликларга ташхис қўйиш масаласида бемор пешоби ва нажасига баҳо бериш муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Ибн Синонинг ёзишича, гўшт ювиндисини эслатувчи “қизил рангдаги пешоб” буйрак касалликлари учун характерли бўлса, тиниқ қизил рангли пешоб эса сийдик қопчаси ва сийдик йўллари касалликлари учун характерлидир (қон аралаш). Пешобнинг нисбий чўкмаси Ибн Синонинг ёзишига “Қумга ўхшаш чўкма борлиги ҳақида ёки қаттиқлашиш давридан далолат бериши мумкин”, деб таърифлайди.

Абу Али ибн Сино ҳақиқатдан ҳам анатомия фани хирургиянинг асоси эканлигини теран англайди. Ўша даврда мурдаларни ёриб ўрганиш қатъиян тақиқланар эди, олим шунга қарамасдан яширин равишда бўлса ҳам мурдаларни ёриб, одам анатомиясини яхши ўзлаштириб олади. Шундан кейин эса ўз тажрибаларини беморларга муолажа кўрсатишда қўллайди.

“Олим хирургия соҳасида кўпгина янги усулларни киритди. Масалан, у елка буғими чиққанда уни ўзига хос усул билан даволаш усулини ишлаб чиққан. Бу усул Ибн Сино усули деб аталиб келинган. Қовуқдан тошни операция усули билан олиш техникасини ўша замонда Ибн Синодек мукамал ёзган олим Қадимги Миср маданий ҳаёт ва илм-фаннинг ривожланиши жиҳатидан бошқа Шарқ мамлакатларига нисбатан етакчи ўрин эгаллаган. Миср тиббиёт соҳасида ҳам энг қадимги тарихга эга. Тарихий маълумотларга кўра, Мисрда эрамиздан олдинги ИВ минг йилликдаёқ биринчи тиббий масканлар барпо этила бошлаган. Масалан, 36УУ йилда Фили оролида Мемфис шаҳрида афсонавий табиб Имхотеб шарафига махсус ибодатхона қурилиб, у ерда беморларга тиббий ёрдам бериш учун хоналар ажратилган. Бу ерда махсус тиббий таълим олган кохинлар беморларни парвариш қилиш ва даволаш билан шуғулланганлар. Хелиополис ва Саис шаҳарларида табиблар тайёрлайдиган махсус мактаблар бўлган. Бу мактабларда ҳар хил дорилар тайёрлаш, уларни ишлатиш, беморларни текшириш, касалга ташхис қўйиш ва даволаш иши ўргатилган.

Фан, маданият ва тиббиёт анча юксалган қадимги шарқ мамлакатлари қаторига эрон ҳам киради.

Эрон табиблари ҳам, бошқа шарқ табиблари сингари киши соғлиғи ва касаллигини тўрт суюқликка боғлиқ деб тушунганлар. Улар киши руҳий ҳолатига алоҳида эътибор берганлар. Уларнинг таъкидлашича, жаҳолат киши



иштаҳасини бўғиб, касаллик келтириб чиқаради. Яхши кайфият ва хурсандчилик эса беморни соғайтиради. Бу ҳозирги замон нуқтаи назаридан ҳам тўғри.

Қадимги эронликларни ўз тиббий худолари бўлган. У Траэтон деб аталган. Бу ном Авасто номли китобда ҳам учрайди. Эронда амалий тиббиёт ҳам анча ривожланган эди. Табиблар алоҳида гуруҳларга бўлинганлар. Масалан, фуқаролар табиблари, денгизчилар табиблари, қуруқликда ҳарбий кучларда хизмат қилувчи табиблар ва ҳ.к. Эрон табиблари касалликларни анча муваффақиятли даволаганлар. Касалликларнинг олдини олишга алоҳида аҳамият берганлар. Масалан, Эрон тиббий афоризмларидан бирида шундай дейилади: "Касаллик тананга зиён етказишидан олдин сен уни суғириб ташла!".

Қадимги Эронда табибларга нисбатан алоҳида талаблар қўйилган. У ўз касбини яхши эгаллаган билимдон киши бўлмоғи, одамларга нисбатан мулойим, хушмуомала, беморлар билан дўстона муносабатда бўлиши лозим. Беморга унинг касаллиги ҳақида кўп гапирмаслик, сир сақланиши зарур бўлган нарсаларни эса умуман этмаслиги керак. Улар ташхис масаласида беморлар билан суҳбатга алоҳида аҳамият берганлар. Беморнинг субъектив хисларини этиборга олганлар. Бу ҳақида шундай афоризм бўлган: " қайси бир бемор касаллигини яширса, у ўзини алдаган бўлади".

Шу даврдаги Эрон табиблари орасида қаҳқоллар, жарроҳлар, тиш табиблари, таносил, рухий ва хатто аёллар касалликларини даволовчилар бўлган. Жарроҳлар олдига қаттиқ талаб қўйилган. Улар касалларни жарроҳлик йўли билан даволашга киришишдан олдин ўз билим ва тажрибаларини исбот этиши керак бўлган. Бунинг учун улар камида. 3та жарроҳлик операциясини муваффақиятли ўтказишлари лозим эди. Эрон табиблари операция вақтида оғриқсизлантириш учун беморга наркотик моддлар берганлар.

Қадимги Эрон табиблар касалликни аниқлашда анча тажрибали бўлганлар. Улар иситмали касалликлар, хусусан, безгак, бавосил, чечак, трофик яралар, дизинтирия, ҳар хил яллиғланиш, паразит ва кўпгина тери касалликларини яхши билганлар, уларга тўғри ташхис қўйганлар ва уларни муваффақиятли даволаганлар.

Эрон табиблари ишлатадиган дориларнинг хили кўп эди. Улар ичида ўсимлик ва минерал моддалар, ҳайвонлардан олинадиган дорилар ва ҳ.к. бўлган. Масалан, улар оз миқдорда илон захарини бериб, киши организмни захарга қарши туриш кучини оширганлар. Бу ҳозирги тилда иммунитет дейилади.

Табиблар баъзи бир касалликларини ҳам билганлар. Масалан, уларга мўйначилар, темирчилар, тери билан ишловчиларда учрайдиган касалликлар маълум бўлган. Улар юқумли касалликлар мавжудлигини ҳам билганлар ва уларга қарши баъзи чораларни ишлаб чиққанлар. Юқумли касаллик пайдо хонадонни ва бемор буюмларини дудлатганлар.

Қадимги Ўрта Осиё худудида исьтиқомат қилган халқлар тиббиёти ҳам бошқа Шарқ мамлакатлар тиббиётига ўхшаш бўлган. Айниқса, Эрон тиббиёти билан Ўрта Осиё тиббиёти ўртасида умумийлик сезиларлидир.

Оғзаки бадий адабиётда ҳам тиббиётига оид баъзи маълумотлар топилади. Уларда жароҳатланган сипох танасидан ўқни чиқариб олиш, жароҳатларни боғлаш, тикиш каби муолажалар кўрсатилади. Халқ табобати ҳам тиббиёт тарихини ўрганишда ёрдам беради. Халқ табобатида қадим замонлардан ишлатилиб келган дори дармонлар ва муолажа усуллари ўрганиш орқали ўша вақтдаги тиббиётнинг ривожланиш даражаси соҳасида маълум тушунчага эга бўлиш мумкин. Масалан, Ўрта Осиё халқ тиббиётида ибтидоий жамоа давридан бошлаб ҳар хил шифобахш ўсимликлар баъзи минерал моддалар ва ҳайвон маҳсулотлари ишлатилгани маълум. Чунончи, тананинг яллиғланган жойига қўйнинг думба ёғини бир оз қизитиб, боғлаб қўйганлар. Бунда чипқон тезроқ "пишган" ва ўзи ёрилиб, ичидаги йиринг чиқиб кетган.

Ўша даврда Ўрта Осиёда кенг тарқалган муолижа усулларидан бири — шомонлик бўлган. Шомонлик ибтидоий даврлардан бошланади. Биз кўрсатиб ўтганимиздек, у даврда одамлар касаллик одам организмига ҳар хил жоҳил кучлар кириб қолишидан пайдо бўлади, деб ўйлаганлар. Шомоннинг даволаш усули узок вақт довомида шовқин сурон берувчи асбоб чалиб, тўхтовсиз турли ҳаракатлар қилиш йўли билан бемор танасига кириб қолган "жоҳил касал"ни ҳайдаб чиқаришни кўзда тутди. Халқ тиббиёти сифатида бизгача етиб келган бу малумотлар маълум аҳамиятга эга бўлса ҳам, ўша замондаги тиббиёт ҳақида албатта, етарли тушунча бермайди. Бу ҳақда бизга тўлиқроқ маълумот берувчи ёзма манбаъ биз юқорида айтиб ўтилган Авасто номли китобдир. Бу китобда қадимги Эрон, Озарбажон ва Ўрта Осиё халқларининг ҳаёти, тумиш тарзи, урф одатлари ва диний эътиқодлари баён этилган. Авасто эрамиздан олдинги VI асрда ёзилган, деб фараз қилинади. Абу Райхон Беруний "қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар" номли асарида китобнинг муаллифини зардуштийлар динининг асосчиси — Зардушт ибн Сафид Тумон деб атайди. Авасто зардуштийлар динининг ақидалари ва қонун қоидаларидан иборат. Аввало унда табиблик алоҳида касб эканлиги эътироф этилади ва табибнинг меҳнатига ҳақ тўлаш зарурлиги кўрсатилади. Бу ҳақда "Авасто"да бундай деб ёзилган:

"кохинларга ибодат қилганлари, табибларга муолажа қилганлари учун ҳақ тўлашлари зарур". Авасто дастлаб 21 қисмдан иборат бўлган. Унинг дастлабки 7 қисми дунёнинг келиб чиқиши ва одамлар авлодининг тарихига бағишланган, иккинчи 7 қисмида ахлоқ, кишиларнинг диний ақидаларга бўйсунушлари ва ҳаётий қонун қоидалари баён этилган. Охирги 7 чи қисмида эса тиббиёт ва фалаккиёт масалалари ёритилган. Сўнг Авасто вақт ўтиши билан кўп ўзгаришларга учраб охири 3 китобдан иборат бўлиб қолган.

Биринчи китоб "Вендидат" деб аталган. Бу китобда жисмоний ва рухий тозаланиш қоидалари баён этилган.

Иккинчи китоб "Висперет" деб аталиб, билиш маъносини билдиради.

Учинчи китоб "Ясна" деб аталган. Бунда зардуштизмнинг қонун ва қоидалари баён этилган.

Биз учун Авастонинг "Вендидат" номли китоби муҳимдир. Бу китобда ўша замонда зардуштийлар дини мазҳабида турувчи халқларнинг тиббиёти ҳақида маълумотлар бор.

"Вендидат" 22 қисмдан иборат. Шу қисмлардан 8 тасида тиббий масалалар баён этилган. Охирги 3 қисми айнан тиббиётнинг ўзи ҳақида.

Авестода 1чи галда жисмоний ва рухий озодалик масаласи ҳақида сўз боради. Ҳар хил зарарланган нарсалардан узоқ бўлиши кераклиги тавсия этилади. Энг кучли зарарланган нарса деб, ўлган одамнинг танаси кўрсатилган. Шунинг учун ўлган киши танасига яқинлашмаслик тавсия этилган. Афтидан, ўша замонда ҳам мурда захари ҳақида тушунча бўлган.

Зардуштийларнинг бу китоби ўлган кишининг жасадини ерга кумишни ман этади. Уни ёндириш ва сувга чўктириш ҳам мумкин эмас, чунки зардуштизм сув, ер, ва ҳавони муқаддас деб эълон қилган. Мурда танаси эса зарарланган бўлгани учун уларни ифлослантиради деб тушунганлар. Шунинг учун ўлган кишининг танасини аҳоли яшайдиган жойдан узоққа, тепалик жойга олиб бориб очик қолдирганлар. Қушлар ва ҳайвонлар мурданинг юмшоқ қисмларини еб бўлганидан кейин суякларни йиғиб, махсус суякдонларга солиб қўйганлар. Бу осорийлар уйдаги махсус токчаларда сақлаган. Бунда оссурийлар Ўрта Осиё, хусусан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида кўп топилган.

Авестода ёзилишича, тиббиётнинг кашфиётчиси, ва биринчи табиб — Трита бўлган. У ҳақида қуйидаги ривоят мавжуд: Трита биринчи бўлиб кишиларни касалликлардан ва ўлимдан холи қила бошлаган. Ахурамазда унга осмондан 1УУУУ та дори юборган. Трита шу дориларни ишлатиб кишиларни ҳар хил касалликлардан тuzатган. Бу дориларнинг ичида энг яхшиси хаома бўлган. Бу дори "саломатлик ва ҳаёт манбаи" деб аталган.

Павастони яратган пайғамбар деб аталувчи Зартуштрани фикрича, шу "соғлиқ ва ҳаёт манбаи" хаомани Трита кашф этган. Демак, у биринчи табибдир.

Авестода иккинчи табибнинг номи ҳам келтирилади. У Йима деб аталган. Бу табиб ҳақида қуйидаги ривоят бор: "Йима одамларни ҳар хил курол-ярок, кема яшашга, мато тўқишга, тегирмон қуришга ўргатди. У биринчи бўлиб кишиларни табиблик санъатига ўргатди.

Авестода одам анатомияси ва физиологияси ҳақида ҳам баъзи маълумотлар берилган. Унда одам организми 8 қисмдан иборат бўлади, деб кўрсатилган. Томирлар ҳақида бундай дейилган: 2 хил, яъни қизил қон оқувчи, қора қон оқувчи

томирлар бўлади. Бундан ташқари оқ қон оқувчи ёки қон оқмайдиган 3 хил томирлар ҳам бўлади. Бу ерда нерв томирлари кўзда тутилган бўлса керак. Чунки "барча ҳаёт шу 3 хил томирга боғлиқдир", — деб ёзилган. Айтилишича, қон юракда, ўт-жигарда, уруғ орқа мия каналида ишлаб чиқилади. Сезиш аъзолари ҳақида тўғри фикр айтилган. Сезиш, эштиш, кўриш, там билиш марказлари бош мияда жойлашган, дейилган.

Авестода ҳаётий жараёнлар ҳақида қизиқ фикр айтилган. Ҳаёт — иссиқликни бошқариш жараёнидан иборат ўлим эса иссиқлик мувозанати бузилиши натижасида организмнинг ёниб тугашидир.

Касаллик ва унинг сабаблари Авестода диний тушунчага асосланган. Касалликни жоҳил худо Ахриман юборди деб фараз қилинган. Касаллик аломатлари жоҳил Ахриман юборган руҳ кириши билан кўринади, деган фикр айтилган. Амалий тиббиётда касалликни келиб чиқишига ел сабаб бўлади деб кўрсатилган. Совуқ ел танани совитади, иссиқ ел қиздиради. Иссиқ елда Ахриманинг кўзга кўринмас майда заррачалари бўлади деб фараз қилганлар. Булардан кўринадики Авестода тиббиёт ҳақида тўғри фикрлар билан бир қаторда ҳақиқатдан узоқ фантастик тушунчалар ҳам мавжуд бўлган.

Амалий тиббиётда касалликнинг сабабларидан бири, овқат режимининг бузилиши деб кўрсатилган.

Китобда ёзилишича, касалликдан қутилиш учун фақат ормуздаги "яхшилик худосига мурожат қилиш керак. Аммо, амалий жиҳатдан 3 хил даволаш усули кўрсатилган. Булардан: 1) пичоқ билан даволаш, яъни жарроҳлик, 2) ўсимлик билан даволаш, 3) сўз билан даволаш. Бу ерда пичоқ билан даволаш, яъни жарроҳлик биринчи ўринга қўйилган. Демак моҳир жарроҳлар бўлган.

Ўсимликлар яъни шифобахш ўтлар билан даволашга келсак, Ўрта Осиё ерлари бундай ўсимликларга жуда бой бўлган. Қадимги замон табиблари улардан кенг фойдаланганлар. "Авестода" фойдали ва зарарли ўсимликлар борлиги кўрсатиб ўтилган. Авестода сўз билан даволашга алоҳида этибор берилган. Китобда ёзилишича, энг таъсирли даво усули диний урф-одатларни амалга оширишдир. Ҳозирги вақт нуқтаи назаридан қаралса, бу усул психотерапия принципига асосланади.

Саломатликни сақлаш учун "Авесто" бир қанча тадбирларни тавсия этади. Шулардан биринчиси бузилиб, чириб бораётган узоқда бўлиш. Айниқса мурда танасига яқинлашмаслик зарур. Китобда умумий гигиена, мамлакат ободончилиги, аҳолини тоза сув билан таъминлаш озиқ овқатни мўл қилиш уй ва боғларга мева дарахтлар экиш, деҳқончиликни ривожлантиришга эътибор бериш зарурлигини кўрсатилади. Авестода ёзилишича одам организмидан ажралиб чиқувчи барча чиқиндилар зарарли бўлади. Шунинг учун улардан узоқроқ юриш

керак. Авестода баён этилган зардушти динида табиатда ва ҳаётда доим икки қарама ва қарши куч бир бири билан кураш олиб боради дейилган.

Ўрта Осиё халқларининг узоқ, ўтмишдаги авлодлари Ардвисура — Анахита номли худога сиғинганлар. Бу ҳақда Авестода Ардвисура — Анахита одамларининг саломатлиги ҳақида қайғуради, у хомиладор ва тукқан аёллар ҳақида хомийлик қилади деб ёзилган. Авастода яна бундай сўзлар бор: "Ардвисура—Анахита тўлғоқ дардини қилар енгил ва тукқан аёллар кўкракларини лим-лим сутга тўлдирар". Ўрта Осиё халқлари тарихида "Биби мушкул кушот" исимли аёл ҳам маълум. У одамларни ҳар хил дарддан фориҳ қилади деб ўйлайдилар. Отинлар Биби мушкул кушот номига дуолар ўқиб, беморларни даволайдилар. Бундай отинларни "Биби халфа" деб атайдилар.

*Кадимги Миср тиббиёти.* Кадимги Миср тиббиёти маданият, илм-фан соҳалари бўйича Шарк мамлакатлари орасида етакчи ўринларда бўлган. Тарихий манбаъларга асосан, Кадимги Мисрда тиббиёт эрамиздан олдинги ИВ минг йилликда юзага келган. Жумладан, 3УУУ йилда Мемфис шаҳрида табиб Имхотеб шарафига махсус ибодатхона Курилган бўлиб, унда беморларга тиббий муолажалар кўрсатиш учун махсус хоналар ажратилган эди. Хелиополис ва Саис шаҳарларида махсус тиббий мактаблар бўлиб, уларда табиблар тайёрланар эди. Кадимги Миср тиббиёти папирус деб аталувчи ёзма манбаъларда баён этилган. Тарихчи олимлар тиббиётга доир бир нечта папирус ёзув манбаълари мавжудлигини аниқлаганлар. Шулардан биринчиси Имхотеб папирусидир. Буни Имхотебнинг ўзи ёзган деб фараз қиладилар. Бундан ташқарин, яна Георг Эберс, Эдвин Смит, Бругша деган олимлар номи билан аталувчи папируслар ҳамда Британия тиббий папируси бор. Яна булардан ташқарин, Кахун папируси мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар бор. Бу папируслар Каторида айникса, диққатга сазовори бу Георг Эберс папирусидир. Бу папирус асосан турли дорилар, уларни Кайси касалликларда ва Қандай кўлланиши баён қилинган, дориларни Қайлашда йил фасли, бемор ёши, касалликнинг оғир ёки енгиллиги, бемор аҳоли ҳисобга олиниш кераклиги кўрсатиб ўтилган. Чунки, дорининг таъсир этиши шу омилларга боғлиқ дейилади, китобда. Киши ёшига алоҳида эътибор берилган. Масалан, болалар ёшига Қараб дори ишлатиш усули бошқача бўлган. Чунончи, бир хил касаллик билан оғриган турли ёшдаги болага дори турли усулда берилган. Катта ёшдаги боланинг ичи кетганида унга дори ҳаб шаклида берилса, шу касаллик билан оғриган чакалокка дори майдаланиб, сутга Қўшиб берилиши кераклиги кўрсатилган. Кадимги Миср тиббиётининг характерли хусусиятларидан бири шу эдики, ҳар бир касаллик учун жуда турли-туман рецептлар ишлатилар эди.

Кадимги замондаги мисрликларда ҳар хил жохил рухлар касаллик пайдо қилади, деган тушунча сақланиб қолган эди. Шунга қўра, дастлаб ҳар хил сеҳрли

усуллар билан уни танадан чиқариб юбориш чорасини кўриш кераклиги уқтирилган, сўнг эса шу жохил рух бемор танасида қолдирилган касаллик асоратларини йўқотиш учун дори-дармон бериш керак, деб езилган. Шунинг учун бу дорилар симптоматик таъсирга эга бўлган. Шу сабабдан Миср табиблари дин арбоблари билан яқин муносабатда бўлганлар.

Миср табиблари асосан турли шифобахш ўсимликлардан фойдаланганлар, Қисман хайвонот маҳсулотларини ҳам ишлатганлар. Масалан, ич оғриғи касаллигига чалинган бир беморга берилган рецепт таркибида Қуйидаги моддалар киритилган: сугир сути - бир Қисм, ун-икки Қисм, асал - икки Қисм. Шуларни аралаштириб уч кун истеъмол Қилинган. Миср табибларининг фикрича, ҳар бир касалликда қўлланиладиган дори рецепти албатта мураккаб бўлиши зарур. Баъзи рецептлар 3У-4Уингредиентлардан, яъни алоҳида моддалардан ташкил топган.

Ҳар бир рецепт аввало у қандай касалликда ишлатилиши ёзиб қўйилган, сўнг эса моддалар рўйхати ва уларнинг ҳар биридан қанча миқдор олиш кераклиги кўрсатилган. Охирида эса дорини қандай ва неча кун дваомида қабул қилиш кераклиги кўрсатилган. Георг Эберс папирусида ўша вақтда маълум бўлган касалликлар ва уларни даволаш усуллари маълум бир тартибда баён этилган. Хусусан, ҳар бир дориларнинг рецептилари берилган. Шуниси диққатга сазоворки, китобда аёллар касалликларига алоҳида эътибор берилган. Жаррохлик соҳаси ҳақида Эдвин Смит папирусида тўлароқ маълумот берилган. Ундан ҳар хил аъзоларнинг жаррохлик касалликларидан бошлаб, тананинг қуйи томонларидаги аъзоларигача батафсил баён этилган. Бундай жароҳатланиш касалликлари 3 гуруҳга бўлинади:

- 1) Даволаб бўладиган касалликлар.
- 2) Даволаниши қийин бўлган касалликлар.
- 3) Даволаб бўлмайдиган касалликлар.

Учинчи гуруҳга қирувчи касалликни табиблар даволашдан қочганлар.

Смит папирусида дастлаб, ҳар бир аъзонинг анатомик тузилиши баён этилади, унинг касаллик ҳолати ва даволаш усуллари кўрсатилган. Миср табиблари алоҳида касалликлар бўйича ихтисослашганлар. Масалан, Қадимги Мисрда кўз касалликлари, бош касалликлари, ички аъзолар касалликлари, рухий касалликлар бўйича мутахассислар ва жаррохлар бўлганлар. Мисрликлар тушунчасига кўра, одам ўлганидан кейин унинг руҳи яшашда давом этади ва Маршаргоҳда бу руҳ одам танасига қайтиши мумкин. Шу тушунчага асосан фиръавнлар, сарой амалдорлари ва жуда бадавлат кишилар ўлганларидан сўнг уларнинг жасади балзамланган. Бунинг учун жасадни ёриб, унинг томирига балзам юборилган. Шу асосда одам организмнинг тузилишини мисрликлар бошқа халқларга нисбатан яхшироқ билганлар. Эрамиздан олдинги ИВ аср бошларида македониялик Искандар Мисрни босиб олади ва бу ерда Искандария

деб ном олган шахарни барпо этади. Бу шахар тез орада ўша даврдаги илм-фан марказларидан бирига айланади, маданият юксалади. Бу ерда фаннинг ҳам айрим сохалари, шу жумладан, тиббиёт ҳам юксак даражада ривож топди. Йирик олимлар, донишмандлар пайдо бўлди. Булар каторида машхур табиблар ҳам бўлган, улардан икки киши – Эразистрат ва Херофил айниқса машхурдир.

Эразистрат ўзи асли кичик осиёлик, эрамиздан олдинги ИИИ асрда яшаган. ИИИ аср бошларида Искандарияга кўчиб келиб, шу ерда яшаб, ижод Килган.

Эразистрат дастлаб, одам организмнинг хусусиятлари, хусусан харакат жараёнини ўрганишдан бошлайди. Шу максадда у кўп анатомик текширишлар ўтказди ва бунинг натижасида бир неча кашфиёт Килади. Масалан, одам бош миясини текшириб, унда Каттик ва юмшок пардалари борлигини, мия сатхи текис эмаслигини, мия массаси ичида, ўзида суюклик сакловчи чукурчалар борлигини, мияда харакатлантирувчи ва сезувчи нерв томирлар борлигини аниКлаган.

Эразистрат юрак ва Кон-томирларини ҳам анатомик ва физиологик жихатидан текширди, юрак харакатини кўздан кечирди. Юрак ва юрак дахлизи ҳамда юрак ва аорта томири ўртасида Копкокчалар борлигини аниКлаган. Корин бўшлиғидаги аъзоларни текшириб, ичак перисталтикасини кўздан кечирди. Перисталтика туфайли овкатмеханик жихатдан ишланиши хакида фикр юритди. Бу фикр сўнгги текширишларда тамомила тасдиКланди.

Шундай Килиб, Эразистрат биринчи бўлиб, одам анатомияси ва аъзолар функциясининг баъзи мухим масалалари хакида тўғри фикр юритган ва бунинг анатомик текширишлар йўли билан исботлаб берган. Бу тиббиёт фанига кўшилган катта хисса эди. Искандариялик иккинчи олим Херофил эди. Бу олим эрамиздан олдинги 3УУ йилда туғилган. Херофил ҳам ўз фаолиятини анатомияни ўрганишдан бошлади. У мия, жигар ва юракни синчиклаб, текширди. Миянинг тўртинчи коринчаси каттарок эканлигини аниКлади. Юракни текшириб, унинг харакатида уч давр – систола, пауза ва диастола даврлари бўлишини кузатди. Артерия кон томирларининг уриб туришини текшириб, юрак ишига алоҚадорлигини кўрсатди. Ўн икки бармоқка тенг келадиган ичакни биринчи марта кайд этди.

Херофилнинг фикрича, хар бир касалликнинг ўзига хос махсус дориси бўлиши керак. Олим жуда мураккаб рецептлар ишлатган. Ўша даврда Искандарияда яна бир машхур табиб – Кослик Филипп яшаган эди. У Херофилнинг шогирди бўлган. Бу олим тиббиётда “эмпириклар мактаби” номли жамиятни ташкил этган. “Эмперик”лар организмнинг тузилиши ва унинг табиатини текшириб ўтиришнинг холати йўК, у тўғрида хар хил назарий фикр юритиш ҳам ортиКча. Табиб вазифаси мумкин Қадар фойда келтирувчи дорилар излаб топиш ва уни кўллашдан боради, деб уктирилган.

### **Мавзу №3: Қадимги Хитой ва Қадимги Ҳиндистон тиббиёти, буюк намоёндаларининг ҳаёти ва ижоди.**

**Қадимги Хитой тиббиёти.** Хитой маданият, фан ва тиббиёт юксак савияда ривожланган Шарк мамлакатларига Каторига кирган. Унинг тиббиёти асосан “Ней-Цзин” (“Одам табиати ва ҳаёти”) номли китоби орҚали ўрганилади. Асар муаллифи Қадимги Хитойнинг машхур табиби Ван Шу Хе бўлиб, мазкур китобда ўша даврда Хитой императори бўлган Хуанди билан табиб Ван Шу Хе ўртасидаги савол-жавоб келтирилган. Хуанди савол берган, Ван Шу Хе жавоб берган. Китобда одам организмининг тузилиши, унинг табиати, саломатлик ва касаллик сабаблари, касаллик белгилари, ташхис ва даволаш усуллари акс эттирилган.

Одам организми ва унинг тузилиши хаҚида Қадимги Хитой табиблари, самовий элементлар назарияси позициясида турганлар, яъни улар бутун борлик тўрт самовий элементдан иборат бўлади, бинобарин, одам организмининг асосини ҳам шулар ташкил этади, деб ўйлаганлар.

Саломатлик ва касаллик сабаблари масаласида Қадимги Хитой табиблари икки Қарама-Қарши куч тушунчасида турганлар. Бу тушунчага биноан бутун ҳаст икки Қарама-Қарши куч таъсири остида бўлади. Одам организмида ҳам шу икки куч доимо бир-бири билан ўзаро “олишув” да бўлади. Булардан бири “Ян”, иккинчиси “Ин” деб аталган. Ян фаол, ҳаракатчанг куч, Ин эса суст, инерт куч деб фараз Қилинган.

Қадимги Хитойликлар Ян деганда актив ҳаракат Қилувчи пневмани тушунганлар. Ин эса ўз холича ҳаракатсиз суюклик, уни пневма ҳаракатга келтиради ва томирларда оқишга ёрдам беради. Агар шу иккала Қарама-Қарши кучнинг бир-бирига таъсири мувозанатда бўлса, одам организми ўз соғлигини саҚлайди. Агар бу кучлардан бири устун келса, мувозанат бузилади ва касаллик пайдо бўлади.

Қасаллик белгиларини кўздан кечириш ва ташхис Қўйиш масаласида Қадимги Хитой табиблари бир қанча ўзига хос усулларни ишлаб чикканлар. Улар беморни жуда ҳам синчиклаб текширганлар, эринмай соатлаб кузатганлар. Хитой табиблари бемор томирини текширишда, айникса, юксак маҳоратга эришганлар. Томирни ҳар хил ҳолатда бемор ётган, ўтирган ёки тик турганда овҚатдан олдин ва овқатдан кейин, бемор тинч ҳолатда ёки жисмоний ҳаракатдан кейин узок вақт текширганлар. Тананинг ҳар бир нуктасидаги томирни бир-бирига солиштириб кўрганлар. Бунинг натижасида бемор томир уришида рўй берган жуда ҳам нозик билинар - билинмас ўзгаришларни аниқлай олганлар. Бундан ташқарин, бемор аҳволига, унинг ташки кўринишига, руҳий ҳолатига ҳам алоҳида аҳамият берганлар. Бундай синчиклаб текшириш натижасида Қадимги Хитой табиблари кўпинча касалликни тўғри аниқлаганлар, улар жуда кам янглишганлар.

Қасалларни даволашда Қадимги Хитой табиблари мокса, массаж ва игна



санчиб даволаш каби ўзига хос усулларни ишлаб чиққанлар. Мокса усули асосида касал аъзо терисини Куритилган турли ўсимликларни тутатиб, кизитиш ётган. Мокса усулининг ижобий томонлари илмий жихатдан исбот этилган. Массаж усулида танани хушбўй, мойсимон моддалар билан укаланган. Бу усул турли бўғим касалликларида, организмни куч-куватини оширишда Қўлланилган. Игна санчиб даволаш (акупунктура) усули бир неча минг йиллик тарихга эга. Ушбу усул хозирда ҳам замонавий тиббиётда кенг қўлланилмоқда.

Кадимги Хитой табибларининг фикрича, одам танасида 36У та нукта бўлади. Шу нукталарга игна санчилса бемор оғрик сезмайди ва касалликдан соғаяди.

Игна санчиб даволаб усули ҳам рецепторлага таъсир Килиш принципига асосланади. Аммо Кадимги Хитой табиблари бу усулга бошқачарок баҳо берганлар. Улар санчиладиган игналар ичини ковак килиб ясаганлар ва организмларга Карама – карши кучлардан бири пасайиб кетса, шу ковак оркали чикиб кетади, агар етишмаса, яна шу игнадаги ковак оркали организмга киради, деб фараз қилганлар.

Кадимги Хитой табиблари дори – дармонлардан фойданалнишда ҳам жуда мухим мувафаккиятга эришганлар. Улар табиатда умуман маълум дори-дармонлардан ташкарин янги жуда таъсирчан ўсимлик ва хайвонлардан олинадиган дорилар ҳам кашф этганлар. Масалан, машхур женшен ўсимлиги Хитой табиатининг энг буюк кашфиётларидан биридир. хайвонлардан олинадиган дори моддаларидан биринчи ўринда тарғил кийик шохидан олинадиган панти (пантокрин) моддасини кўрсатиш мумкин. Бундан ташкарин, Хитой лимони деб аталувчи дори ҳам мавжуд. Хитой тиббиётида ўша даврдаёқ мингдан ортиқ хар хил доривор ўсимликлар, минерал моддалар ва хайвонлар танасидан олинадиган дорилар ишлатилган. Хитой олимлари томонидан кузатилган 32 жилдли фармакопея китоби мавжуд.

Кадимги Хитой тиббиётининг мухим ютуғи шундан иборатки, организм бир бутун система эканлиги эътироф этилади. Шунга асосан, бирор аъзо касалланса, бутун организм хасталикка учраган, деб Каралган. Хитой тиббиёти афаризмларининг бирида шундай дейилади: “агар беморнинг боши оғриётган бўлса, фақат бош оғриғини, оёғи оғриётган бўлса фақат оёғинигина даволаш билан чекланма, бемор одамни бус-бутун давола”. Буфикр хозирги замон илғор тиббий фан принципига тамомила мос келади.

Ўша замонда Хитой табиблари Каторида Ван Шу Хе дан бошқа ҳам буюк табиблар бўлган. Шулардан Бян Цио, Хуа Ту номли табиблар алохида эътиборга сазовордирлар.

Бян Цио эрамиздан олдинги VI асрда яшаган. Унинг “Кийинчилик хақида китоб” номли асари маълум. Бу асарда муаллиф одам анатомияси, физиологияси, касаллик сабаблари, белгилари, ташхис ва даволаш усулларини баён этади. Бян

Цио игна санчиб даволашда жуда хам мохир эди. У аёллар касалликларини ва болаларга хос касалликлар хақида анча тўлиқ маълумот берган.

Шундай Килиб, Кадимги Шарқда, Мисрдан сўнг тиббиёт энг юксак даражада ривожланган мамлакат – Хитой эди. Хитой тиббиёти хинд, Тибет, Мўғилистон ва Ўрта Осиё тиббиётига ижобий таъсир кўрсатди.

Кадимги Шарқнинг буюк давлатларидан бири **хиндистондир**. Бу мамлакат хам қадимий анъаналарга бой. Тиббиёт соҳасида хам Кадимги хиндистон тиббиёти тарихини ўрганишда асосий манбаъ бўлиб Аюр Ведалар ҳисобланади. “Аюр веда” сўзи “ҳаётни билиш” - деган маънони билдиради. Тарихда учта Аюр Веда мавжуд. Булар - Сушрута Аюр Ведаси, Чараки ва Атрейн Аюр Ведаси. Булар ичида Сушрута Аюр Ведаси алоҳида эътиборга молик. Бу китоб эрамиздан олдинги ВИ асрда ёзилган деб тахмин Қилинади. Китобда одам организмининг тузилиши, унинг табиати, соғлиқни сақлаш масалалари, касалликларни аниқлаш ва унинг келиб чиқиш сабабларини белгилаш масалалари баён этилган. Касалликларни даволашга алоҳида эътибор берилган.

Одам организмининг тузилиши ва табиати масаласида Кадимги хиндистон табиблари Хитой олимлари каби самовий элементлар тушунчасига асосланганлар. хиндлар маълум тўрт элементга яна бешинчи – илохий элементни Қўшдилар. Бу элементлар организмга овқатсифатида киради ва меъдада хилусга айланиб, ичаклар орқали танага сингади ва барча аъзолар таркибий Қисмига киради. хинд табибларининг фикрича, одам организмининг табиати шу самовий элементлар хоссалари билан белгиланади.

Кадимги Шарқнинг буюк давлатларидан бири **Ҳиндистондир**. Бу мамлакат хам қадимий анъаналарга бой. Тиббиёт соҳасида хам қадимги Ҳиндистон тиббиёти тарихини ўрганишда асосий манбаъ бўлиб Аюр Ведалар ҳисобланади. "Аюр веда" сўзи "ҳаётни билиш", — деган маънони билдиради. Тарихда учта Аюр Веда маълум. Булар— Атрейн Аюр Ведаси, Чараки Аюр Ведаси ва Сушрута Аюр Ведаси. Булар ичида Сушрута Аюр Ведаси алоҳида эътиборга молик. Бу китоб эрамиздан олдингиВИ асрда ёзилган деб тахмин қилинади. Китобда одам организмининг тузилиши, унинг табиати, соғлиқни сақлаш масалалари, касалликларни аниқлаш ва унинг келиб чиқиш сабабларини белгилаш масалалари баён этилган. Касалликларни даволашга алоҳида эътибор берилган.

Одам организмининг тузилиши ва табиати масаласида қадимги Ҳиндистон табиблари хитой олимлари каби самовий элементлар тушунчасига асосланганлар. Ҳиндлар маълум тўрт элементга яна бешинчи — илохий элементни қўшдилар. Бу элементлар организмга овқат сифатида киради ва меъдада хилусга айланиб, ичаклар орқали танага сингади ва барча аъзолар таркибий қисмига киради. Ҳинд табибларининг фикрича, одам организмининг табиати шу самовий элементлар хоссалари билан белгиланади.

Соғлиқни сақлаш масаласида қадимги ҳиндлар биринчи ўринга гигиена қоидаларига риоя қилганлар. Хусусан, танани, кийим-кечакни, кўрпа-тўшакни, уй-жойни тоза ва озода сақлашга алоҳида аҳамият берганлар. Бундан ташқари, жисмоний тарбия машқларини аҳамиятини ҳам кўрсатиб ўтганлар. Ниҳоят, овқат масаласига алоҳида эътибор берганлар. Овқат режимининг бузилишидан кўп касалликлар келиб чиқишини уқдирганлар, шу сабабли парҳез таомларни тавсия этганлар.

Касалликларни аниқлаш ва даволаш қадимги ҳинд табиблари юксак маҳоратга эришганлар. Биринчи галда касалликни тўғри аниқлашда ҳаракат қилганлар. Шу мақсадда беморни синчиклаб кўздан кечириш, у билан узоқ суҳбат кўриш, териси ва шиллиқ пардаларини текшириш, уларни ҳолати ва тусини белгилаш, тилни кўздан кечириш ва ниҳоят томирни ушлаб кўриш усулларини ишлаб чиққанлар. Бу усуллар ёрдамида қадимги ҳинд табиблари касалликларни ҳамма вақт деярли тўғри аниқлаганлар. Сушрута Аюр Ведасида 15УУ дан ортик касалликлар белгилари баён этилган, уларни аниқлаш усуллари кўрсатилган.

Сушрута тиббиёт тарихида биринчи бўлиб, яллиғланиш жараёнининг белгиларини тўлиқ кўрсатиб берган. Булар — шиш пайдо бўлиш, қизариш, шу жойнинг ҳарорати ошиши, оғриқ пайдо бўлиши ва яллиғланган аъзо функциясининг пасайишидан иборат.

Касалликларнинг келиб чиқиши масаласида қадимги ҳинд табиблари ҳуморал назарияси нуқтаи назарида турганлар. Бу назарияга биноан ҳар қандай касалликнинг умумий сабаби аъзодаги тўрт суюқликнинг миқдор ёки сифат жиҳатидан ўзгаришга боғлиқ. Улардан бири устун келиб қолса, мувозанат йўқолиб, касаллик келиб чиқади. Бу мувозанат бузилишига олиб келадиган сабаблардан биринчи ўринда иқлим ва об-ҳавонинг ўзгариши, оғир жисмоний меҳнат, овқат режимининг бузилиши кўрсатилган.

Касалликларни даволашда қадимги ҳинд табиблари айниқса, Сушрута жуда моҳир бўлган. Даволашда ишлатиладиган дорилар 8УУ га яқин бўлган. Булар орасида ўсимликлар, минерал моддалар ва ҳайвонлар аъзоларидан тайёрланган дорилар кўп учрайди. Табиблар беморга дори беришдан олдин унинг организмни ортикча рутубатлардан тозалаш чорасини кўрганлар, ич сурувчи ва ўт ҳайдовчи моддалар берилган. Бу билан суюқликларни мувозанат холига келтиришга ҳаракат қилганлар. Шу мақсадда, кўпинча, бемор томиридан қон олинган. Шундан сўнггина беморга дори-дармондан ташқари, бошқа усуллар ҳам қўлланилган. Масалан, уқалаш, ванна қабул қилиш ва ҳ.к.

Қадимги ҳинд тиббиётида жарроҳлик усули жуда ҳам ривож топган эди. Айниқса, Сушрута жуда моҳир жарроҳ бўлган. Жарроҳлар қовуқда пайдо бўлган тошни чиқариб олиш, чуррани операция қилиш, қаттиқ жарроҳатланиб, ишга яроқсиз бўлиб қолган кўл ёки оёқни кесиб ташлаш, кўз катарактасини операция

қилиш усулларини амалга оширганлар. Аёлларда учрайдиган баъзи касалликларни ҳам операция қилиш усули билан даволашни билганлар. Масалан, бирор сабабга кўра, она қорнидаги боланинг боши жуда ҳам катта бўлиб ўсиб кетган бўлса, онани саломат сақлаб қолиш учун боланинг бошини бўлақларга бўлиб чиқариб олиш, она қорнидаги бола кўндаланг ётиб қолган бўлса, туғилмасидан олдин уни оёқ ёки бош томонга айлантириш ва ҳ.к.

Қадимги ҳинд табибларининг жарроҳлик соҳасидаги энг буюк ютуғи пластик операциядир. Бунда бирор етишмаган аъзо ёки унинг қисми тикланади. Бундай операция усуллари у вақтда фақат Ҳиндистон тиббиётида қўлланилган. Пластик операция соҳасида айниқса Сушрутанинг ўзи машҳур бўлган. Сушрута бурун, кулоқ, лаб каби органларни пластик йўл билан қайта тиклаш усулини жуда моҳирлик билан амалга оширган. Бу операциялар " Ҳинд усули" номи билан машҳур бўлган. Умуман ҳинд жарроҳлари 2УУдан ортиқ бундай асбоблар ишлатганлар.

Атрейин, Чараки Аюр Ведалари ҳам қадимги Ҳиндистон тиббиёти тарихида муҳим роль ўйнаган. Қадимги Ҳиндистоннинг машҳур табибларидан яна Дванхатарани кўрсатиш мумкин. Бу олим ҳам тиббиётга оид махсус китоб ёзиб қолдирган.

**Мавзу №4 Қадимги Ғарб мамлакатлари тиббиёти, буюк намоёндаларининг ҳаёти ва ижоди.**

Ғарбда классик кулдорлик жамияти дастлаб Юнонистон ва Римда пайдо бўлган. Антик Юнонистон медицинасида мустақил врачлар ва врач омиллари пайдо бўлган. Бу давр эраиздан аввалги ХИИ асрга тўғри келади.

Юнонистон ва Рим Оврупа худудида қадимда энг ривожланган мамлакатлар эди. Улар бошқа мамлакатларга нисбатан сиёсий, маданий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий этган эди. Ушбу мамлакатлар худудида бир қатор файласуфлар, маданият, санъат намоёндалари ҳамда тиббиёт олами вакиллари етишиб чиқдилар. Хар бир шаҳарда узининг тиббиёт мактаблари вужудга келди. 1ша замонда Оврупа тиббиётининг ривожланишида қадимги Юнонистон ва Рим тиббиётлари муҳим урин эгаллади.

Қадимги Юнонистон тиббиётини урганишда асосий тарихий манбаъ бу Гомернинг "Илиада" поэмасидир. Бу асарда асосан юнонларнинг эраиздан аввалги ХИИ асрда (1193-1184 йиллар) булиб утган Троян остонасидаги жанг тафсилотлари ёритилган. Жумладан, юнон армияси таркибида фаолият юритган табиблар хақида суз бориб, уларнинг ярадор булган харбийларга курсатган тиббий ёрдамлари ёритиб утилган.

Ушбу поэмада ёритилган муҳим бир ривоятга кура, ушбу урушда тиббиёт худоси булмиш Асклепий ҳам иштирок этган. Асклепийнинг икки кизи – Панакея ва Хигиея, икки угли – Махаон ва Подалирийлар булган. Улар ҳам табиблик

билан шугулланиб, ушбу урушда катнашганлар. Махаон жаррохлик килган булса, Подалирий ички касалликларни даволаган (терапевт).

Ривоятларда айтилишича, Асклепийнинг отаси Аполлон (Куёш худоси), онаси Кронида булган. Асклепийни дунёга келишида онасининг корнини ёриб олиш оркали олганлар. Бу усул хозирда Кесарча кесиш дейилади.

Кадимги Юнон тасвирий санъатида Асклепий илон уралиб олган хассага таяниб турган кекса ёшдаги киши сифатида, кизи Хигиея эса кулида илон уралган кадах ушлаб турган киз сифатида тасвирланади. Илон уралиб олган кадах тиббиёт рамзи сифатида кабул килинган.

Хигиеяни саломатлик худоси деб атаганлар. Шундан келиб чикиб, хозирда касалликларни олдини олиш билан шугулланувчи фан гигиена деб аталади.

Панакея эса турли касалликларга даво булувчи дори тайёрлаш усуллари билан шугулланган. Бундай дориларни панацея деб атаганлар. Ушбу суз хозирда факат рамзий маънода ишлатилади. Махаон ва Подалирийлар тугрисида деярли маълумотлар етиб келмаган.

Кадимги Юнон тиббиётини урганишда “Гиппократ туплами” асари мухим урин тутуди. Ушбу китоб эрамиздан аввалги В-ИВ асрларда ёзилган. Китобни машхур табиб Гиппократ бошлаб бериб, уни унинг шогирдлари давом эттирганлар.

Кадимги Юнонитонда тиббиёт икки йуналишда – амалий тиббиёт ва ибодатхона тиббиёти йуналишларида ривожланган. Кейинчалик ибодатхона тиббиёти уз ахамиятини йукотган. Амалий тиббиёт кенг ривожлана бошлаган. Ушбу йуналишнинг ривожланишида Демокрит ва Анаксимен каби буюк юнон файласуфларининг илгор таълимотлари катта рол уйнаган.

Табиблар узаро бирлашиб, айрим шахар ва улкаларда тиббиёт мактабларини барпо этадилар.

**Кротон мактаби.** Кадимда Кротон Юнонитон колонияси булган. Ушбу мактаб олимлари инсон организмининг масаласини аник ишлаб чикканлар. Улар асосан файласуф Анаксименнинг “хамма нарсани хаво ташкил этади” деган фикрига асосланар эдилар. Шу тарика тиббиётда “Пневматик назария” пайдо булди. Алкмеон одам организми ва унинг барча аъзолари шу пневмадан келиб чиқади, дейди. Бу пневма узида турли карама - каршиликларни чиқариб, шу карама-каршиликлар мувризанати бузилса, касаллик пайда булади, деб хисоблайди. Ушбу мактабнинг яна бир вакили бу Диоген булиб, у эрамиздан аввалги III асрда яшаб утган. У юракнинг унг коринчасида кон, чап коринчасида бушлик, вена кон томирларида кон, артерияларда бушликни курган. Шунга кура у артерияларни ““аэра” деб атаган. Ушбу мактабнинг фаолияти хам тиббиётни ривожланишида уз урнига эга булди.

**Книдос мактаби.** Ушбу мактабга Эврифон асос солган. Бу мактаб вакиллари

касалликлар белгиларини синчиклаб урганганлар. Улар ҳам “Пневматик назария” га асосланар эдилар. Улар факат “иссиклик” ва “совукликни” тан олганлар. Ушбу мактаб вакиллари касалликларни ривожланиш йулларини (патогенезини) ишлаб чикканлар. Улар киши организмидаги суюкликлар одамнинг саломатлиги ва касаллигини белгилайди, деб уйлаганлар. Натижада патогенез назарияси пайдо булди.

**КОС тиббиёт мактаби.** Ушбу мактаб КОС оролида ташкил топган. Унинг энг йирик вакили Гиппократ бўлган. Гиппократни тиббиётнинг отаси, деб билишади.

Бу мактаб практик ютуқларга эришган. Жаррохлик услублари яхши ишлаб чикилган бўлса-да, Сушрута мактаби даражасига етолмаган. Улар чуррани даволай олмаганлар ва пластик операцияларни яшашни билмаганлар. Гиппократ эрамиздан аввалги 46У-372 йил Кос шахрида тугилган. Унинг отаси - Гераклид врач, онаси - Фенарата акушерка бўлган. Гиппократ уйланганидан кейин Афина шахрига кўчади. Ўша вақтларда Афина фан ва маданият маркази бўлган. У ерда кўплаб олимлар, тарихчилар, шоирлар, врачлар яшаганлар. Булар машхур тарихчи Геродот, шоир Пиндар, Драматурглар Софокл, Эвринид, Аристофан, хайкалтарошлар - Мирон, Фидий, Пачиклет ва бошқа ларни кўрсатиш мумкин. Жахонда биринчи марта атом назариясини кашф этган Демокритни алохида таъкидлаб ўтиш керак. Бундан ташкари Анаксагор, Протагор, Сократни ҳам келтириш мумкин. Гиппократ буларнинг хаммаси билан танишиб, уларнинг дунёкарашини ўрганади. Унга айникса Демокритнинг материалистик фалсафаси зўр таъсир кўрсатади.

Гиппократнинг врачлик ва олимлик назарияси Демокритнинг материалистик карашларига асосланган.

Гиппократ кўп мамлакатлар бўйлаб саёхат килган. У Миср, Кичик Осиё, Ўрта денгиз мамлакатлари бўйлаб юриб, у ердаги халкларнинг турмушини ўрганган, уларнинг касалликларини синчиклаб текширган.

Шунинг натижасида Гиппократ ўз махорати ва билимини оширган. Гиппократ одамларни тур тоифага ажратган. Бу фикрини ўзининг “Хаволар, сувлар, мамлакатлар” деган китобида баён этган. Бундан ташкари, у “Афоризмлар”, “Прогностика” ва “Эпидемиялар” деган асарлар ёзган.

“Эпидемиялар” китобида юкумли касалликлар хақида фикр юритган. Бу китобда 42 касалликнинг номи келтирилган.

Гиппократ ўз дунёкарашига биноан материалист бўлган. Унинг фикрича, хамма борлик атомдан иборат бўлган. Хàёт эса атомларнинг харакат идан келиб чиқади, деган фикрда бўлган. Гиппократ кишиларнинг турмуш тарзларида ўзгаришлар бўлишини, уларнинг кўп ёки кам овкат ейишига, ичкиликка нисбатан қандай муносабатда бўлишига, меҳнатни севиш ёки севмаслигига эътибор

беришни тавсия килган. Чунончи, урф-одатларнинг ҳам киши соғлигига таъсир этиши таъкидланади. Масалан, баъзи халкларда чиройли бўлиш мақсадида ёш боланинг бошини тангиб кўйиб, калла суягини чўзик шаклга келтиришга ҳаракат қилинган. Бу эса тиббиёт нуқтаи назаридан мияларнинг яхши ривожланмаслигига ва бошқа салбий оқибатларга олиб келган. Бу ҳол албатта кўп ҳолатларда наслий касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлган. Умуман касалликларнинг келиб чиқиши масаласида Гиппократ бошқа юнон врачлари сингари “қразия” (организмдаги карама-карши кучларнинг мувозанатда булиши) ва “дискразия” (шу мувозанатнинг бузилиши) назарияларига асосланган.

Гиппократнинг фикрича, ҳар хил темпераментли кишиларга бўлинган одамлар турли касалликларга нисбатан сезгир бўладилар. Масалан, флегматиклар курук ва иссик кунлари ўзларини яхши ҳис этиб, қор ёмғирли кунларда эса ёмон ҳис этадилар. Холерикларнинг иклими курук бўлгани учун улар ҳаво нам бўлганда, ўзларини яхши ҳис этадилар. Курук ва иссик ҳароратга чидайдолмайдилар. Меланхоликлар касалликларга тез-тез чалиниб туришади. Сангвиниклар энг чидамли тоифадаги одамлар ҳисобланади. Гиппократ дунёда биринчи бўлиб ҳар касалга касаллик тарихи варақасини жорий этган. У врачлар касамёдини киритган. Шунингдек, тиббиёт бўйича энг йирик асари “Гиппократ тўплами” ҳисобланиб, ҳар бир врач учун асосий қўлланма бўлган. Гиппократ даволашдан олдин ўйлаб кўр, даволайман деб зарар етказма” деган доно ибораси тиббиётда даволовчи шифокорлар учун шиор булиб қолиши керак.

Гиппократ умрининг охирида Ларисасе шаҳрида яшаган ва шу ерда вафот этган.

Клавдий Гален Қадимги Рим врачлари орасида энг машҳури бўлган. У Пергам шаҳрида архитектор оиласида дунёга кетган. Гален фалсафа ва тиббиётни чуқур ўрганган. Шундан сўнг гладиаторлар мактабида 6 йил давомида врач сифатида фаолият кўрсатган. У Римга кўчиб келганидан кейин император Марк Аврелий саройида хизмат қилади ва унинг вафотидан сўнг ўттизга хизмат қилади. Гален тиббиёт соҳасида 2УУ дан ортиқ асарлар ёзган. Шундан 14Утаси бизгача етиб келган. Гален организмда руҳ борлигини эътироф этган. У: ““Рух организмдаги барча жараёнларни идора қилиб туради. Агар организм ва руҳ ўртасида келишмовчилик бўлса, касаллик келиб чиқади”-, деб гуморал назарияни ёқлаган. Гален анатомия фанини ривожлантириб, асосан, чўчка ва маймунларнинг қорин бўшлигини ёриб, тажриба ўтказган. Бунда у организмдаги 2 хил тўқимани кашф этади:

1. Мускул, пай, томир ва нервлар.
2. Жигар, ўпка, юрак.

Гален бир қанча янги мускулларига, жумладан, орқа, бўйин, умуртка, кўз, чайнов, хикилдоқ, кўл ва оёқ панжалари мускулларига яхши таъриф берган. Гален

миядан чиккан нерв толалари мия моддасининг ўзидан хосил бўлишини биринчилардан бўлиб исботлаган. Шунингдек, у ““нервусвагус” нинг толаларини ўпка ва ошқозон соҳаларида борлигини аниқлади. Олим физиология соҳасида ҳам текширишлар олиб бориб, орка мияни кесиб организмдаги ўзгаришларни батафсил баён этган ва орка мияда сезувчи ва ҳаракат ланувчи нерв толалари борлигини тасдиқлаган. XIX асрга келиб Чарльз Бер ва Мажандилар буни яна бир қарра исботладилар. Шу сабабли ҳам Гален жаҳон тиббиётига ўзининг клиник қарашлари билан илмий материалистик назария асосида юксак муваффақиятларга эришган.

### **Мавзу №5: Ўзбекистон ҳудудида ўрта асрларда тиббиётнинг ривожланиши. Хоразмшоҳлар давридаги тиббиёт.**

Ўрта асрларда Ўрта Осиё давлатларида фан ва маданият юксак даражага кўтарилди. Йирик шаҳарларда илм-фан марказлари- дорилфунунлар, мадрасалар ташкил этилди. Уларда унлаб машҳур олимлар, фаннинг ўша даврда маълум бўлган ҳамма соҳалари устида ижод қилдилар, машҳур асарлар яратдилар. Мадрасаларда кўплаб талабалар таълим олар, уларга ўша замоннинг кўзга кўринган йирик олимлари дарс берардилар. Ўша даврда Ўрта Осиёдаги давлатлар фан ва маданиятнинг ривожланиши жиҳатидан жаҳонда энг тараққий этган мамлакатлар қаторига чиқиб олди.

Бундай умумий юксалиш жараёнида тиббиёт илми ҳам жуда ривожланди. Шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган йирик кентларда касалхоналар, шифохоналар (амбулатория кўринишидаги даво масканлари), дорихоналар барпо этилди. Уларда тажрибали ҳақимлар (ўқимишли табиблар) ва доришунослар хизмат қилардилар. Баъзи йирик касалхоналар қошида махсус олий тиббий билим масканлари очилган бўлиб, уларда кўплаб талабалар ўқитилади. Бу ерда талабалар устозлари раҳбарлигида ўз билим ва тажрибаларини орттирадилар. Тиб илми соҳасида чуқур билим ва тажрибага эга бўлган ҳақимлар талабалар учун турли касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволашга оид дарсликлар ва қўлланмалар яратдилар. Улар кўпгина илмий асарлар устида ҳам ижод қилдилар. Ўша даврда яратилган «Тиб қонунлари китоби» бунга яққол мисолдир. Ўрта Осиё олимларининг яратган тиббий асарлари жаҳон тиббиёт илми хазинасига йирик дурдоналар бўлиб қўшилди. Ўрта асрларда Ўрта Осиё давлатларида илм-фан ва маданиятнинг юксалиши, биринчи галда шу давлатларда ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда рўй берган ижобий омиллар бўлса, иккинчидан ўша вақтдаги давлат бошлиқларининг фан ва маданият аҳллари кўллаб-қувватлашлари натижаси эди. Ўша вақтда ҳақимлик қилган давлат арбоблари ўзлари ўқимишли кишилар бўлганлар. Шунинг учун улар илмнинг қадрига етар ва илм аҳллари кўллаб қувватлардилар. Уларга ўз саройларидан жой бериб,



илмий ишлари учун зарур шароит яратиб берардилар. Тарихда ўша замондаги Хоразм, Бухоро ҳамда Самарқанд ҳокимларининг шундай илм-фан хомийлари бўлганликлари маълум. Шунинг учун бу ҳокимликлар ҳудудида илм-фан ва тиббиёт равнақ топган эди. Биз кўйида шу давлатлар ҳудудида тиббиётнинг ривожланиши билан танишиб чиқамиз. Хусусан 1У -12 асрларида Хоразмшоҳлар, сосонийлар ва қорахонийлар давридаги тиббиёт билан танишамиз.

9 – 1У асрга келиб жаҳонга машҳур бўлган қадимги Хоразмшоҳ мавқеи қайтадан кўтарила бошлади. Араблар истилоси даврида парчаланиб кетган Хоразм давлати тикланди. Ўша даврда ҳукмронлик қилган шоҳ Маъмун ибн Муҳаммад шимолий ва жанубий Хоразм шоҳликларини бирлаштириб, ягона Хоразм давлатини барпо этди. Хоразм сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан бир бутун давлат бўлиб тараққий эта бошлади. Бунинг натижасида Хоразм яна шарқнинг энг ривожланган мамлакатларидан бирига айланди. Унинг пойтахти Гурганж (Урганч) ўз маданий ҳаёти ва турли фанларнинг ривожини жиҳатидан бутун Шарққа машҳур бўлди. Шаҳарда турли ҳунармандчилик, ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ ишлари жуда ривож топди. Хоразмда ишлаб чиқарилган мўйналар, чарм буюмлари, гиламлар ва қимматбаҳо матолар дунё бозорида энг ҳаридорбоб моллар қаторидан жой олди. Хоразм заргарлари ясаган безак буюмлари ўзининг нозиклиги ва нафислиги билан кишини хайратда қолдирарди. Улар дунё бозорида жуда юксак баҳоланарди. Хоразм усталари металл буюмлар ясашда ҳам жуда моҳир эдилар. Улар ясаган қурол-аслаҳалар, Дамашқ қиличлари каби машҳур эди. Шундай қилиб 9 -1У асрга келиб, Хоразм яна дунёга танилди.

Хоразм давлатининг пойтахти Урганч ўша даврда катта карвон йўллари туташган ерда жойлашган бўлиб, мамлакатлараро савдо-сотиқ ишларида муҳим роль ўйнади. Шаҳарга узоқ ўлкалардан кўплаб савдогарлар, сайёҳлар келиб турардилар. Шунинг учун Урганчда бир қанча карвон-саройлар барпо этилганди. Шаҳарда жуда кўп масжид-мадрасалар, бозорлар, ҳаммомлар, ҳашаматли саройлар қурилган эди. Бу ерда кўп олимлар, файласуфлар, меъморлар, саънат намояндалари, шоирлар ва табиблар яшардилар. Хоразм шоҳлари уларга хомийлик қилардилар, улар олимларга ўз саройларидан жой бериб, уларнинг яшашлари ва ижодий фаолиятлари учун зарур шароит яратиб берган эдилар.

Хоразм Маъмун ибн Муҳаммаднинг ўғли Маъмун ибн Маъмун шоҳлик қилган даврда (9 аср боши) айниқса равнақ топди. Бу шоҳнинг ўзи анча билимдон ва ўқимишли киши эди. Шунинг учун у илм – фаннинг қадрига етар ва фан аҳлларини ҳар томонлама қўллаб-қувватларди. Унинг саройида унлаб олимлар, файласуфлар, саънат намояндалари, шоирлар ва ҳакимлар яшардилар.

Хоразмдаги олимлар шоҳ саройида ташкил этилган «Олимлар жамияти»га уюшган эдилар. Бу жамият тарихда «Маъмун Академияси» номи билан машҳур бўлган. «Академия»га буюк ўзбек энциклопедист олими Абу Райхон Беруний

рахбарлик қиларди. «Академия»га ўша замонда маълум бўлган фанларнинг ҳамма соҳалари бўйича йирик мутахассислар, шу жумладан таниқли тиб олимлари ҳам аъзо эдилар. Улардан бизга машҳур Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масихий, Абу Абдуллоҳ Илоқий, Абу Мансур Қамарий, Абул Хайр ал-Хаммарлар маълум.

«Маъмун Академия» си Хоразмда турли фанларнинг ривожланишида жуда муҳим роль ўйнади. Хоразмлик олимлар фанларнинг ҳамма соҳаларини юксак даражада ривожлантирдилар, уларни бойитдилар ва янги-яги кашфиётлар қилдилар. Айниқса, фалакиёт илми (астрономия), риёзиёт (математика), хандаса (геометрия), тарих, жуғрофия соҳаларида ижобий натижаларга эришилди.

Бундай умумий юксалиш жараёнида тиббиёт ҳам тез ривожланди. Бу соҳада йирик олимлар етишиб чиқдилар. Бундан ташқари Хоразмда, хусусан унинг пойтахти Урганчда, хорижий мамлакатлардан келган кўпгина ҳакимлар ҳам яшардилар. Мамлакатнинг пойтахти Урганчда ва бошқа шаҳарларда касалхоналар ва шифохоналар барпо этилган эди. Уларда тажрибали ҳакимлар ишлардилар. Урганчдаги касалхонада бир қанча вақт машҳур Ибн Сино ва Абу Саҳл Масихийлар ишлаганлар. Абу Абдуллоҳ Илоқий ҳам шу касалхонада хизмат қилган. Улар касалларни даволаш билан бирга ҳар турли касалликлар устида кузатиш ишлари олиб борардилар. Бу кузатишлар натижасида тўпланган материаллар умумлаштирилиб, керакли хулосалар чиқарилар ва ташхис ҳамда даволаш соҳаларида янги усуллар жорий этиларди. Улар ўз билим ва тажрибалари асосида тиббиётнинг муҳим соҳаларига оид асарлар ёзардилар. Масалан, Абу Али ибн Сино ўзининг машҳур «Тиб қонунлари» китобининг дастлабки бобларини Урганчда ёзган Абу Абдуллоҳ Илоқий, Умар Чағминийлар ҳам тибга оид ўз китобларини Хоразмда ёзганлар.

Шундай қилиб, ўрта асрларда Хоразм давлатида бошқа фанлар қаторида тиб илми ҳам юксак даражада ривожланди ва муҳим ютуқларга эришди. Биз қуйида 1У-13 асрларда Хоразмда яшаб ижод қилган ҳакимлар билан танишиб чиқамиз.

Хоразмда яшаб ижод қилган машҳур ҳакимлардан бири Шарафуддин Абу Абдуллоҳ Илоқий (Айлоқий)дир.

**Абу Абдуллоҳ Илоқий** (Шарафуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф Илоқий) асли Тошкент воҳасидан бўлган. У вақтда бу воҳа «Илок» воҳаси деб аталган. Илоқийнинг туғилган йили маълум эмас. У 1У68 йилда вафот этган. Илоқий дастлаб, Шош (ҳозирги Тошкент) мадрасаларидан бирида таълим олган. У вақтда Шош қадимги Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарлари каби Шарқда жуда ривож топган шаҳарлардан бири эди. Шаҳарда масжид-мадрасалар, карвонсаройлар, ҳаммомлар ва бошқа маиший бинолар кўп бўлган. Касалхоналар ва дорихоналар ҳам бўлган. Бу ерда олимлар, файласуфлар ва тажрибали табиблар яшардилар. Мадрасаларда диний ақидалардан ташқари дунёвий фанлар ҳам ўқитиларди. Илоқий шундай мадрасалардан бирида дастлабки таълимни олган.

Сўнг ўз билимини ошириш учун Бухорога, кейин Урганчга бориб уқиган. Илоқий тиббиётга жуда қизиқар эди. Бухоро ва Урганчда Ибн Сино, Абу Сахл Масихий, Абу мансур Қамарий каби буюк табиблардан таълим олди ва йирик табиб бўлиб етишди. Урганчда Илоқий «Маъмун Академияси» га қабул қилинди. Бу ерда у ўз билим ва тажрибасини янада бойитди. Илоқий тибга оид «Касалликларнинг сабаблари ва белгилари», «Даволаш усуллари», «Тиббиётдан тўплам», «Қисқартирилган қонун» каби асарлар ёзган.

«Касалликларнинг сабаблари ва белгилари»да Илоқий ташхис масалаларини ёритади. Касаллик сабаблари масаласида олим ўша вақтда асосий тушунча ҳисобланган рутубат патологияси назарияси нуқтаи назарида турарди. Бунда у қон ва сафрога алоҳида аҳамият берган. Шунинг учун беморларни даволашда у биринчи галда қон олиш ва сафро (ўт) ҳайдовчи дорилар беришни тавсия этган.

Ташхис масаласида беморларни синчиклаб текширишни, касалликнинг ҳар бир белгисига эътибор беришни тавсия этарди. Беморнинг томирини ушлаб кўриш, сийдиги, ахлати, балғамини текшириш кераклигини уқтиради. Сийдикни текширганда унинг туси, тиниқлиги, хидига алоҳида эътибор берарди.

«Даволаш усуллари»да муаллиф ўша даврда маълум бўлган барча даво тадбирлари – дори-дармон бериш, қон олиш, парҳез усули билан даволаш ва хоказолар ҳақида батафсил тўхталади. Булардан ташқари, табиат факторларидан – тоза ҳаво, сув, тоғ ҳавоси, денгизда чўмилишдан фойдаланишни тавсия этган.

Илоқийнинг кўрсатишича, баъзан касални фақат парҳез билан ҳам даволаш мумкин.

«Тиббиётдан тўплам» асарида Илоқий ўша вақтда маълум бўлган назарий ва амалий тиббиёт ютуқларини умумлаштирган. Бунда у илгари ўтган олимларнинг фикрларини ҳам келтиради, ўз тажрида ва билимларини ҳам тушунтириб ўтади.

«Қисқартирилган қонун» китобида Илоқий асосан Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китобида баён этилган фикр ва тавсияларни қисқа қилиб ифодалаб берган. Бу китоб Ўрта Осиё табиблари ўртасида кенг тарқалган эди. Ундан табиблар ўз амалий ишларида фойдаланганлар. Илоқий тиббиётнинг ҳар бир соҳасига оид ўз фикр ва мулоҳазаларига эга эди. У ўша замоннинг кўзга кўринган йирик тиб олимларидан бири бўлган.

**Абу Сахл Масихий** (Абу Сахл Исо ибн Яхия – ал-Масихий – Журжоний) кўп тажрибали табиб бўлган. Ўзи Журжон шаҳрида туғилган. Туғилган йили маълум эмас, 1У17 йилда вафот этган. Бу табибнинг ота-онаси Оврупалик христианлардан бўлганлар, аммо Бағдод шаҳрида яшаганлар. Масихий шу шаҳарда билим олган, табиб бўлиб етишган. Сўнг Урганчга кўчиб ўтган. Бу ерда Масихий Хоразм шоҳининг Сарой табибларидан бирининг вазифасини бажарган. Машҳур «Маъмун Академияси» олимлари қаторидан жой олган. Ибн Сино Хоразмга кўчиб келгандан сўнг у билан яқиндан дўстлашиб ишлаганлар.

Масихий тиббиётдан ташқари фалсафа, мантиқ ва бошқа фанлар билан ҳам шуғулланган. Олим назарий ва амалий тиббиётнинг ҳамма соҳаларини чуқур ўзлаштирган ва бу соҳаларга оид бир қанча асар ёзган. Бизга Масихийнинг қуйидаги асарлари маълум: «Тиббиётнинг юзта масаласи», «Умумий тиббиёт ҳақида китоб», «Чечак ҳақида китоб», «Вабо ҳақида китоб», «Тиббиёт асослари».

**Абул Хайр ибн Ҳаммар** (Абул Хайр ибн Сивор ибн Бехном ал-Ҳаммар) ўша замон шарқининг кўзга кўринган табибларидан бир бўлган. У 942 йилда Бағдодда туғилган. Бу ерда билим олган ва табиб бўлиб етишган. Кейинроқ, тажрибали ва машҳур табиб бўлиб танилгандан сўнг Хоразмга кўчиб ўтган. Буолим ҳам «Маъмун Академияси» нинг аъзоларидан бири бўлган.

Абул Хайр Ҳаммар Хоразмда яшаган вақтида тибга оид бир қанча асар-ёзган. Сўнг у Махмуд Ғазнавийнинг таклифига биноан Ғазна шаҳрига кўчиб келади. Бу ерда у ўзининг ўткир билими ва зўр тажрибаси билан Ғазнавийнинг ҳурматига сазовар бўлган.

Абул Хайр Ҳаммар тибга оид «Табибларнинг билимини синаш», «Одам аъзоларининг тузилиши», «Тутқаноқ касаллиги ҳақида», кекса одамларнинг овқати ҳақида» каби асарлар ёзган. Бу асрларнинг номидан маълум бўладикки, Абул Ҳайр Ҳаммар тиббиётнинг муҳим соҳалари устида иш олиб борган. 12 асрга келиб, Хоразм давлати Ўрта Осиё худудида энг буюк ягона давлат бўлиб қолди. Мамлакатда сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт янада юксак даражага кўтарилди. Илгари бўлгандек турли фанлар, саъат ва адабиёт тез ривожланди. Бу даврда ҳукмронлик қилган Хоразм шоҳлари ҳам олимлар ва саънат аҳлларини қўллаб-қувватладилар, уларнинг фаолиятлари учун зарур шароит яратиш ва илм-фанни тараққий эттиришга интилардилар. Бу ҳақда ўша замоннинг машҳур ҳакимларидан бири Исмоил Журжоний жуда ажойиб рамзий сўз айтган эди. У ўзининг машҳур «Хоразмшоҳ хазинаси» номли китобида ўша вақтда ҳукмронлик қилган Қутбиддин Муҳаммад ҳақида бундай деб ёзган эди: «Шоҳ битта касалликка мубтало бўлган. Бу касаллик шундан иборатки, шоҳ ўз мамлакатини обод, халқини эса маърифатли қилиш учун қуйиб ёнади».

Қутбиддин шоҳ ва ундан сўнг Отсиз шоҳ даврида Хоразмда маданий ҳаёт янада юксалди. Маъмун ибн Маъмун асос солган «Академия» яна тикланди. Унга кўп мамлакатлар ва шаҳарлардан олимлар таклиф этилдилар. Бу «Академия»да 3У дан ортиқ олимлар бирлашган эдилар. Улар орасида фаннинг ҳамма соҳалари бўйича йирик мутахассислар, шу жумладан машҳур ҳакимлар ҳам бор эдилар. Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, Отсиз шоҳнинг ўзи кўп фанлардан хабардор бўлган. Шунинг учун «Академия»да бўлиб турадиган суҳбатлар ва мунозараларда актив қатнашган ва кўпинча бу «Мажлиси уламо» («Олимлар мажлиси») га раислик қилган.

Бу даврда тиббиёт ҳам ўз ривожланишида давом этди. Бу фан соҳасида машҳур олимлар пайдо бўлдилар. Тиббий масканлар ҳам ривож топди. Уларда ўша даврнинг кўзга кўринган, тажрибали ҳакимлари хизмат қилардилар. Олимлар тиббиёт илмининг муҳим соҳаларига оид янги асарлар яратдилар. Ўша даврда (12-13 асрлар) яшаб ижод қилган машҳур тибб олимларидан бизга Исмоил Журжоний, Умар Чағминий, Ибн Хатиб Розий маълум. Охирги ҳаким ҳақида етарли маълумот йўқ. Биз қуйида Исмоил Журжоний ва Умар Чағминийнинг ҳаёти ва фаолияти билан танишиб чиқамиз.

**Исмоил Журжоний** (Зайниддин Абу Иброҳим ибн Хасан ибн Махмуд ибн Аҳмад ал-Хусайн – Журжоний) 1У8У йилда Журжон шаҳрида туғилган. У ёшлик чоғидаёқ жуда ўткир зеҳнли ва зўр қобилиятга эга бола бўлган, кўп нарсага кизиққан. Хусусан, адабиёт ва табиатга оид китобларни кўп мутолаа қилган. Аммо тиббиётга кўпроқ кизиққан. Шу сабабли, у тиббий китобларни кўп ўқиб, ёшлик чоғидаёқ бу билимни мукамал эгалаган ва беморларни даволашга киришган. Журжоний беморларнинг касаллигини доимо тўғри аниқлар ва уларни муваффақиятли даволар эди.

Журжоний ўз тажрибалари туфайли тез фурсатда машҳур бўлиб кетади ва уни 111У йилда ўша вақтдаги Хоразм шоҳи Қутбиддин Муҳаммад Ануш Тегин хукмронлик қилган вақтда Хоразмда Маъмун даврида бўлгандек, илм-фан юксак даражада ривож топади, Урганчда эса олимлар жамияти (Академия) ташкил этилади. Журжоний бу академия ишларида фаол иштирок этади. Урганчда барпо этилган касалхонага раҳбарлик қилади. касалхонада у ҳар хил касалликларнинг кечишини синчиклаб кўздан кечириб боради. Бу соҳадаги тажрибаларини умумлаштиради ва асарлар ёзади.

Касалхонада Журжоний раҳбарлигида даволаш ишлари яхши йўлга қўйилган эди. Бу ерда ёш табиблар Журжоний раҳбарлигида ўз тажрибаларини янада ортирардилар. Олим у ерда кўпгина шогирдлар тайёрлаган.

Исмоил Журжоний Хоразмда яшаб ижод қилган даври энг унумли давр бўлган. У Хоразмда тиббга оид ўзининг энг асосий асарларини ёзган. Ўрта аср тиббиёт тарихчилари Ибн Абу Усайба, Абул Хасан ал- Бойҳакий ва бошқаларнинг кўрсатишича, Журжоний тиббиётга оид кўп асар ёзган. Шулардан энг машҳурлари «Хоразмшоҳ хазинаси», «Хасталикларини аниқлаш усуллари», «Ибн Сино ҳақида сўз», «Тиббиётнинг моҳияти», «Дорилар хазинаси» дир. Бу китобларнинг ҳар бири назарий ва амалий тиббиётнинг айрим муҳим масалаларига бағишланган. Бу асарлар ўрта аср Шарқи тиббиётининг ривожланишида катта роль ўйнаган.

Бу борада «Хоразмшоҳ хазинаси» ни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Бу асар Исмоил Журжонийнинг асосий китобидир. Муаллиф шу китоб туфайли катта шуҳрат қозонди.

«Хоразмшоҳ хазинаси» БУУ бетдан ошиқроқ катта илмий асардир. Асарда муаллиф одам анатомияси ва физиологиясидан бошлаб касалликларни аниқлаш ва уларни даволашгача барча муҳим масалаларни баён этган. Китоб 1У қисмдан иборат бўлиб, ҳар бир қисм тиббиётнинг айрим соҳаларига бағишланган.

Китобда муаллиф касалликларнинг моҳияти ва тиббиётнинг вазифалари ҳақидаги ўз фикрларини баён этади. Одам анатомияси ва физиологияси ҳам анча тўлиқ баён этилган. Журжоний узининг бу асарида тиббиётнинг асосий вазифасига тўхталиб, биринчи галда кишилар саломатлигини сақлаш тадбирларини ишлаб чиқиш зарур, дейди. Агар касаллик пайдо бўлган бўлса, уни даволашга кераклигини ҳам кўрсатади. Саломатликни сақлаш учун киши соғлиғига салбий таъсир этувчи барча омилларни бартараф қилиш зарурлигини уқтиради. Журжонийнинг саломатлик, касаллик ва тиббиётнинг вазифалари ҳақидаги фикрлари Ибн Синонинг шулар ҳақидаги фикрларига тамомила мос келади. Бу жиҳатдан Журжонийнинг «Хоразмшоҳ хазинаси» Ибн Синонинг «Тиб қонунлари»га яқиндир. Умуман бу китобларда бир-бирига ўхшашлик мавжуд.

«Хоразмшоҳ хазинаси»да муаллиф яна уйдаги муҳим масалаларни: соғ ва ҳаста организмнинг ҳолати, касалликларнинг белгилари ва турлари беморни текшириш усуллари, томирни ушлаб кўриш ва чиқиндиларни (сийдик, аҳлат, балғам ва ҳ.к.) текшириш, одам организмига турли факторларнинг таъсирини, шу жумладан, овқат моддаларининг таъсирини аниқлашни баён этган. Сўнг гигиеник тадбирларга, хусусан, одам ҳаётида сув, ҳаво, тупроқ, кийим-кечак, тураржой, уйқу, уйқусизликнинг роли масалаларига тўхталиб ўтади. Сайёҳлар ва қарияларга, йўлга чиққанда, саломатликни йўқотмаслик учун нималарга амал қилиш кераклигини кўрсатади.

Касалликлар, уларни аниқлаш ва даволаш масаласида муаллиф жуда муҳим маслаҳатлар берган. Журжоний биринчи галда касалликни тўғри аниқлаш зарурлигини уқтиради, сўнг эса касалликнинг оқибатини олдиндан билиш (прогностика) муҳимлигини таъкидлайди.

Бу ерда иситмали касалликларга алоҳида эътибор берган. Китобда айрим аъзолар (жигар, ўпка, ички аъзолар ва ҳ.к.) касалликлари ва уларни даволаш жуда батафсил ёритилган. Ҳаммаси бўлиб 21 аъзо ва унинг касалликлари кўрсатилган.

Касалликнинг келиб чиқиши ва ривожланиши масаласида Журжоний барча Шарқ табиблари сингари мизожлар назариясига асосланади. Шунга мувофиқ мизожга қараб, касалга ташхис қўйиш ва даволаш усуллари ишлаб чиққан.

Ниҳоят, китобда чиққан-синганлар (травматология), тери касалликлари, захарланишлар ва уларга қарши тадбирлар кўрсатилган.

Исмоил Журжоний 22 та катта асар ёзиб қолдирган. Шулардан 15 таси тиб илмига оиддир. Аммо, бу асарларнинг ҳаммаси ҳам бизгача етиб келган эмас. Олим ўз асарларида касалликларнинг моҳияти ва сабабларига муҳим аҳамият

берган. Бу масалада у оригинал фикр юритади. Исмоил Журжонийнинг фикрича, касаллик инсон танаси ва унинг қисмларида рўй бурадиган нотабийий ҳолатдир. Ҳар қандай касаллик олтига омил жараёнида келиб чиқади. Буларнинг биринчиси тўрт унсур (ер, ҳаво, сув, олов), иккинчиси тўрт рутубат (қон, хилт, сафро, савдо) учинчиси тўрт мизож (иссиқлик, совуқлик, қуруқлик, намлик) тўртинчиси танадаги учта руҳ (табийий, ҳайвоний, фикрий руҳлар), бешинчиси тананинг оддий ва мураккаб қисмлари, олтинчиси тананинг табийий ҳолати. Олимнинг айтишича шу олти омил одатдагидек (яъни нормал) ҳолатда бўлса, киши соғлом, агар улардан бирида чекиниш рўй берса, кишида касаллик ривожланади. Шундай қилиб, Исмоил Журжонийнинг фикрича касалликлар жуда мураккаб жараёнда кечади. Ҳақиқатдан ҳам одам танасининг тузилиши ва унда содир бўладиган процесслар жуда мураккадир. Касаллик ҳам шу мураккаб жараёнда кечади. Бинобарин, Исмоил Журжонийнинг касалликнинг моҳияти ва сабаблари ҳақидаги фикрлари бошқаларникидан ҳақиқатга яқинроқдир.

Китоб Ибн Синонинг «Қонун»и каби косметикага бағишланган қисм билан тугайди. Шундай қилиб, «Хоразмшоҳ хазинаси»да тиббиёт илмининг барча соҳалари қамраб олинган. Бу китобни ҳозирги тилда «Ички касалликлар пропедевтикаси», деб атаса бўлади. Бу китоб ҳам Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» сингари ўрта аср Шарқ табобатида катта шухрат қозонган эди. Ундан жуда кўп табиблар қўлланма сифатида фойдаланганлар.

Журжоний Ануш Тегин вафот этгандан сўнг, унинг ўғлига бир оз вақт хизмат қилиб, сўнг Хоразмдан кетган. Умрининг охирида Марв шаҳрида яшаб, шу ерда 1141 йилда вафот этган.

**Умар Чағминий** (Махмуд ибн Муҳаммад ибн Умар Чағминий) ҳар тарафлама чуқур маълумотга эга бўлган. Олим Бухоро вилоятидаги Чағмин қишлоғида туғилган. Чағминийнинг туғилган йили маълум эмас. У Урганчда яшаб ижод этган ва 1221 йилда шу ерда вафот этган. Чағминий Урганчда кўп фанларни ўрганди. Сўнг Самарқандга келиб, ўз билимини янада оширди. У айниқса, аниқ фанлар (фалакиёт фани, риёзиёт, физика) ни яхши ўрганган. Тиббиётга ҳам жуда қизиққан ва бу соҳада кўзга кўринган мутахассис бўлган. Унинг асосий китоби «Қонунча» деб аталади. Бу китобда ўша даврдаги амалий тиббиётнинг асосий масалалари қисқа ва аниқ баён этилган. Бу китоб табиблар ўртасида кенг тарқалди ва ундан қўлланма сифатида фойдаландилар.

Чағминий асосан ички касалликларни даволаш билан шуғулланган бўлса керак, чунки асарда жарроҳлик масалаларига жуда кам ўрин берилган. Инсон организмнинг тузилиши ва унинг табиати масаласида Чағминий ўша даврдаги натурфалсафа назариясига асосланган. Чунончи, организм тўрт самовий элементдан ташкил топган дейди. Касалликларнинг келиб чиқиши масаласида

мизож тушунчасига асосланади. Умуман Чағминий Ўрта Осиё тиббиётида сезиларли из қолдирган.

9 -1У асрларда Бухоро давлатида ҳам иқтисодий ҳаёт, фан ва маданият юксалди. Бу даврда Бухорода Сомонийлар хумкронлик қилар эдилар. Сомонийлар ҳам фан ва маданият намояндаларини қўллаб- қувватладилар. Бухоро ҳокимлари саройида ҳам олимлар, шорилар, санъат намояндалари ўзлари учун қулай шароит топган эдилар. Маълумотларга кўра, Бухорода ҳам Сомонийлар даврида «Олимлар жамияти» бўлган. Саройда катта кутубхона бўлиб, унда дунё фанларининг ҳамма соҳаларига оид кўп нодир асарлар сақланган. Аммо, бу асарлардан ҳар бир истаган киши фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган. Фақат подшоҳ саройида хизмат қилувчи омиллар, сарой амалдорлари ва баъзи саройга яқин кишиларгина бу ердаги китобларни ўқиш имкониятига эга бўлганлар. Машҳур ҳаким Ибн Синонинг ёзишича, у ўша вақтда ҳокимлик қилган Бухоро амири Нух ибн Мансурни оғир хасталикдан тузатгандан сўнгина унга шу сарой кутубхонасидаги нодир китоблардан фойдаланишга рухсат берилган.

Ўша замондаги Бухорода яшаб ижод этган олимлар ҳақида етарли маълумот йўқ. Фақат бир неча ҳакимни биламиз холос. Шулар жумласига машҳур Абу Али ибн Сино ҳам киради. Биз қуйида Бухоро давлатида яшаб ижод қилган ҳакимлар билан танишиб чиқамиз.

Бухорода яшаб табиблик қилган олимлардан биз Абу Мансур Қамарий ва Абу Абдуллоҳ Нотилийни биламиз.

**Абу Мансур Қамарий** (Абу Мансур Хасан ибн Нух ал-Қамарий) тажрибали табиб ва олим бўлган. Бу олим Абу Мансур Бухорий деган ном билан ҳам аталарди. У таъхис ва даволаш усулларини яхши билган. Шунинг учун уни Бухоро ҳокими ўзининг шахсий табиби вазифасига тайинлаган. Абу Мансур Қамарий тиб илмида Абу Али ибн Синонинг устози бўлган. Қамарий қадимги Юнон, Рим, Византия олимларининг асарлари билан яхши таниш бўлган ва ўзи ҳам асарлар ёзган. Шулардан бизга «Қасаллар ва касалликлар», «Кўкрак қафасида жойлашган аъзолар касалликларини даволаш», «Қорин истисқоси», «Оддий дорилар ҳақида катта тўплам», «Бойлик ва саломатлик», «Мансур тиббиёти» номли асарлари маълум. Бу китоблар орасида «Қасаллар ва касалликлар» ҳамда «Бойлик ва саломатлик» номли китоблар алоҳида ўрин тутди.

«Қасаллар ва касалликлар»да Қамарий одам танасининг тузилиши, унинг хусусиятлари, касалликлар ва уларни даволаш усулларини баён этган. Бунда у мизож тушунчасига асосланган. «Бойлик ва саломатлик» асарида эса Қамарий саломатлик биринчи галда нормал, хотиржам ҳаёт кечишига боғлиқ эканини уқтиради. Саломатликни сақлаш учун қандай тадбирларини амалга ошириш зарурлигини кўрсатади. Хусусан, нормал овқатланиш, ҳар хил зарарли одатлардан сақланиш ва ҳ.к. Қамарий жуда синчков табиб бўлган. У томирларни ҳар



тарафлама текшириб, сўнг ташхис қўйган. Бунда беморнинг аҳволи, ташқи кўриниши, томир уриши, сийдигининг туси, тиниқлиги ва хоказоларни жуда синчковлик билан текширган. Шунинг учун деярли ҳамма вақт беморнинг касалини аниқ белгилаган ва муваффақиятли даволаган. Бухоролик энг машхур ҳаким – Абу Али ибн Синодир.

Икки минг йиллик тарихи мобайнида Тошкент зиёлилари орасида табиблар ҳам талайгина эди. Айниқса XV-XVII асрларда Тошкентда табобатда, хусусан кўз касалликларига эътибор бирмунча кучайган. Бу соҳада бир қанча олимлар етишиб чиқиб, китоб битиш ишлари билан шуғулланади. Натижада Тошкент табибларининг саъй-ҳаракатлари билан бир қанча тиббий асарлар вужудга келади.

Бундай табибларнинг бири Шоҳ Али Каҳҳол эди. «Каҳҳол»- кўз касаллиги табиби, ҳозирги медицина термини билан айтганда окулист демакдир. Айни вақтда Шоҳ Али шоир ҳам эди. У табобатга доир асарини шеър билан битган ва «зубдан манзума» («Назмлар қаймоғи») деб атаган. Ушбу китоб «Кухлнома» деб ҳам юритилади.

Муаллиф асарнинг насрий муқаддимасида ёзишча, одамнинг кўзи нигоҳ оғриб қолса, шу пайтда уни даволайдиган табиб бўлмаса, то у келгунга қадар атрофдагилар фурастни бой бермай бирор тadbир қўллашлари ҳамда бемор озор топмай туриши учун ушбу китоб битилган.

Аммо, деб ёзади муаллиф, асли мақсадим мана бу эди: «Илгари вақтимда азиз ва муҳтарам зотлар билан бирга бўлган вақтимда бу азизларнинг хотир-шарифларига мендек бир фақир Шоҳ Али ибн Сулаймон Каҳҳол келиб, улар мендан шундай бир асар ёзишимни илтимос қилдилар. Улар устозларинг, то.. ва биродарларингдан кўз оғриғини тузатиш борасида ўрганиб билган нарсаларингни битиб, қисқа бир китобчага тартиб берсанг, деб мендан илтимос қилдилар...

Шундан сўнг тажрибада нимаики учраган бўлса, устозларимданми, ота ва биродарларимданми, кимдан нимани ўрганган бўлсам, яна биздан олдин ўтган олимлар асарларидан энг сара, қаймоқ гапларини, тажрибадан ўтганларининг барчасини тўпладим, кейин уларнинг энг яхшиларини сайлаб, шеърый йўл билан бу у китобни битишга киришдим. Бу ерда шуни айтиш керакки, китобни шеър билан ёзишдан мақсадим уни ўқиш ва ёдлаш осон, тушуниш енгил бўлиши учун эди. Бу қисқа асар ниҳоясига етгач, унга «Зубдан манзума» («Назмлар қаймоғи») деб ном қўйилади».

Манбаларга қараганда, Шоҳ Али Каҳҳол асарида X асрда ўтган Али ибн Исонинг «тазқират ал-Каҳҳолина» (Кўз табибларига эсдалик китоб») асарини Тошкент хони Бароқхоннинг фармони билан 1544 йили араб тилидан форс тилига таржима қилган. Асар аслида уч қисм-мақоладан иборат бўлиб, анатомия, ташқи ва ички касалликларга бағишланган. Унда қадимги юнон ва араб табибларининг фикр мулоҳазалари келтирган, муаллиф касаликларни даволашда Клавдий Гален

(13У-2УУ), Хунайн ибн Исҳоқ (873-йилда вафот қилган) ва бошқа олимларнинг фикрига таяниб иш кўрган. Бироқ Шоҳ Али асарни шунчаки таржима қилибгина қолмай, билки уни салафдош алломаларнинг асарлари асосида қайта ишлаган. Баъзи ўринларини тўлдирадигани, натижада бу асар таржиманинг ҳиммати билан маълумотларга анча бой манбага айланган.

Асар сўз бошисида қайси олимлар асаридан фойдаланилганини кўрсатиб ўтилган. Китоб энди тўрт қисм-мақолага, ҳар бир мақола бобларга бўлинади. Биринчи қисм кўз тузилишига, қолганлари кўз касалликларининг аломатлари, кўзга кўринмайдиган кўз касалликлари ва уларни даволаш йўлларига ҳамда кўз касалликларида ишлатиладиган содда ва мураккаб дориларга бағишланган.

Тошкент диёрида етишган табиблардан яна бири Муҳаммад Юсуф Каххол эди. У ҳам табиб оиласидан чиққан. Таржимаи ҳоли ҳақида ҳозирча маълумот йўқ. Институтимизда Муҳаммад Юсуфнинг иккита асари қўлёзмаси сақланади. Уларнинг бири «Рисола фи-т-тахқиҳ ва -т тафсирот ан набз» («Томир орқали касалликни аниқлаш ҳақида рисола») номли асардир. Баъзи саҳифаларида Ибн Синонинг «Қонун» асаридан мисоллар келтирилади ва айрим масалаларда унга ҳавола ҳам қилинади. Муаллифнинг иккинчи асари «Ногирон кўзни тузатиш ҳақида таҳқиқлар» деб аталади. Ҳар иккала асар одамлар учун фойдали бўлганидан давримизгача қўлма-қўл бўлиб етиб келган.

Муҳаммад Юсуфдан кейин Тошкентда табобат соҳасида Убайдулло Каххол донг таратди. Каххолнинг ота-боболари табобат соҳасида шуҳрат қозонган ва тиббий асарлари ёзган кишилар эди. Убайдулло Каххол Тошкент хони Дарвишхоннинг шахсий табиби бўлган. У Ибн Сино, Илоқий, Абу Бакр Розий, Нажибуддин Самарқандий ва Журжоний асарларидан фойдаланган ҳолда 1598 йили «Шифо ал-алил» асарини ёзади.

Асарнинг сўзбошисидан маълум бўлишича, автор бу китобни Бароқхоннинг ўртанча ўғли Муҳаммад Дарвишхоннинг буйруғига биноан, форс ва араб тилларидаги асарлар асосида ёзган. Асар сўз боши ва бир неча бобга бўлинади. Сўз боши табобатнинг аҳамияти, фойдаси ва шифокорнинг вазифаларига бағишланган. Шундан кейин хилма-хил касалликлар ва уларни даволаш ҳақида сўз юритилади.

1563-1564 йилларида Тошкент ва унинг атрофидаги вилоятларда сарамасга ўхшаш ел касаллиги тарқалганда Каххол аҳолини даволашда кўп хизматлар кўрсатган ва шу пайтда орттирган бой тажрибаси унга юқорида кўрсатилган асарни ёзишда катта ёрдам берган.

«Шифо - ул- алил» табобатда узоқ вақтгача асосий қўлланмалардан бири ҳисобланиб келган. Ҳиндистон, Эрон ва бошқа мамлакатларга ҳам тарқалган. Институтимизда асарнинг 1662 йили Эронда Муслим ибн Муҳаммад Обивардий кўчирган нусхаси сақланди. У Бухоронинг қозиси, илм-маърифатни кадрловчи

Шарифжон Маҳмуд Садр Зиё томонидан ўз вақтида жуда катта маблағ - ўн минг тангага сотиб олинган, бу эса асар ниҳоятда қимматли эканлигидан дарак беради.

Бундан ташқари Убайдулло Каххол араб тилида «ал-Умдат ал-кухлия фи-л-амрод ал-басариф» («Кўз касаллигига оид асосий китоб») номли йирик асар битган, шунингдек шеърятдан ҳам хабардор бўлган.

Тошкентлик табиблардан яна бири Боқий Жарроҳ Тошкандийдир (ХВИ аср). У нафақат жарроҳ, балки шоир, музикашунос ва ҳаттот ҳам бўлган. Шарқ муаллифларидан Хатиб Табризий «Мушкот ал-масоби» («Чиродон») номли асарида бу асарни Тошкентда, Мавлоно Боқий уйида ёзиб тугатгани маълум қилади. Боқий ҳаттот сифатида ҳам анчагина китоблар кўчирган, баъзи асарларга шарҳлар ёзган, 1581 йили Давлатшоҳ Самарқандийнинг тазқирасини ҳам кўчирган. У Балаҳ орқали Ҳиндистонга сафар қилганида Аҳмадобод шаҳрида вафот этган.

Боқий Тошқандий бир қанча асарларга, чунончи «Юсуф ал-Зулайхо» достонига шарҳ битган. Шунингдек, олимлар ўртасида кўпгина буён шарҳланиб келинадиган «Обод ал-мунораза» деган асар шарҳига араб тилида хошнә (изоҳ) ҳам ёзган.

Маълумки, «Обод-ал-мунозара»нинг муаллифи Абдурахмон ибн Аҳмад ал-Ийжий (1345 йилда вафот этган) бўлиб, бунга Мирсайид Шариф Журжоний (1414 йилда вафот этган) дан тортиб кейинги даврларда ўнлаб олимлар шарҳ боғлаган эдилар. Ана шу шарҳларнинг бирига Боқий ҳам хошнә ёзган.

Бу шарҳ кимга тегишли экани номаълум, аммо ўша даврда машҳур бўлган Боқий Тошқандий форс тилида анчагина ғазаллар ёзганига қарамай туркигўй шоир деб танилган, баъзи тақираларда унинг шеърларидан парчалар сақланиб қолган.

Тошкентлик шифокорлардан яна бири Шохўжа ҳаким ибн Шофайзхўжа бўлиб, таҳаллуси Шоқий бўлган. Бу киши Тошкентнинг Оқ масжид маҳалласидан, маърифатпарвар, шоир, табиб эди. Дастлиб Тошкентда, Юнусхон мадрасасида мударрис бўлган, кейин кўп мамлакатларга саёҳат қилиб, Ўрта Осиё, Кавказ, Туркия, Сурия, Миср, Ироқ, Саудия Арабистон каби ўлкаларни кезган ва у ерлардаги таълим-тарбия ишлари билан қизиқиб, уларни ўрганган.

Шоҳий табобатдан ҳам дарс берган. Шогирдларининг илтимосига кўра у Маҳмуд ибн Умар Чағминийнинг (ХИВ аср) «Қонунча» асарини ўзбек тилига таржима қилган. Китоб муқаддимасида таржимон бу ҳақда шундай ёзади: «Муҳаммад Шохўжа Тошқандий валади Шофойзхўжа Шайх Хованд Тахурий сўзларики, Маҳмуд ибн Умар Чағминий таснифлари «Рисолайи қонунчайи» машкурни баъзи талабаларга таълим берур эрдим ва алар араб лисонига ва форсий забонига ноошунолик сабабли кўп машаққат чекар эрдилар ва баъзилари илтимос қилур эрдиларким, ушбу «Қонунча»ни ўз тилимизким, туркий чифатойидур, ушбу

тилда шарҳ айлансангиз, бу вилоят аҳл-талабалари оммотан баҳраманд бўлар эрдилар ва ҳам сиздан нишона бўлур эрди, деб алар илтимосинча, осойишлик бўлса иншооллоҳ қилурман деб ваъда берур эрдим».

Ундан ташқари, Шоҳий хиротлик Юсуф табибнинг (ХВИ аср) «Жомеъ ал-фавонд» («Фойдали мажмуа») деган асарини ҳам ўзбекчага таржима қилган. Шоҳий араб грамматикасига оид қўлланмалар, ўқиш китоблари ношири ҳам бўлган.

Ўрта асрларга келиб қадимги Хоразм давлати қайта тикланди. Кўхна Хоразм шаҳарларида масжид ва мадраса, карвонсаройлар, сув иншоотлари, касалхоналар, ҳаммомлар барпо этилади.

Бундай умумий юксалиш даврида илм-фан, санъат ва адабиёт билан бир қаторда тиббиёт ҳам равнақ топади. Дарҳақиқат, бу даврга келиб Хоразмда тиббиёт энг юқори чўққига кўтарилади. Мана шундай бир даврда бу заминда назарий ва амалий тиббиётнинг турли соҳаларида асарлар яратилди. Жумладан, ўша даврда яшаб, ижод қилган машҳур ҳакимлардан Исмоил Журжоний ва Умар Чағминийларни мисол қилиб келтириш мумкин. Исмоил Журжоний Урганчдаги ҳукмдор саройи қошида касалхона ва дорихонага раҳбарлик қилган. Беморларни даволаш билан бирга турли касалликларнинг кечишини кўздан кечириб борган ва шунга асосланиб хулосалар чиқарган, умумлаштириб тиббиётга оид бир қанча асарлар ёзган. Мисол тариқасида, унинг «Касалликларни аниқлаш», «Доридармон ҳақида», «Тиббиётнинг моҳияти», «Ибн Сино ҳақида сўз», «Хоразмшоҳ захираси» ва бошқа асарларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Мазкур асарлар орасида олимнинг «Хоразмшоҳ захираси» асари алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур асар БУУУ саҳифадан иборат бўлиб, тиббиётнинг барча назарий ва амалий масалаларини қамраб олган.

«Хоразмшоҳ захираси» асарида олим бир қанча хирургик касалликларнинг назарий ва амалий томонларини ёритган. Исмоил Журжоний ўзининг «Заҳираи Хоразмшоҳий» номли кўп жилдли асарида қон олдириш масаласига маҳсус бир бобни бағишлаган. У қон олдиришда муддао - туриб қолган захарли моддалардан қон таркибини халос қилиш йўлидаги профилактик воситалардан бири эканини эътироф қилади. Асосан фурункулез, бош ва кўзоғриғи касалликларига чалинган беморлардан қон олишни тавсия этган.

«Заҳираи Хоразмшоҳий»нинг олтинчи қисмида ўпка шиши натижасида йўталнинг пайдо бўлиши, қон қусиш, ўпкада шишнинг пайдо бўлиши, аёллар кўкрак безининг яраси, иссиқ ва совуқ шишлар, меъданинг иссиқ шиши, йиринг бойлаш ва меъда яраси ҳақида ёзади. Ўн иккинчи қисмда ўт пуфагининг шишлари, ўн тўртинчи қисмда буйрак, сийдик йўлларида яралар пайдо бўлиши, ўн олтинчи қисмда сийдик тош касалликлари, буйракда тош пайдо бўлиш этиологияси ва диагностикаси, ўт пуфагида тош пайдо бўлганда операция қилиш

масалалари ҳақида тўхталиб ўтади. Ушбу асарнинг ўн еттинчи қисмида эса иссиқ ва совуқ мижозли одамларнинг олот ва ярғоқларида шишларнинг пайдо бўлиши, жинсий аъзоларда яраларни келиб чиқиши, чурра каби касалликлар ва уларнинг этиологияси, диагностикаси, даволаш усуллари ҳақида батафсил ёзилган.

Бундан кўришиб турибдики, машҳур олим Исмоил Журжоний ҳам қон олдириш ўпка шиши, мастит, йирингли касалликлар, меъда яраси, иссиқ ва совуқ шишлар. Ўт пуфаги, буйрак, олот ва ярғоқ, сийдик йўллари сингари аъзо касалликларининг шишлари ҳамда сийдик-тош касалликлари, буйрак ва ўт пуфагида тошнинг пайдо бўлиши, жинсий аъзоларда яраларнинг пайдо бўлиши, чурра каби касалликларнинг келиб чиқиши, уларга ташхис қўйиш ва даволаш усулларини назарий жиҳатдан тўлиқ баён этган. Демак, Исмоил Журжоний амалий хирургия билан ҳам мукамал шуғулланган ва беморларда турли операцияларни амалга оширган.

«Хоразмшоҳ заҳираси» асарида травматология (синган ва чиққанлар) ва косметика масалаларига ҳам алоҳида қисм бағишланган. Бинобарин Исмоил Журжоний турли суяк синиши ва чиқиши касалликларини, ҳамда косметика билан шуғулланганлигига ҳеч шубҳа бўлиши мумкин эмас. Олимнинг «Заҳираи Хоразмшоҳий» асари машҳур тиббиёт олими Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асаридан кейинги тиббиёт соҳасида ёзилган энг катта асар ҳисобланади. Бу асар қадимги Ўзбекистон худудида тиббиёт, хусусан хирургиянинг ривожланишига самарали таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, Исмоил Журжоний тиббиёт тарихида Ўрта шарқнинг Цақимларидан бири сифатида алоҳида ўрин эгаллайди.

У «Дори-дармонлар заҳираси» асарининг кириш қисмида қуйидагиларни ёзади: «Мен ҳали таниқли эмас эдим. Бир куни Хоразмшоҳ Тегин касал бўлиб қолди. Унга мен ҳақимда сўзлаб беришгач, ўша заҳоти Урганчга олиб кетишди. Кейин Хоразмшоҳ мени Урганчда қолдириш тўғрисида буйруқ берди ва тиббиёт билан янада кўпроқ, чуқурроқ шуғулланишимни тайинлади. Ўшандан бери шоҳнинг шахсий табиби бўлиб қолдим» (1). Бундан кўришиб турибдики, Исмоил Журжоний Хоразмда энг таниқли табибларидан бири бўлиб, тиббиёт, хусусан, хирургия фанини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан яхши ўзлаштириб олган.

ХИИ аср охири, ХИИИ аср бошларига келиб Хоразмда яна бир йирик олим - Умар Чағминий дунёга танилиб, риёзат, физика, фалакшунослик ва фаласафа фанларининг яловбардорларидан бири бўлиб, қолади. Сўнгра у тиббиёт фанини ҳам пухта ўзлаштириб олади. Ўша даврда Умар Чағминий билимдон табиблардан ҳисобланган. Олимнинг тиббиёт соҳасида ёзилган «Қонунча» китобига баъзи тиббиёт тарихчилари ўзларининг муносабатларини билдирганлар.

Алломанинг тибга оид биргина асари маълум, у «Қонунча» (кичик қонун) деб аталади. Китобда ўша вақтдаги тиббиётнинг асосий масалалари ихчам қилиб

баён этилган (127). Илмий тадқиқотлар жараёнида Умар Чағминийнинг табиблик фаолияти ҳақидаги маълумотлар бизгача жуда кам етиб келганлигига гувоҳ бўлдик. Унинг «Қонунча» китоби 1У бобдан иборат бўлиб, олим тиббиётни икки қисмга: назарий ва амалий қисмларга бўлиб ўрганган. Мазкур асарнинг 7 қисми одам организмидаги бир қанча яра касалликлари, бавосир (геморой) касаллигига тўлиқ тўхталиб ўтади. Унинг ёзишича ички геморрой венанинг кенгайишини «басур», кўплаб кенгайиши «бавосур» деб номланган. Бу таъриф ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Шунингдек, Чағминий бавосурнинг турлари ва унинг битишига таъриф берган ҳамда жарроҳий даволаш чораларини кўрсатган. Сўнгра сийдик қопчасида тош пайдо бўлиши, унинг симптоматикасининг клиник кўринишлари, турлари ва хирургик даволаш усулларини баён этган. Суякнинг йирингли ва бўғимнинг силга ўхшаш касалликларни келиб чиқиши тўғрисида хикоя қилади. Умар Чағминийнинг «Қонунча» асарида бир қанча хирургик касалликларнинг муаммолари аниқ-равшан, лўнда қилиб ифодалаб берилган. Олим юқорида санаб ўтган хирургик касалликларнинг ташхиси ва даво чораларини тўғри талқин этган ва улар ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Кўплаб табиблар Умар Чағминийнинг даволаш усулларини ўз амалий фаолиятларида қўлланганлар ва «Қонунча» китобидан кенг фойдаланишган. Шунинг учун ҳам биз Умар Чағминийни Марказий Осиёнинг ХИИ аср охири ва ХИИИ асрнинг бошларида фаолият кўрсатган йирик тиббиёт олимлари қаторига киритишимиз мумкин.

### **Мавзу №6: Бухоро давлатидаги тиббиёт. Абу Али Ибн Сино, ҳаёти ва ижоди.**

Абу Али ибн Синонинг таржимаи ҳоли икки қисмга бўлинади. Биринчи қисмини Ибн Синонинг ўзи айтиб берган. Бу қисм олимнинг ҳаёт тақозоси билан кўп шаҳарларни кезиб юриб, охири Эрон худудида бўлган Журжон шаҳрига келиб, шу ерда истиқомат қила бошлаган даврини ўз ичига олади. Бу 98У-1У12 йилларга тўғри келади. Иккинчи қисми Ибн Синонинг Журжондаги ҳаётидан бошланиб, то вафотигача бўлган даврини ўз ичига олади. Бу давр 1У12-1У37 йилларга тўғри келади. Бу қисм олимнинг шогирди Абу Убайд Жузжоний томонидан ёзилган. Сўнг Жузжоний бу ҳар иккала қисмни бирлаштириб, унга «Тарих аҳвол аш-Шайх ар-Раис» («Олимлар бошлиғи (Ибн Сино) нинг таржимаи Ҷоли») деб ном берган.

«Тарих аҳвол аш-Шайх ар-Раис» жуда қисқа ёзилган. У ҳаммаси бўлиб 3 варақ (6 бет) дан иборат. Унда Ибн Синонинг кўп қиррали ҳаёти ва фаолияти тўлиқ ифода этилмаган. Китобга Ибн Синонинг ҳаётида бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳаммаси киритилмаган. Бу камчилик кейинчалик ўша замонда яшаган бошқа олимлар ва тарихчилар томонидан тўлдирилган. Улар ўзлари

кўриб, ёки кўрганлардан эшитиб, керакли кўшимчалар киритганлар. Масалан, ўша даврлардаги тарихчилардан Абул Хасан ал-Байҳақий (11У5-1169), Ибн ал-Кифтий (1172-1248) , Ибн ал- Ҳаллиқон (1211-1282) ва биз юқорида кўрсатиб ўтганимиз Ибн Аби Усайбиъа (12У3-127У) ва бошқа тарихчилар Ибн Синонинг таржимаи ҳолига кўп маълумотлар кўшганлар ва аниқликлар киритганлар. Жузжонийнинг ўзи ҳам «Тарих аҳвол аш-Шайх ар-Раис» да берган маълумотларидан ташқари Ибн Синонинг «Китоб аш-шифо» номли асарига ёзган муқаддимасида устози ҳақида кўшимча маълумотлар берган. Шундай қилиб, Ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида анча тўлиқ маълумот тўпланган.

Аммо Ибн Синонинг ҳаёти ва табиблик фаолияти ҳақида ҳар хил ривоятлар ҳам кўплаб тўқилган. Уларнинг кўпчилиги ҳеч ақлга тўғри келмайдиган турли афсоналар ва уйдирмалардан иборат бўлса, баъзилари ҳақиқатга яқин келадиган ҳаётий ходисалардир. Ибн Синонинг ҳаёти Қақида кўп асар ёзган шарқшунос – тарихчи олим А. Ирисов олим ҳақидаги ривоятларни йиғиб 198У йилда «Абу Али ибн Сино ҳақида, афсоналар, ривоятлар, хикоялар» номли кичик бир китоб чоп эттирди. Унда йигирмага яқин ҳар хил хикоялар, ривоятлар ва афсоналар келтирилган.

А. Ирисовнинг китобчасида келтирилган хикоялардан «Йигит касали», «Мен хўкизман», «Фалаж подшоҳ», «Бир кўришда», «Кеч қолибсиз», «Бир сўз ҳам бошқа эмас», «Сиз тилшунос эмассиз» деб аталувчи хикоялар диққатга сазовор. Буларда баён этилган ходисалар ҳақиқатга анчагина яқиндир. Аммо юқорида айтганимиздек, китобчада келтирилган хикояларнинг кўпгинаси табиатда бўлмайдиган ва ҳаётда учрамайдиган ҳар хил афсонавий ходисалардан иборат.

Биз Ибн Синонинг ҳаёти ва табиблик фаолиятини баён этишда бундай афсонавий уйдирмаларни четлаб ўтдик.

Тарихий маълумотларга кўра Ибн Сино (Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн Сино) Бухоро яқинидаги Афшона номли қишлоқда 98У (37У ҳижрий) йил сафар (август) ойида (қуни маълум эмас) дунёга келган. Машҳур тарихчи Абу Бакр Муҳаммад Наршаҳийнинг ёзишича, Афшона бир вақтлар каттагина шаҳар бўлган, сўнг вақт ўтиши билан у ўз мавқеини йўқотиб, кичикроқ қишлоққа айланиб қолган ва Исфана деб атала бошлаган. Бу қишлоқ ҳозир яна Афшона, деб аталади.

Ибн Синонинг ўзи таржимаи ҳолида ёзишича, унинг отаси Абдуллоҳ ибн Ҳасан Афшонага кўшни бўлган Хурмайсон (ҳозирги Рометон) қишлоғида маъмурий хизматга бошчилик қилган. Қандай маъмурий хизмат эканлигини Ибн Сино кўрсатмайди. Кўпчилик тарихчилар Абдуллоҳ ибн Ҳасан солиқ йиғувчи эди, деб ёзадилар. Демак, у солиқ йиғувчиларнинг бошлиғи бўлган.

Хурмайсон Бухоро музофотидаги йирик қишлоқлардан бири бўлган. Атроф қишлоқлардан йиғилган солиқларни дастлаб шу ерга тўплаб, сўнг подшоҳ хазинасига топширган бўлсалар керак. Солиқ йиғувчилик даромадли иш Абдуллоҳ бу ишга бошчилик қилганлиги учун анча бадавлат киши бўлган. У ўз вазифасига кўра Хурмайсон атрофидаги қишлоқларга тез-тез бориб турган. Шулардан бирида Афсона қишлоғида бир хусндор қизни кўриб, уни ёқтириб қолиб уйланади ва уларнинг оиласига кўчиб келиб, шу оилада яшай бошлайди. Бу оилада дастлаб Хусайн (Ибн Сино), сўнг Махмуд исмли икки ўғли туғилади.

Абдуллоҳ ибн Ҳасан ўз даврининг илғор фикрли, маърифатпарвар кишиларидан бўлган. Илм – фанни қадрлаган. Ўзи ҳам баъзи фанларга (фалсафа, риёзиёт, илоҳиёт) қизиққан. У ўз болаларини ҳам ўқимишли кишилар бўлиб етишишлари учун ҳаракат қилган. Шу мақсадда бўлса керак, катта ўғли Хусайн мактаб ёшига етганида ўз оиласини илм ўчоғи бўлган Бухорога кўчириб олиб келган.

Ибн Синолар оиласи Бухорога кўчиб келганидан сўнг Абдуллоҳ Хусайнни дастлаб, одатдагидек, шаҳардаги яхшироқ ҳисобланган мусулмонча диний мактаблардан бирига ўқишга берган. Бу ерда Ибн Сино араб алифбосидан савод чиқарганидан сўнг у Қуръон ва адаб илмини ўрганишга киришган. «Қуръон илми» га уни ёдлаб олиш, қироат билан ўқиш, унинг суралари ва оятларини изоҳлаб бериш киради. «Адаб илми» га эса араб тили қоидалари, шъер санъатини эгаллаш, хусусан маъоний, баён ва қофияни тўғри ишлатиш киради. Одатда, талабалар бу билимларни эгаллаш учун йиллаб, ҳатто ўн йиллаб вақтларини сарф қиладилар. Ибн Сино эса Қуръон ва адаб илмларини жуда оз муддатда мукамал ўзлаштириб олган. Бунинг натижасида у ёш бўлишига қарамай, ҳадис ва тафсирда бошқалардан анча ўтқирлик қилган. У бадий адабиётга ҳам қизиққан, шеърлар ёза бошлаган. Ўша вақт тарихчиларининг ёзишича. Ибн Сино ўқиган китобларини шу қадар тез ва мукамал ўзлаштириб оларканки, буни кўрган одамлар хайратга тушган эканлар.

Ўша вақтда Бухорога Абу Абдуллоҳ ан-Нотилий исмли бир файласуф олим келиб қолган. Ибн Синонинг отаси, ўғлим бу олимдан фалсафа илмини ўргансин, деб ан-Нотилийни ўз уйига жойлаштирган. Хусайн бу олимдан фалсафа, мантик ва ҳандаса илмларидан дарс ола бошлайди. Аммо кўп ўтмай ан-Нотилийнинг бу фанларда унчалик кучли эмаслиги маълум бўлиб қолади. Бу ҳақда Ибн Синонинг ўзи таржимаи ҳолида бундай деб ёзган: «У (ан-Нотилий) менга қайси масала ҳақида гапирмасин мен бу масалани ундан кўра дурустроқ тасаввур қилардим. Ниҳоят, мен мантиқнинг оддий масалаларини у кишидан ўқидим, лекин мантиқнинг нозик томонларидан у беҳабар экан. Шундай қилиб, мантиққа оид китобларни ўзимча ўқишга киришдим. Уларда битилган шарҳларни мутолаа қила бошладим ва ниҳоят мантиқ илмини пухта билиб олдим. Уклюдус (Эвклид)



китоби ҳам шундай бўлди. Уни бош қисмидан беш ёки олтита теоремаларни унинг олдида ўқидим. Китобнинг қолган қисмидаги масалаларни ўзимча ечишга киришдим. Сўнгра «Аль мажистий» китобига ўтдим... Ан-Нотилий бу фандан дурустроқ хабардор эмас экан. Мен бу китобни ўзимча ўзлаштиришга киришдим. У кишига қанчадан-қанча шакилларни тушунтириб берардим. Шунга қадар у киши буларни билмаган экан».

Ибн Синонинг ёзишича, ан - Нотилий кўп ўтмай Хоразмга кетиб қолган. Шундан сўнг Ибн Сино фанларни кўпроқ мустақил ўрганишга киришган. Хусусан, у фалсафа, мантиқ, фикхга оид китобларни кўп мутолаа қилган. Таббий фанларга оид китобларни ҳам ўқиб чиққан. Ибн Сино ўзи ўқиган китоблари қаторида Абу Наср ал-Форобийнинг «Фусус ал-ҳикам» («Ҳикматларнинг хулосалари») номли асарини ҳам кўрсатиб ўтган.

Шундай қилиб, Ибн Сино анча ёш чоғидаёқ, ўша замонда маълум бўлган билимларнинг кўпини пухта ўзлаштириб олган. У ҳатто катта олимлар қаторида илмий мунозараларда ҳам қатнаша бошлаган. Бундай суҳбат ва мунозараларда Ибн Сино ўзининг чуқур илмий мулоҳазалари ва мантиқий фикрлаш кучининг зўрлиги билан кўпгина катта олимлардан устунлик қилган. Бу Ибн Синонинг фақатгина зўр истеъдоди натижаси бўлмай, шу билан бирга унинг тинимсиз меҳнатининг маҳсули ҳам эди. Ҳақиқатан, Ибн Сино билим олишда жуда ҳам тиришқоқ ва сабот-матонатли бўган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай деб ёзган: «Кейин мен яна бир ярим йил илм ва мутолаага берилдим. Мантиқ ва фалсафанинг ҳамма соҳаларини қайтадан пухталаб ўқиб чиқдим. Ўша кезларда бирор кеча ҳам тўйиб ухламасдим. Кундузлари ҳам илмдан бошқа нарса билан шуғлланмасдим... Кечалари олдимга чироқ қўйиб олиб, фақат ўқиш ва ёзиш билан банд булардим... Ана шу зайлда ҳамма илмларни мустақил эгаллаб олдим».

Бу ерда Ибн Сино илм ўрганишда ўзининг қанчалик тиришқоқ ва сабот-матонатли эканлигини кўрсатувчи қуйидаги мисолни келтирган: Ибн Сино барча асосий табиат фанларини ўзлаштириб олганидан сўнг. Илоҳиётни ўрганишга киришган ва Аристотелнинг «Мо баъда ат-табиа», яъни «Табиатдан кейинги фан» («Метафизика») китобини ўқий бошлайди. Аммо унинг мазмунига тушунолмайд қайта-қайта ўқийверади. У ҳатто бу китобни қирқ марта ўқиб чиқиб, тамоман ёдлаб олади. Шунда ҳам Ибн Сино учун бу китобнинг мазмуни қоронғи бўлиб қолаверган. Фақат шундагина Ибн Сино «бу китоб тушуниб бўлмайдиган китоб экан», деб ундан умидини узган.

Аммо бир тасодифий ходиса туфайли Ибн Сино бу китобнинг мазмунини тушуниб олган. Бу ходиса шундай бўлган экан: ўша вақтда Бухоро бозорида махсус китобфурушлар ва муқовачилар растаси бўлган экан. Ибн Сино у ерга тез-тез бориб, янги китоблар харид қилиб тураркан. Бу китоб растаси фақатгина китоб сотиладиган жой бўлмай, бу ерда кўпинча олимлар, файласуфлар ва

шоирлар йиғлишиб, ҳар хил китоблар ва уларнинг мазмуни ҳақида суҳбатлар, мунозаралар ва баҳслар ўтказиб туришаркан. Ибн Сино ҳам кўпинча бу йиғинларда қатнашиб тураркан. Бир гал Ибн Сино шу китоб растасига борганида бир китобфуруш чиройли қилиб муқоваланган бир китобни унга кўрсатиб, - буни сотиб ол, жуда яхши китоб, деб мақтайди. У Абу Наср Форобийнинг «Мо баъда ат-табаи» га ёзган шарҳи экан. Ибн Сино бу китоб, яъни «Мо баъда ат-табаи» тушуниб бўлмайдиган асар, деб сотиб олишдан бош тортади. Аммо китобфуруш – бу китобнинг эгаси пулга муҳтож, уни жуда арзонга -3 дирҳамга бераман, ол- деб Ибн Синони кўндиради. Ибн Сино ноилож китобни сотиб олади ва уйга келиб уни ўқиб чиқиб, «Мо баъда ат-табаи» нинг мазмунини тушуниб олади. Ибн Сино бу воқеани шогирди Абу Убайд Жузжонийга айтиб бериб, уни қуйидаги сўзлар билан тугатган экан. «Бундан мен ўзимда йўқ хурсанд бўлиб кетдим. Тангри таолога шукур айлаб, ўша куннинг эртасигаёқ камбағалларга анча садақа улашдим».

Бу воқеа уч муҳим жиҳатдан гувоҳлик беради. Биринчидан, Ибн Синонинг билим йўлида зўр сабот-матонатлилиги. Иккинчидан, бозорида «Метафизика» нинг шарҳидек нодир китобни бемалол сотиб олиш мумкин бўлган Бухоронинг юксак маданияти. Учинчидан, ўша замонда юртимизда Аристотелдек буюк файласуфнинг асарларига шарҳ ёзиш қўлидан келадиган чуқур билимли олимларнинг мавжуд бўлганлигидир.

Абу Али ибн Сино тиб илми билан ҳам анча эрта шуғуллана бошлаган. Бу ҳақда унинг ўзи таржимаи ҳолида бундай деб ёзган: «Кейин тиб илми билан шуғуллангим келиб қолди ва унга оид китобларни ўқишга киришдим. Тиб ўзи қийин фанлардан эмас, шу сабабли қисқа вақт ичида бу билимда катта натижаларга эришдим. Энди ҳатто билимдон табиблар ҳам хузуримга келиб, мендан тиб илимдан дарс оладиган бўлдилар. Беморларни ҳам кўриб турардим. Орттирган тажрибаларим туфайли мен учун даволаш эшиклари шундай кенг очилдики, буни таърифлаб бериш қийин... Бу вақтда мен ўн олти ёшда эдим».

Ибн Сино тиб илмини ҳақиқатан тез ва осон ўзлаштириб олган. Касалларни муваффақиятли даволаб, Бухоро аҳолиси ўртасида кўп ҳурматга сазовар бўлган. Шаҳардаги нуфузли кишилар ҳам касал бўлиб қолганларида Ибн Синода даволана бошлаганлар. Бунинг натижасида унинг обрўси яна ошган. Нихоят, бу «ёш мўъжизакор» табиб ҳақидаги сўзлар подшоҳ саройига ҳам бориб етган. Бир кун эса Ибн Синони шоҳнинг ўзини даволашга чорлаганлар. Ибн Сино ўзининг чуқур билими ва ўткир мулоҳазалари билан шоҳнинг касалига ташхис қўйиш ва уни даволашда сарой табибларига ёрдам берган. Бунинг натижасида у шоҳнинг ҳурматига сазовар бўлиб, «саройга яқин кишилар» қаторига кирган. Бу ҳақда Ибн Синонинг ўзи таржимаи ҳолида бундай деб ёзган : «Бухоронинг подшоҳи Нух ибн Мансур эди. Иттифоқо у шундай бир касалликка дучор бўлиб қолибдики,

табиблар унинг касаллиги ҳақида бир фикрга келиша олмабдилар. Ўқишга қаттиқ киришганим туфайли, номим улар ўртасида машҳур бўлиб қолган экан. Подшоҳ ҳузурида менинг ҳақимда гапиришиб, ундан мени ҳам чақиришни сўрашибди. Подшоҳ бунга рози бўлибди. Мен бориб табиблар билан биргаликда шоҳни даволашда иштирок этдим ва шу орқали унга танилдим».

Бухородаги шоҳ саройида нодир китобларга бой катта кутубхона бўлган. Бу Ибн Синога маълум эди. Аммо бу кутубхонадан фақат сарой амалдорлари ва шоҳга яқин кишиларгина фойдалана олардилар. Ибн Сино саройга яқин кишилар қаторига кирганидан сўнг унинг учун ҳам кутубхонадан фойдаланиш имконияти пайдо бўлади. У бу ердаги китобларни ўқишни жуда истарди. Бир кун қулай фурсат топиб, шоҳдан сарой кутубхонасига кириб, у ердаги китобларни ўқиш учун рухсат сўрайди. Хусусан, Ибн Сино тибга оид китоблар билан танишиш зарурлигини билдиради. Шоҳ Ибн Сино кутубхонага кириш учун рухсат беради. Ибн Сино кутубхонага кириб, у ердаги китобларнинг кўплиги ва хилма-хиллигини кўриб, хайратда қолади. Бу ерда Ибн Синога илгари номлари ҳам маълум бўлмаган китоблар кўп экан. Ибн Сино бу кутубхона ва ундаги китоблар ҳақида бундай маълумот берган: «Мен кўп хоналардан иборат кутубхонага кирдим. Ҳар бир хонада китоб сандиқлари турар, китоблар эса устма-уст тахлаб қўйилган эди. Хоналарнинг бирида араб тилига оид китоблар, шеърлар, бошқасида фикҳга оид асарлар турарди. Шу тартибда ҳар бир хонада фаннинг айрим бир соҳасига оид китоблар тўпланган эди... У ерда шундай китобларни кўрдимки, кўпчилик хатто уларнинг номларини ҳам эшитмаган бўлса керак. Ўзим ҳам уларни бундан илгари кўрмаган эдим, кейин ҳам учратмадим».

Ибн Сино ўзига хос тиришқоқлик ва қунт билан кутубхонадаги нодир китобларни ўқишга киришади. Аммо у бу ерда тибга оид қандай китобларни кўргани ва ўқигани ҳақида ҳеч нарса ёзмаган. Лекин бундай китоблар, албатта бўлган бўлиши керак. Чунки ўша вақтларда ёзилган ва араб тилига таржима қилинган китоблар ичида тибга оид асарлар кўпчилиқни ташкил этарди.

Ибн Сино китоб ўқишга шу қадар берилиб кетадики, кутубхонадан чиқмай кеча-кундуз ўша ерда қолиб кетади. Бундан хабардор кишиларнинг ёзишича, фақат шоҳнинг ўзи ёки сарой амалдорларидан бири бетоб бўлиб қолиб, Ибн Синони чақиртиганларидагина у ўқишдан бошини кўтараркан. Шундай матонатли меҳнат туфайли Ибн Сино қисқа вақт ичида кутубхонадаги китобларнинг жуда кўпини ўқиб чиқиб, ўзлаштириб олишга муваффақ бўлади. Бунинг натижасида Ибн Синонинг билими тенги йўқ даражада кенгаяди. Бу вақтда у эндигина ўн саккиз ёшга тўлган экан. Шу ёшда у ўша вақтда маълум бўлган дунёвий фанларнинг деярли ҳаммасини эгаллаб олган эди.

997 йилда шоҳ Нух ибн Мансур вафот этади. Унинг ўрнига ўлтирган катта ўғли Абул Хорис Мансур ибн Нух Соний Ибн Синога нисбатан яхши

муносабатда бўлган. Илгари улар сарой кутубхонасида учрашиб, дўстлашиб қолган эканлар. Абдул Хорис Ибн Синони саройдаги юқорироқ мансаблардан бирига тайинлайди.

Саройдаги хизмат Ибн Синонинг анча вақтини оларди. Шунинг учун унинг илмий-ижодий ишлари анча секинлашиб қолади. Бунинг устига Ибн Синонинг бошига бошқа ташвишлар ҳам тушади. Кўп ўтмай (999 йил) Абул Хорис Мансур ибн Нух Соний саройдаги фитна натижасида ўлдирилади. Унинг ўрнини укаси Абул Фаворис Малик ибн Нух эгаллайди. Бу янги шоҳ Ибн Синога нисбатан унчалик илтифот қилмайди. Шунинг учун Ибн Сино сарой хизматидан кетади.

X аср охирида (999 йил) Етти сув томонидан келган қорахонийлар Бухорони забт этадилар. Сомонийлар давлати тугатилиб, қорахонийлар ҳокимияти ўрнатилади. қорахонийлар мамлакатда ўзгача сиёсат, янгича тартиб ўрнатадилар. Бу Ибн Синога унчалик ёқмайди. Аммо шундай бўлса ҳам қорахонийлар саройида хизмат қилишга мажбур бўлади. Бу ҳақда олимнинг ўзи бундай деб ёзган: «Отам вафот этиб, аҳволимда ўзгариш юз берди. Султон хузуридаги вазифалардан бирини ўз зиммамга олдим. Кейин зарурат юзасидан Бухорони тарк этдим». Маълумотларга кўра Ибн Синонинг отаси Абдуллоҳ ибн Ҳасан 1УУ2 йилда вафот этган. Демак, бу воқеалар шу йиллари содир бўлган.

1УУ4 йил кеч кузида ёки 1УУ5 йил бошида Ибн Сино Бухорони тарк этади. Ибн Сино бунинг сабабини очиқ кўрсатмай, «зарурат юзасидан Бухорони тарк этдим» деб кўяқолади. Бундан Бухорода Ибн Сино учун нохуш ҳолатлар юз бергани кўринади. Унинг Бухородан яширинча чиқиб кетганлиги ҳам шуни кўрсатади. Фикримизча, қорахонийлар ҳукмдорлари Ибн Синога нисбатан унчалик дўстона муносабатда бўлмаганлар. Бунинг натижасида олимнинг бошига ташвишли ишлар тушиши мумкин эди. Бундай вазиятдан қутулиш учун у зоҳидлар ридосини кийиб олиб, Хоразм давлатининг пойтахти Урганч томонга жўнайди. Бу вақтда Хоразмнинг қадимги маданияти тикланиб, унинг пойтахти Урганч Шарқнинг жуда тараққий этган шаҳарларидан бирига айланган эди. Унда кўплаб масжид-мадрасалар, карвонсаройлар, ҳаммомлар, касалхоналар ва бошқа маданий-маиший бинолар барпо этилганди. Шаҳарда кўп олимлар, файласуфлар, шоирлар, ҳакимлар яшардилар. Бу вақтда ҳукмронлик қилган маъмунийлар мамлакатда илм-фан ва маданиятни юксалтиришга катта аҳамият берардилар, фан аҳлларини қўллаб –қувватлардилар. Уларга саройдан жой бериб, илмий-ижодий ишлари учун зарур шароит яратиб берардилар. Ибн Сино буни яхши биларди. Шунинг учун у Хоразмга томон йўл олган эди. Олим йўлда кўп қийинчиликларни бошидан кечириб, 1УУ5 йил бошларида Урганчга етиб келади. Бу ерда олимни яхши кутиб оладилар, унга саройдан жой бериб, яшаш ва илмий-ижодий ишлари учун зарур шароит яратиб берадилар. Бу ҳақда Ибн Синонинг ўзи таржимаи ҳолида бундай деб ёзган: «Кейин зарурат юзасидан Бухорони тарк этиб (ўзига

ортиқча ташвиш ортирмаслик учун у Бухородаги кўнгилсиз вазиятларни ёзмайди) Гурганч (Урганч) томонга кўчишимга тўғри келди. У ерда илмни севувчи Абул-л-Ҳасан ас-Саҳлий вазир эди. У ернинг амири хузурига кирдим. Амир Али ибн Маъмун эди. Мен учун менга ўхшаганларга бериладиган етарли миқдорда ойлик тайин қилишди.

Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида Хоразмда яшаган йиллари ҳақида жуда кам ёзган. Лекин тарихдан маълумки, олимнинг бу ўлкада яшаган йиллари унинг ҳаётида энг осойишталик ва самарали йиллар бўлган. Хоразм шоҳи Абул Ҳасан Али ибн Маъмун (998-1УУ9 йилларда шоҳлик қилган) маърифатпарвар шоҳ бўлган. У илм аҳлларини қадрлаган ва уларни доим қўллаб-қувватлаган. Ибн Синони у жуда яхши қабул қилиб, унинг учун зарур шароит яратиб берган. Ибн Сино бу ерда моддий ва маънавий жиҳатдан муҳтожлик сезмай жуда яхши яшаган.

Али ибн Маъмундан кейин шоҳлик қилган Абу Аббос Маъмун ибн Маъмун ҳам илм аҳлларини қўллаб-қувватлашни давом эттирди. Бу шоҳ даврида (1УУ9-1У17 йиллар) тарихда «Маъмун Академияси» деб ном олган «Билимлар уйи» («Байт ул-ҳикма») ташкил этилган эди. Бу «Академия» да йигирмадан ортиқ турли соҳанинг олимлари бирлашган эдилар. Улар қаторида машҳур ҳақимлар ҳам бўлган. Ибн Сино ҳам «Академия»даги олимлар қаторига киритилган эди. «Академия» га машҳур хоразмлик олим Абу Райхон Беруний раҳбарлик қиларди. Ибн Сино Беруний билан жуда дўстлашиб олган эди. Улар кўп илмий масалаларни биргаликда ўрганиб, биргаликда ечар эдилар. Беруний ўзи ҳам бир жиҳатдан тиббиётга яқин бўлган. У турли доривор ўсимликлар ва моддаларни яхши билган.

Ибн Сино Хоразмда ўзининг тибга оид биринчи асарларини ёза бошлаган. Унинг бу соҳадаги биринчи ёзган асари «Дафъ ал-мадорр ал-куллийа ан ал-абдан ал-инсонийа би-тадорук анваъ хата ат-тадбир» («Тадбирда йўл қўйилган ҳатоларни бартараф қилиш йўли билан инсон танасига етган зарарларни тузатиш») деб аталган. Бу китоб кейин қисқароқ қилиб, «Тадорук анва ал-хата ал-воқий фи-т-тадбир ат-тиббиа» («Тиббий қоидаларда учрайдиган хатоликларни тузатиш») деб атала бошлаган. Китобнинг муқаддимасида айтилишича, Ибн Сино мазкур асарни Хоразм шоҳининг бош вазир Абул Ҳасан Муҳаммад ас-Саҳлийнинг таклифига биноан ёзган. Китоб ўз номидан келиб чиқиб, тиббиёт амалиётида ва ҳаётда хатоликларга йўл қўйиш натижасида пайдо бўладиган касаллик ҳолатларини олдини олиш ва тузатишга бағишланган. А Ирисовнинг ёзишича, Ибн Сино Абул ас-Саҳлийга «Уржуза фи-л-мантик» («Мантикқа оид уржуза») номли асар ҳам ёзиб берган.

Хоразмда Ибн Сино 7 йилча яшаган (1УУ5-1У11 йиллар). Бу йиллар унинг учун энг самарали йиллар эди. Лекин 1У11 йилнинг ўрталарида Ибн Сино

Хоразмни тарк этишга мажбур бўлди. Чунки кўшни мамлакат-Хуросонинг ҳукмдори Султон Маҳмуд Ғазнавий (Яминиддин Маҳмуд ибн Сабуктагин) зўрайиб кетиб, Хоразмга таҳдид қила бошлайди. (Хоразм унинг таъсирига тушиб қолган эди). Маҳмуд Хоразм шоҳига мактуб ёзиб, унинг саройидги олимларни Ғазнага, унинг саройига юборишини талаб қилади. У Берунийдек улуғ олим, Ибн Синодек буюк ҳақимнинг ўз саройида хизмат қилишларини истарди. Аммо султон Маҳмуд жуда диндор одам эди, у даҳрий, деб аталувчи эркин фикрли кишиларни ёқтирмасди. Ибн Сино эса «даҳрий» деб ном чиқарган эди. Шунинг учун унинг Маҳмуд саройига бориши хавфли эди. Абу Саҳл Масихий эса ғайридин (насроний) эди. Шунинг учун шоҳ Маъмун Султон Маҳмуднинг хатини олимларга ўқиб бериб, ҳар ким бу масалани ўзи ҳал қилишини сўраганида Ибн Сино билан Масихий Султон Маҳмуд саройига бормасликларини билдирдилар. Улар шоҳнинг топшириғи билан вазир Абул Ҳасан ас-Саҳлий ёрдамида Хоразмдан яширинча чиқариб юборилдилар. Кўп тарихчиларнинг ёзишича, Беруний уларга Журжонга-Қобус хузурига ёки Райга Малика Сайида саройига бориб, ўша ерда хизмат қилишни тавсия этган ва уларнинг қўлига бу шоҳлар номига хат битиб берган. Хатда Беруний бу шоҳлардан Ибн Сино ва Масихийга зарур шароит яратиб беришни илтимос қилган эди. Абу Райхон Беруний бир вақтлар Журжонда, Қобус саройида ва Райда Малика Сайида саройида хизмат қилиб, уларнинг хурматига сазовар бўлган эди. Шунинг учун уларга хат орқали мурожаат қилишга журъат этибти.

Султон Маҳмуд ҳақиқатан диндор одам бўлганлиги ва даҳрийларни ёқтирмаганлиги тўғри. У ўз душманларига нисбатан жуда шафқатсиз бўлган. Лекин, баъзи тарихчилар ёзганидек, ҳар қандай тараққиётга қарши жохил одам бўлган эмас. У мамлакат тараққиётида маънавиятнинг тутган ўрнини тушунарди. Илм-фан ва маданият давлатнинг шуҳратини оширишини ҳам биларди. Шу сабабдан фан аҳлларини қўллаб-қувватлаган. Уларга турли имтиёзлар ҳам берган. Масалан, Маҳмуд ўз саройида сидқидиллик билан хизмат қилган ҳақим Абул Хайр ибн Сивор Бехномга «Ҳаммор» деган жойни ҳадя қилган. Шундан кейин бу олимнинг номига «Ҳаммор» сўзи қўшилиб, у Абул Хайр Ҳаммор деб атала бошлаган. Тарихий маълумотларда ёзилишича, Маҳмуднинг ўзи ва унинг ўғли Масъуд ҳукмронлик қилган даврда улар қўли остидаги шаҳарларда кўплаб масжид-мадрасалар, хонакоҳлар, карвонсаройлар, касалхоналар барпо этилган. Масалан, Султон Маҳмуднинг ўғли Масъуд Ғазна шаҳрида катта шаҳар касалхонаси барпо эттирган эди. Унга бошлиқ қилиб ўша даврнинг кўзга кўринган ҳақимларидан бири- табиб Абу Тамид ан-Нахшийни тайинлаган. Баъзи маълумотларга кўра у Абу Райхон Берунийни қандайдир оғир хасталиқдан операция қилиб тузатган. Шоҳ саройида кўплаб ўша замоннинг кўзга кўринган олим ва фозиллари хизмат қилганлар. Бинобарин, Султон Маҳмуд Ибн Синони ўз

саройига таклиф этганида уни ўлдиришни эмас, балки бу ҳаким унга хизмат қилишини кўзда тутган эди. Лекин Ибн Сино Масиҳий билан бирга Ғазнага эмас, Журжон томонга йўл олдилар. Урганч билан Журжон ўртасида даҳшатли Қорақум саҳроси ётарди. Бу саҳродан ўтишда Масиҳий йўл азобларига чидаш бераолмай оламдан ўтди. Ибн Сино кўп қийинчиликларни бошидан кечириб, ҳозирги Туркманистон худудида бўлган Нисо шаҳрига етиб олади. Бир оз вақтдан сўнг Абиверд шаҳрига ўтади. Аммо бу шаҳарда ҳам узоқ турмайди, чунки Султон Маҳмуд Ибн Сино унинг саройига боришдан бош тортганлиги учун дарғазаб бўлиб, кўп шаҳарларга ўз айғоқчиларини юбориб, уларга Ибн Синони топиб, зўрлик йўли билан бўлса ҳам Ғазнага олиб келишини топширган эди. Шунинг учун Ибн Сино бир шаҳарда узоқ вақт қола олмасди.

Баъзи тарихчилар Султон Маҳмуд ўз саройида хизмат қиладиган кимёгар олим ва рассом Абу Наср Ироққа Ибн Синонинг расмини (ёддан) чиздириб, уни кўпайтириб кўп шаҳарларга юбортирган ва шу расмга қараб Ибн Синони топишни буюрган эди деб ёзадилар. Бу ҳақиқатга тўғри келмайди, чунки, биринчидан, одамнинг суратини ёддан чизиш мумкин эмас, иккинчидан, мусулмон динида одамнинг суратини чизиш ман этилган.

Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида ёзишича, у Абиверддан Тусга, сўнг Шиққанга, ундан Самниконга, кейин эса Жожурумга ўтиб, ниҳоят Журжонга етиб келган, аммо кўлидаги хатни Қобусга топшира олмаган. У Қобуснинг олдига кирмоқчи бўлиб турганида уни тахтдан тушириб, қалъага қамаб қўядилар. Шоҳ Қобус қалъада вафот этади. Шунинг учун Ибн Сино бу шаҳардан ҳам кетишга мажбур бўлади. У Журжондан унча узоқ бўлмаган Дехстонга боради. Бу ерда қаттиқ истима касаллигига (безгак бўлса керак) учраб қолиб, Журжонга қайтиб келади.

Журжонда Ибн Сино Абу Убайд Жузжоний исмли ёш олим ва файласуф билан учрашиб, улар дўстлашиб қоладилар. Шу ерга келганда Ибн Синонинг ўзи айтиб берган таржимаи холи тугайди. Бундан буёғини Абу Убайд Жузжоний давом эттиради.

Абу Убайд Жузжоний (Абу Убайд Абдул Воҳид ибн Муҳаммад ал-Жузжоний) асли Хуросонлик бўлиб, Хиротга яқин жойдаги Жузжон (баъзи тарихчилар Жузажон деб атайдилар) шаҳрида туғилган. Абу Али ибн Сино билан Абу Убайд Жузжоний Журжонда учрашиб қолиб, дўстлашиб олган кунларидан бошлаб, улар умр бўйи бирга бўладилар. Жузжоний Ибн Синонинг то вафотига қадар унинг содиқ шогирди бўлиб қолади.

Абу Убайд Жузжонийнинг ёзишича, Журжонда илм-фанни қарлайдиган Абу Муқаммад аш-Шерозий исмли бадавлат одам бўлган. У Ибн Синонинг мухлисларидан бири экан. Шу киши Ибн Синога бўлган зўр ҳурматини ифодалаб, ўз ҳовлисига яқин жойдан уй сотиб олиб, унга Ибн Синони кўчириб олиб келади.

Ибн Сино бу орттирган дўстларининг ёрдами билан Журжонда анча дуруст ва хатарсиз яшайди. Абу Муҳаммад аш-Шерозий Ибн Синога моддий жиҳатдан ҳам ёрдам бериб турган.

Тарихий маълумотларга кўра Ибн Сино Журжонга келганда бу шаҳарда аҳоли ўртасида қандайдир касаллик тарқалган экан. Ибн Сино тезлик билан беморларни даволашга киришади. Кўп беморлар ундан нажот топиб соғайиб кетадилар. Бунинг натижасида Ибн Синонинг обрў-эътибори ошиб кетади. Бу ерда Ибн Сино касаллар устида кузатиш ишлари ҳам олиб боради. Ҳар хил дориларни синаб кўради, булғуси китобларига маълумот тўплайди. Буни Абу Убайд Жузжоний ҳам кўрсатиб ўтган.

Тарихий маълумотларга кўра ўша вақтда Журжонда шундай воқеа бўлиб ўтган: Ибн Синонинг Журжонга келгани ҳақидаги хабар подшоҳ саройига ҳам бориб етган. Журжон хукмдори Манучеҳрнинг жияни қандайдир номаълум касалга мубтало экан. Саройдаги табиблар унинг касалини аниқлай олмадилар. Манучеҳр Ибн Синонинг дарагини эшитиб, касал жиянини кўрсатиш учун уни саройга чақиртиради. Ибн Сино беморни кўриб, унинг аъзоларида бирор касаллик аломатини топмайди. Шунда Ибн Синода бу ёш йигит севги дардига мубтало эмасмикин, деган фикр пайдо бўлади ва олим ўзининг бу фикрини усталик билан (беморнинг руҳий-эмоционал ҳолатига таъсир этиб) исботлайди ва бу «касаллик» ни даволаш йўлини кўрсатиб беради. Ибн Синонинг маслаҳати билан бу йигитни ўзи яхши кўрган қизга уйлантирадилар ва у тез кунда соғайиб кетади. Бундан кўп мамнун бўлган Манучеҳр Ибн Синога шаҳарда бемалол очик яшаб, ўз табиблик иши билан шуғулланиши учун рухсат беради. Ибн Синонинг табиблик фаолиятида бундай воқеалар кўп бўлган.

Абу Убайд Жузжонийнинг ёзишича. Ибн Сино Журжонда тўрт йилча (1У12-1У15 йиллар) яшаган. Бу давр Ибн Сино учун Хоразмдан кейин иккинчи осойишта ва тинч ҳаёт йиллари бўлган. Ибн Сино Журжонда шу тўрт йил ичида йигирмадан ортиқ катта-кичик асарлар ёзган ва кўп шогирдлар тайёрлаган. Жузжонийнинг гувоҳлик беришича, Ибн Сино ўзининг машҳур асари «Тиб қонунлари китоби» ни ҳам Журжонга ёза бошлаган. Жузжоний устозининг Журжонда ёзган муҳим асарларидан қуйидагиларни кўрсатиб ўтган: «Китоб ал-мухтасар ал-овсат фи-л-мантиқ» («Ўртача қисқа мантиқ китоби»). «Китоб ал-мухтасар ал-мажистий» («Ал-мажистийнинг қисқартмаси китоби»), «Ал – мухтасар ал-асфар фи-л-мантиқ» («Мантиқнинг кичкина қисқармаси»), «Китоб ал-қонун фи-т-тиб» («Тиб қонунлари китоби») нинг бошланғич қисми, «Китоб ал-мабда ва ал-маод» («Нарсаларнинг дастлабки ва охириги ҳолатлари ҳақида китоб»), «Китоб ал-арсод ал-қуллия» («Умумий кузатиш китоби»). Кейинги иккита китобни Ибн Сино ўзининг хомийси Абу Муҳаммад аш-Шерозийнинг илтимосига биноан ёзган ва унга тақдим этган.



Султон Маҳмуд Ибн Синони таъқиб қилишни тўхтамайди. У олимнинг Журжонда эканлигини эшитиб бу шаҳарга ҳам таҳдид солади. Бир вақт шаҳарда Султон Маҳмуд Журжонга қарши юриш қилармиш, деган хабар тарқалади. Бундан хавф олган Ибн Сино 1У15 йилнинг охирларида Журжондан чиқиб кетади ва Абу Райхон Берунийнинг масалаҳатини эслаб, Райга томон жўнайди. Райда Ибн Синони яхши кутиб оладилар. Малика Сайида Абу Райхон Берунийнинг хатини ўқиб, Ибн Синога унда илтимос қилганидек яхши шароит яратиб беради.

Рай маликаси Сайиданинг Мажд уд Давла исмли ўғли бўлиб, у қандайдир руҳий касалликка учраган экан. Ибн Сино уни даволаб тузатади. Бундан мамнун бўлган малика Ибн Синога нисбатан яна ҳам дўстона муносабатда бўлган. Ибн Синонинг яшаши ва ижодиёти учун ҳамма зарур шароитни яратиб беради. Аммо Ибн Сино Райда жуда оз (бир йилча) яшайди. У шу оз вақтдан бўлса ҳам унумли фойдаланиб, «Китоб ал-маъод» («Қайтиб бориш китоби») номли асар ёзади.

Султон Маҳмуд Ибн Синонинг Райда эканлигини эшитиб, Сайидадан уни Ғазнага жўнатишни талаб қилади, акс ҳолда Райга ҳарбий юриш қилишни билдиради. Аммо ақлли ва тадбиркор аёл урушнинг олдини олишга муяссар бўлади. Тарихий маълумотларга кўра Сайида Султон Маҳмудга қуйидаги мазмунда хат юборган: «Агар уруш натижасида сиз мени енгсангиз одамлар Султон Маҳмуд бир ожиза аёлни енгди, дейдилар холос. Агар мен сиздан ғолиб чиқсам, сиздек буюк шоҳга катта номус бўлади». Султон Маҳмуд бу хатни олганидан сўнг Рай устига кўшин тортишни тўхтатади. Тарихчилар бу хатнинг матнини Ибн Сино ёзиб берган, дейдилар. Тўғри бўлса керак. Аммо Ибн Сино Райда қололмайди.

Ўша даврда Эрон ерлари бир неча кичик-кичик давлатларга бўлинган эди. Шимолда зиёрийлардан бўлган Қобуснинг ўғли Манучеҳр, жанубда бувайхийлардан Мажд уд Давла (Сайиданинг ўғли). Ҳамадонда Шамс уд-Давла, Хузистонда Бадр ибн Ҳасанвайх. Исфахонда Ало уд-Давла ҳукмронлик қилардилар. Ибн Сино шулардан Султон Маҳмуднинг қўли етмайдиган бирортасига бориб, ўша ерда истиқомат қилиш ниятида эди. Бу масалада унинг учун энг қулай жой Ҳамадон подшоҳлиги эди. Бу мамлакат Султон Маҳмудга тобе бўлмай, ўзи мустақил сиёсат олиб борарди. Ибн Сино бир оз вақт Қазвинда яшаб, сўнг 1У16 йилда Ҳамадонга келади. Бу ерда олим ўзи учун бир қадар тинчроқ яшаш шароитини топган эди.

Ҳамадон ҳукмдори Шамс уд-Давла тез-тез хуруж қилиб турадиган ичак касаллигига мубтало эди (унда сурункали колит бўлган бўлса керак). Шунинг учун у доимо тажрибали табиб ёрдамига муҳтож бўлган. Шу сабабдан у Ибн Синодек буюк табибнинг ўз шаҳрига келганлигидан хурсанд бўлиб, уни жуда яхши қабул қилади. Ибн Сино шоҳни даволай бошлайди. Шамс уд-Давланинг касали жуда чуқурлашиб кетган бўлса керакки, Абу Убайд Жузжонийнинг

ёзишича, уни даволаш учун Ибн Сино шоҶ олдида «қирқ кеча-ю қирқ кундуз» қолиб кетган. Шамс уд-Давла Ибн Синони ўзидан узоқлаштирмасди. Олим унинг энг яқин кишиларидан бири бўлиб қолган эди. Ибн Синонинг ҳуқуқшунослик илми ва давлат тузилиши масалаларини яхши билишидан хабардор бўлиб, уни ўзига вазир қилиб ҳам тайинлайди. Вазир сифатида давлат вазифасини бажариш Ибн Синонинг кўп вақтини оларди. Бунинг устига Шамс уд-Давла урушқоқ шоҳ эди. У кўшни ўлкалар шоҳлари бўлан тез-тез урушиб, кўпинча ҳарбий сафарларда бўлган. Ибн Сино ҳам бу сафарларда шоҳнинг ёнида бўлишга мажбур эди. Шу сабабли унинг ўз шахсий ишлари, хусусан, илмий-ижодий фаолияти учун жуда оз вақт қоларди. Ибн Сино шу оз вақтдан бўлса ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қиларди. Ҳар бир бўш фурсатни бекор ўтказмай, бошлаб қўйган китобларини тугатиш ва янгиларини ёзиш билан шуғулланарди.

Ибн Сино Ҳамадонда 8 йилча (1У16-1У24) яшади. Абу Убайд Жузжонийнинг ёзишича, олим шу давр ичида бу шаҳарда бир неча йирик асар тасниф этган. Хусусан, у Ҳамадонда ўзининг машҳур тиббий асари «Тиб қонунлари»нинг биринчи китобини ёзиб тугатган. Бундан ташқари тибга оид «Ал-адвият ал-қалбия» («Юрак дорилари») номли китоб ҳам яратган. 18 жилдлик фалсафий асари «Китоб аш-шифо» («Шифо китоби»)нинг табиат фанлари ҳақидаги қисмини ёзган. Аристотелнинг фалсафий асарларига шарҳлар тузган. Бошқа табиий фанларга оид асарлар ҳам ёзишга киришган.

Ибн Сино вазирлик вазифасини эгаллаб, уни яхши бажараётган бўлса ҳам ўзини сиёсатчи арбоб эмас, биринчи галда олим деб ҳисоблайди. Шунинг учун ўз фаолиятида илмий-ижодий ишларни биринчи ўринга қўяди. У давлат ишлари орасида, хатто ҳарбий юришлар вақтида ҳам қулай фурсат бўлиб қолса, китоб ўқиш ва асар ёзиш билан шуғулланади.

Абу Убайд Жузжонийни ёзишича, Шамс уд-Давланинг одатдагидек ҳарбий юришларидан бирида касали авж олиб кетиб, аҳволи жуда оғирлашиб қолади. Уни тугатиш учун Ибн Синонинг ҳар қанча уринишига қарамай, у Ҳамадонга қайтиш йўлида вафот этади. Шамс уд-Давланинг ўрнига тахтга ўлтирган ўғли Само уд-Давла Ибн Синога нисбатан унчалик илтифот қилмайди. Шунинг учун вазирлик вазифасини топшириб, саройдан кетади. Олимнинг мақсади ўз илмий-ижодий ишларини давом эттириш эди. Аммо Ибн Синонинг олдида янги қийинчиликлар ва хавф-хатарлар пайдо бўлади. Саройдаги Ибн Синодан норози кишилар ва ҳарбийлар янги шоҳнинг олимга нисбатан илтифотсизлигидан фойдаланиб, унга ғаразли ишлар қила бошлайдилар. Ибн Сино бу ҳужумлардан қутулуш ва ўзининг ҳаёти ва иждодий ишлари учун қулай шароит топиш мақсадида бўлса керак. Исфахон ҳуқумдори Ало уд-Давлага хат ёзиб, унга хизмат қилишга тайёр эканлигини билдиради. Бу хатдан Само уд-Давланинг вазири Тож ул Мулк хабардор бўлиб қолиб, уни шоҳга маълум қилади. Само уд-Давла Ибн

Синони ҳибсга олиш ҳақида фармон беради. Аммо олимнинг дўстлари уни Шайх Абу Ғолиб ал-Аттор исмли бир ишончли кишининг уйига жойлаштириб, яшириб қўядилар. Ибн Сино бу ерда ҳам вақтини бекор ўтказмай, ўз асарлари устида ишлашни давом эттиради.

Чунончи Ибн Сино ўшанда, яшириниб ётган жойида ўзининг «Китоб аш-шифо» («Шифо китоби») номли асарини тугатиш арафасида эди. Аммо уни бу ердан топиб олиб, шаҳар чеккасидаги қалъага қамаб қўядилар. Олим бу қалъада тўрт ойча қамалиб ётади. Бу ерда у китоб ёзишни давом эттиради. Абу Убайд Жузжонийнинг ёзишича, Ибн Сино қалъада «Китоб ал Ҷидоя» («Тўғри йўл йўриқ китоби»). «Ҳайи ибн якзон» («Уйғоқ, ўғли тирик») ва «Китоб ал-қуланж» («Йўғон ичак яллағланиши»-колит) номли учта асар яратди. Буларнинг олдинги иккитаси фалсафага, кейингиси эса тибга оиддир. Бу воқеа 1У23 йилда бўлиб ўтган экан. Демак «Китоб ал-қуланж» 1У23 йилда ёзилган.

Бу вақтда Исфохон ҳукмдори Ало уд-Давла Ҳамадонга юриш қилиб, у ерга бостириб келади. Само уд-Давла билан Тоғ ул-Мулк қочиб кетадилар. Бунинг натижасида Ибн Сино ҳибсдан қутулади. Уни Абу Убайд Жузжоний кутиб олиб, бир таниш кишининг уйига жойлаштириб қўяди. Аммо Ибн Синонинг Ҳамадонда узоқ вақт қолиши хавфли эди. Само уд-Давла билан Тоғ ул-Мулк қайтиб келганларидан сўнг уни яна ҳибсга олишлари ёки бошқа йўл билан ундан ўч олишлари мумкин эди. Шунинг учун у шу ерга келган укаси Маҳмуд ва шогирди Абу Убайд Жузжоний билан Ҳамадондан яширинча чиқиб кетиб, Исфохонга жўнайдилар. Уларни Исфохон дарвозаси яқинида Ало уд-Давла юборган махсус кишилар кутиб олишади ва Кунигумбаз маҳаласидаги Абдуллоҳ ибн Бобий исмли кишининг уйига жойлаштирадилар. Жузжонийнинг ёзишича, бу ҳозирланган жойда тирикликка зарур ҳамма ашё -анжом мавжуд бўлиб, хоналарга гилам ва палослар тўшалган экан. Бундан кўринадики, Ало уд-Давла Ибн Синога нисбатан ҳурматни бажо келтирган.

Бир оз вақтдан сўнг Ибн Синони саройга чорлайдилар. Бу ерда уни Ало уд-Давла қабул қилиб, сарой аҳлларига таништиради. Ало уд-Давла саройида «Мажлиси уламо» («Олимлар мажлиси») ташкил этилган бўлиб, унда саройдаги барча олимлар бирлашган экан. Ибн Синони ҳам бу анжуманга киритадилар. Бу «Мажлис» аъзолари ҳар жума куни кечқурун йиғилишиб, фаннинг турли соҳаларида суҳбатлар, мунозаралар ва баҳслар ўтказишиб турар эканлар.

Ало ад-Давланинг ўзи ҳам ўқимишли, билимдон киши бўлган. У кўп билимлар соҳасида чуқур маълумотга эга эди. Шунинг учун анжуманни кўпинча унинг ўзи олиб бораркан. Абу Убайд Жузжонийнинг ёзишича, «Мажлиси уламо» аъзолари ичида ўз билимининг кенглиги ва чуқурлиги жиҳатидан Ибн Сино алоҳида ажралиб турган. Бу ердаги олимлар ичида Ибн Синодан ўтадиган киши

йўқ экан. Шунинг учун Ало уд-Давла Ибн Синога алоҳида ҳурмат билан қараркан.

Исфахонда Ибн Сино 14 йилча (1У24-1У37 йиллар) яшаган. Бу ерда ҳам у ўз ижодий фаолиятини давом эттириб, турли соҳаларга оид кўпгина асарлар, шарҳлар ва китобларга кўшимчалар ёзган.

Тарихий маълумотларга кўра, Исфахонда Ибн Сино раҳбарлигида бир касалхона барпо этилган. Уни «Даволаш уйи» деб атаган эканлар. Касалхонага бундай ном берилишинг тарихи қизиқ бўлган. Ибн Сино томонидан тузилган лойиҳада бу касалхона «Даволаш уйи» деб аталган эди. Лойиҳани тасдиқлашда Ало уд Давла бу сўзни «беморлар уйи» деб ўзгартириб қўйибди. Шунда Ибн Сино одоб ва мулойимлик билан Ало уд-Давлага касалхонани «Даволаш уйи» деб аташ мақсадга мувофиқ, чунки бунда беморларда тузалишга умид пайдо бўлади. «Беморлар уйи» деганда эса умидсизлик ҳисси келиб чиқади, деб тушунтирибди ва қўшиб қўйибди: «Менинг кўп йиллик кузатишларим шуни кўрсатадики, хасталикдан қутулиш мумкинлиги ҳақида ишонч борлиги бемор учун энг яхши дорилардан биридир». Шунда Ало уд-Давла Ибн Синога қараб бир оз ўйлаб туриб қолади, сўнг «Беморлар уйи» деган сўзни ўчириб, «Даволаш уйи» деб ёзиб қўяди.

Абу Убайд Жузжоний Ибн Синонинг тиббий асарлари ва амалий табиблик фаолияти ҳақида унчалик кўп маълумот бермаган. Фақат олимнинг тибга оид баъзи асарлари қачон ва қаерда ёзилганлиги ҳақида қисқа-қисқа маълумот бериб ўтган. Бир жойда Шайх беморларни даволаш жараёнида кўп тажриба ҳосил қилди. Буларни у «Ал-қонун» китобига киритмоқчи бўлди, уларни бўлимларга ҳам ажратиб чиқди. Лекин улар «Қонун» китоби ёзиб бўлинишидан олдин турли сабаблар билан йўқолиб кетди, деб хабар қилган, холос. Ибн Синонинг амалий табиблик фаолияти ҳақида эса олим бир марта ўзини бош оғриғи касаллигидан тузатган эди ва хоразмлик бир аёлни ҳам сил касаллигидан даволади, деб ёзиш билан чекланган.

Жузжонийнинг ёзишича, «Тиб қонунлари» дастлаб 14 жилддан иборат бўлган. Ҳозир у ўзбек ва рус тилларида 6 жилд (5 китоб) қилиб чиқарилган. Расмий маълумотларга кўра, Ибн Синонинг тибга оид 31 асари мавжуд. Шуларнинг ҳар бири тиб илмининг алоҳида мавзуларига бағишланган. Бу китоблар орасида энг муҳими ва энг каттаси «Китоб ал-қонун фи-т-тиб» дир.

Ибн Сино асосан шу китоби туфайли жаҳонга машҳур бўлиб кетган.

Ибн Сино ҳаётининг сўнги ойлари ҳақида Жузжоний қуйидаги маълумотни берган: «Устоз жисмоний жиҳатдан жуда бақувват одам бўлган. Унинг гавдаси касалликларга нисбатан чидамли эди. Аммо Ибн Синода 425 хижрий (1У35 милодий) йилининг ёзида қандайдир ичак касаллиги пайдо бўлиб, унга олим ҳар қанча муолажа қилса ҳам тузалмади. Аксинча касалик оғирлашаверди. Бундай аҳвол бир йилдан ортиқ давом этади. Ниҳоят Ибн Синонинг дармони бутунлай

қуриб, ахволи ҳаддан ташқари оғирлашиб қолди ва уни даволаётган табибларнинг ҳар қанча уринишларига қарамай олим 428 хижрий (1У37 милодий) йилнинг 24 июнида оламдан ўтади».

Тарихчилар Ибн Сино қуланж (йўғон ичак яллиғланиши) касаллигидан вафот этган, деб ёзадилар. Бизнинг фикримизча, Ибн Сино ичакда бўлган саратон (рак) касаллигидан вафот этган. Фикримизни шу нарса тасдиқлайдики, биринчидан, Ибн Синодек буюк ҳаким саратондан бошқа ҳар қандай касаликни муолажа усули билан даволай оларди. Айниқса, ўзини. Иккинчидан, касалликка ҳеч қандай дори-дармон қор қилмаган, чунки саратонни дори билан даволаб бўлмайди, уни операция қилиш керак. Табиийки, Ибн Сино ўзини –ўзи операция қила олмасди. Эҳтимол, Исфахонда ўша вақтда бундай операцияни қила олиш қўлидан келадиган табиб топилмагандур. Учунчидан, саратон касаллиги билан оғриган беморнинг умри аксари ҳолда бир-ярим йилдан ошмайди. Ибн Сино ҳам ўзида касаллик аломатлари пайдо бўлганидан сўнг бир ярим йилча яшаган, холос. Касалликнинг бундай кечиши айнан саратонга хосдир. Шу далилларга асосан биз Ибн Сино саратон касаллиги билан оғриган ва у касалликдан вафот этган, деган қатъий фикрдамиз.

### **Мавзу №7: Амир Темур ва темурийлар даври тиббиёти, буюк намоёндаларининг ҳаёти ва ижоди.**

Темурийлар давридаги тиббиёт ундан олдин ўтган сомонийлар ва қорахонийлар давридаги тиббиётнинг тўғридан-тўғри давоми эмас. Сомонийлар ва қорахонийлар билан темурийлар ўртасида бутун бир аср вайроналик ва турғунлик даври ётади. Маълумки, 13 аср бошларида муғул-татар аскарлари Ўрта Осиёга бостириб кириб кўп шаҳар ва қишлоқларни ер билан яқсон қилдилар, экин майдонларини топтадилар ва барча маданий бойликларни йўқ қилдилар. Касалхоналар, дорихоналар, таббий мактаблар вайрон бўлди. Кўп табиблар қатл этилдилар. Тиббиёт ҳам бошқа соҳалар сингари, оғир тушкунликни бошидан кечири бошлади. Бундай ҳол бир асрдан ортиқроқ вақт давом этди.

ХИВ асрнинг 6У—7У йилларига келиб, Ўрта Осиё худудида йирик ва кучли темурийлар давлати вужудга келди. Бу давлатнинг асосчиси Амир Темур Мовароуннахр, Хуросон, Хоразм, Олтин Ўрда, Эрон, Ҳиндистон, Ироқ, Туркия ва бошқа мамлакатларни барпо этди. Темур бу мамлакатларнинг барча бойликларидан фойдаланиб, ўз давлатини иқтисодий ва маданий жиҳатдан жуда юксак даражага кўтарди. Мамлакатда катта-катта қурилишлар олиб борилди. Фан, маданият, санъат ва адабиёт юксак даражага кўтарилди. Бундай умумий юксалиш жараёнида тиббиёт ҳам ривожланади. Касалхоналар, дорихоналар, таббий мактаблар, кутубхоналар барпо этилди. Мадрасаларда бошқа билимлар қаторида таббий билимлар ҳам ўқитила бошлади.

Амир Темур ўзининг давлатни идора этиш ва ҳарбий юришларни бошқариш қонун-қоидаларни ҳақидаги “Темур тузуклари” (“Темур қонунлари”) номли хужжатида бир қанча муҳим тадбирлар қаторида шаҳарларда тиббий муассасалар қурдирганлигини баён этади. Чунончи, тузукнинг “Аҳолидан солиқ олиш, мамлакатни идора қилиш, унинг ободончилиги ва хавфсизлигини амалга оширувчи мутасаддилар тузуги” номли бобида Темур шундай ёзади: “...Яна мен амир этдимки, катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, Мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар, фақиру мискинларга ғариб хона солсинлар, касаллар учун шифохона қурдирсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар” ( “Темур тузуклари” 1991 и., 1УУ-6 ). Темурнинг буйруқ ва фармонлари вожиб ҳисобланган, улар сўзсиз бажарилган. Демак, Темур замонида ҳар бир шаҳарда шифохона бўлган, уларда тажрибали табиблар ишлаганлар. Самарқандда эса “ Дор уш-шифо” (“Шифо маскани”) номли йирик касалхона бўлиб, унга ўз замонасининг таниқли табиблар—Мир Саййид Шариф Шерозий (133У-1414) раҳбарлик қилган. Бу табиб асли Журжонлик бўлиб, Темурнинг таклифи билан Самарқандга келиб, шу касалхонага бошчилик қилган. Шу даврда Самарқандда яна бир йирик табиб—Мансур ибн Муҳаммад яшаган. Бу олимнинг тўлиқ исми Мансур ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ибн Илёсдир. Бу олимнинг тибга оид учта асари маълум. 1. “Одам танасининг тузилиши ҳақида рисола” 2. “Мансурнинг тўлиқ тиббий китоби” 3.Ғиёсия. Биринчи китобда муаллиф (у 14У5 йилда ёзилган) одам суяклари, мушаклар, қон томирлари, асаблар ва бошқа аъзоларнинг тузилиши баён этилган. Иккинчи китобда муаллиф тиббиёт ва саломатликни сақлашнинг муҳим масалалари ҳақида сўз юритади. Чунончи, тананинг соғлом ва касаллик ҳолати, беморга ташхис қўйиш ва уни даволаш, саломатлик сақлаш тадбирлари кўрсатилади. Китобда якка (оддий) ва мураккуб дорилар, уларни ишлатиш усуллари ҳам баён этилган. Учинчи китоб ҳақида етарли маълумот мавжуд эмас.

Ўша даврдаги йирик табиблардан бизга яна Мавлоно Файзуллоҳ Табрзий ва Хисомиддин Иброҳим Кирмоннийлар маълум. Мавлоно Файзуллоҳ Табрзий Темурнинг шахсий табиби эди. У шохнинг ҳамма сафарларида у билан бирга бўлган.

Темур даврида тиббиёт фани юксак даражага кўтарилган эдики, у вақтда хатто ўлган одамнинг жасадини балзамлаш усулини ҳам билганлар. Масалан, Темурнинг ўзи, Бибихоним ва Темурнинг ўғиллари Жаҳонгир Мирзо, Шохруҳ ва набираси Муҳаммад Султоннинг қабрлари очиб кўрилганда, уларнинг жасади мумиёланганлиги аниқланган. Уларнинг қабрларига ҳар хил хуш бой доривор моддалар сепилган экан. Муҳаммад Султоннинг қабрдан райхон баргларининг қолдиғи топилган.

Темур илм аҳллари кўллаб-қувватланган, ҳар турли фанларни айниқса амалий аҳамиятга эга бўлган фанлар ривожланишининг тарафдори бўлган. У ўзи забт этган мамлакатлардан фақат олтин, қумушларни эмас, балки нодир китобларни ҳам олиб келарди. Темур бу нодир китобларни сақлаш учун саройда махсус кутубхона (“Китоб гумбази”) қурдирган. Унда фаннинг ҳамма соҳаларига оид шу жумладан тиббиётга оид китоблар ҳам сақланарди. Темур китобларнинг жуда кадрига етарди. Темурнинг китобларни юксак даражада кадрлаши шундан маълумки, у “Китоб гумбази”даги китобларни фақат шу жойнинг ўзида ўқиш мумкинлиги ҳақида махсус фармон чиқарган. Бирор китобни уйга олиб кетиш қатъиян ман этилган. Кутубхонада ўша замоннинг йирик олимлари у ердаги турли тилда езилган китоблари ўрганиш ва уларга шарҳ ёзиш билан шуғуланганлар.

Шифохоналарда ишловчи табибларга яхши маош тўланган. Темурнинг махсус фармони билан уларнинг маоши олимлар, мунажжимлар тарихнавислар ва мухандисларни маошига тенглаштирилган.

Темур ободончиликка, шаҳарларнинг озода сақланишига катта эътибор берган. Айниқса, давлат пойтахти Самарқандни обод қилишга кўп ҳаракат қилган. Шаҳар ичида ва унинг атрофида ўнлаб ҳашаматли саройлар, боғлар, ҳовузлар, фавворалар, соя-салқин хиёбонлар қурдирган. Аҳолининг ҳаёти ва унинг саломатлиги яшаш шароити, бозорлар нарҳ-наво, савдо-сотик ишларини тартибга солган.

Шундай қилиб, Темур даврида аҳолининг моддий-маънавий ва маданий жиҳатдан яшашига катта эътибор берилган. Халқининг соғлиғини сақлаш беморларни даволаш, етим-есирлар ҳақида ғамхўрлик қилиш соҳасида муҳим ишлар амалга оширилган. Бундай юксалиш айниқса, Темурнинг набираси Улуғбек замонасида тез суръатлар билан давом этган.

**Улуғбек (МуҳаммадТарғай Кўрагоний)** фақат давлат арбоби бўлибгина қолмай, шу билан бирга буюк олим сифатида ҳам машҳур. Тарихчиларнинг ёзишича, у билимларнинг деярли ҳаммаси билан шуғулланган. Улуғбек кўп вақтини бобоси Амир Темур ташкил этган буюк кутубхона “Китоб гумбази” да турли китобларни мутолаа қилиш билан ўтказган. Бошқа китоблар қаторида тибга оид асарларни ҳам кўп ўқиган. У бу соҳада кичик бир рисола ҳам ёзгани маълум. Аммо астрономия соҳасида Улуғбек жуда катта олим сифатида дунёга машҳурдир.

Улуғбек даврида Мовароуннаҳрда ўз тарихида иккинчи юксалиш даврини бошидан кечирди. Улуғбек Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда ўнлаб мачит, мадрасалар, ҳаммомлар, карвон саройлар, йўллар, шифохоналар қурдирди. Булар ичида энг машҳури Улуғбек расадхонасидир. Бу расадхонада ўнлаб олимлар хизмат қилардилар.

Улуғбек тиббиёт илмига ҳам катта аҳамият берган. Самарқандда бир касалхона қурдириб, унда ишлаш учун Кирмон шаҳридан машҳур табиб Бурхониддин Нафис ибн Авазни таклиф этган. Бу табиб Улуғбекнинг сарой табиби вазифасини ҳам бажардган.

Бурхониддин ибн Аваз асли ўзи Эронлик бўлган. Кирмон шаҳрида табиб оиласида туғилган. Ёшлиқдан сер ҳаракат, билимдон, ҳамма нарсага қизиқувчан бўлган, кўп ўқиган. Бир қанча фанларни ўзлаштирган. Аммо асосий касби табиблик бўлган. Бу касбини у ўз оиласида отасидан ўрганди ва зўр идрокли бўлгани учун тез вақтда чуқур билимли ва яхши тажрибали табиб бўлиб етишди.

Улуғбекнинг ўз табибининг билими ва таржибасини қадрларди. Улар ўртасида самимий дўстлик ришталари боғланган эди. Ибн Аваз тибга оид бир қанча асар ёзган. Шулардан энг машҳури 13 асрда яшаган йирик табиб Нажбуддин Самарқандийнинг “Касалликларнинг сабаблари ва аломатлари” номли китобига ёзган шарҳидир. Бу китобни муаллиф Улуғбекка бағишлайди ва унга тақдим этади. Нафиз ибн Аваз ўз шаҳрида Нажбуддин Самарқандий китобнинг мазмунини баён этади ва унинг қийин жойларини тушунтириб беради.

Бурхониддин Нафиз ибн Авазнинг “Дори тайёрлаш санъати” номли асари ҳам бўлган. Бу китобда муаллиф оддий ва мураккаб дорилар рецептини тузиш, уларни тайёрлаш ва ишлатиш усулларини баён этган.

Ўша даврда табиблар ўртасида моҳир жарроҳлар ҳам бўлган. Шулардан бири Тожиддин Хаким эди. Бу жарроҳ анча мураккаб операцияларни ҳам қилган. Масалан, кўз катарактасини операция йўли билани муваффиқиятли даволаган. Шунини алоҳида кўрсатиб ўтиш керакки, бу жарроҳ операциядан олдин жарроҳлик асбобларини ўт (олов) устида қиздириб олиб, сўнг операцияда ишлатган. Операция вақтида эса, тез-тез ўз қўлини майда қилиб тўғралган пиёзга ботириб оларкан. Маълумки, пиёзда микробларни ўлдирувчи фитонцидлар бўлади. Ўт устида қиздирилган асбоб эса тамомила микробдан холи бўлади (стерилизацияланади). Бундан маълум бўладики, Тожиддин Хаким зарарли микроблар мавжудлигини билган ва уларнинг ривожланишига йўл қўймастик чорасини кўрган. Бу жиҳатдан Тожиддин Хакимни антисептика усулининг асосчиси, деса бўлади.

Демак, Улуғбек даврида бошқа фанлар қатори тиббиёт ҳам анча юксалди. Ўша даврда кўп машҳур табиблар пайдо бўлди.

Улуғбек билимнинг аҳамиятини жуда яхши тушунган. Олимларни жуда қадрлаган. Билимнинг келажаги порлоқ эканига ишонган. Масалан, у ўзининг машҳур асари “Зижи Кўргоний”нинг кириш қисмида бундай ёзган эди:

“Мутаассиб фикрлар эрталабки туман каби тарқалиб кетади, хоқонликлар йўқ булади, факат олимларнинг асарларигина абадийликда қолади”. Билим билан шуғулланишнинг нақадар зарурлигини таъкидлаб, Бухорода қурдирган мадрасаси



пештоқига қуръондан олинган бундай сўзлари ёздирган экан: “Билим олишга интилиш ҳар бир муслим ва муслиманинг бурчидир”.

Улуғбек Самарқанддан икки қаватли махсус Мадраса қурдириб, унда дорилфунун очган. Мадрасада талабалар ўқиганлар ва шу жойда истиқомат қилганлар. Дорилфунуннинг бош мударриси қилиб машҳур олим Қозизода Румий тийинланган. Дорилфунунда асосий фанлар сифатида астрономия, математика, фалсафа, бадий адабиёт ўқитилган. Тиббиётдан ҳам дарс берилган.

Улуғбек қурдирган расадхона ва Мадраса қошида “Байтул хикма” янги олимлар уйи (Академия) бор эди. Бу Академия юзга яқин олим уюшган. Улар орасида табиблар ҳам бўлган. Масалан, Бурхониддин Нафис ибн Аваз шу Академия аъзоси эди.

Темурийлар сулоласининг фан, маданият ва иқтисодий ҳаёт ривож топган охирги босқичи султон Хусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган вақтда тўғри келди. Бу даврга келиб Темурийлар ва сулоласи сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан сезиларли даражада сусайиб қолган бўлса-да, лекин адабиёт ва санъат соҳасида анча юқори даражада эди.

Хусайн Бойқаронинг ўзи ҳам яхшигина шеър битарди. **рмонийбн** ўша даврида барпо этилган кўплаб маиший бинолар қаторида шифохоналар тиббий мактаблар, кутубхоналар ҳам бўлган. Бу ишларнинг ҳаммасига Бойқаро саройида бош вазирлик лавозимини эгаллаган буюк шоир ва давлат арбоби—**Алишер Навоий** раҳбарлик қилган ва ташаббускорлик кўрсатан.

Мовароуннахр ва Хуросанда ўша даврда юзлаб бинолар барпо этилди. Бу даврда турли фанлар, айниқса, аниқ фанлар ва тиббиёт ривож топди. Деярли ҳар бир шаҳарда касалхоналар очилган бўлиб, уларда ўнлаб тажрибали табиблар беморлани даволаш билан машҳур эдилар. Улар орасида йирик олимлар бор эди. Шулардан бири-Неъматуллоҳ ибн Фахриддин Муборакшоҳ Хаким Кирионий бўлиб, у Хусайн Байқаронинг шахсий табиби эди. Бу табиб Хаким Кирмоний номи билан машҳур бўлган. Хаким Кирмоний фақат табиб эмас, шу билан бирга чуқур билимли файласуф, олим ва шоир эди. У “Хақимий” таҳаллуси билан шеърлар ёзган. Хаким Кирмонийнинг шеъриятдаги қобилияти ва тиббиётдаги катта тажрибасини ҳисобга олиб, уни буюк шоир ва иккинчи. Ибн Сино деб атадилар. Хаким Кирмонийнинг бизга маълум бўлган асари 1464 йилда ёзган “Хосиятлар денгизи” номли китобдир. Муаллиф китобда шарқнинг буюк табиблари асарларидан намуналар тўплаб, уларни ўз тажрибалари ва билимлари билан бойитган. У шифобахш ўсимликларни айниқса, яхши ўрганган. Ўсимликларнинг хоссаларини ва шифобахш хусусиятларини текширар экан, баъзан уларда илгариги муаллифлар ёзишган янги сифатларни топиб, баён этган.

“Хосиятлар денгизи” бир муқаддима, уч бўлим ва бир хотимадан иборат. Асарда алфавит бўйича турлича шифо хусусиятига эга бўлган ўсимликлар,

парранда ва ҳайвонларнинг номлари баён этилган. Уларнинг юнонча, арабча, форсча, хиндча ва туркий номлари ҳам кўрсатилган. Баъзи дориларнинг ўзбекча номлари ҳам берилган.

Китобнинг биринчи бўлими (мақоласи) яқка ҳолда ишлатиладиган дорилар ҳақида. Иккинчи бўлим—мураккаб дориларга бағишланган. Бу ерда бир неча хил моддаларни қўшиб тайёрланадиган дорилар, уларни тайёрлаш усули ва ишлатиш йўллари кўрсатиб берилган.

Бу қисмда ҳайвонлардан олинадиган дорилар ҳам баён этилган. Китобнинг учинчи бўлимида муаллиф қайси дорини ишлатиш кераклигини кўрсатиб беради. Бунда касалликнинг хили ва оғир-енгиллигига қараб, оддий ёки мураккаб дори ишлатиш кераклигини уқтиради. Шу бўлимда парҳез таомлар ҳам кўрсатилган. Китобнинг хотимасида муаллиф тиббий атамалар масаласига тўхталади.

Хусайн Бойқаро саройида яна бир табиб—Муҳаммад Хусайн Нурбахший Бахоуддавла ибн Миркивомиддин ҳам хизмат қилган эди. Бу олим табиблик билимини дастлаб Райда, сўнг Хиротда ўрганган. Хиротда у ўзининг машхур асари “Тажрибалар хулосаси”ни ёзганди. Асар дарслик сифатида тузилган бўлиб, талабаларга мўлжалланган. Унда касалларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш усуллари кўрсатилган.

Китобда муаллиф қадимги замоннинг машхур тиб олимларининг фикрларини ҳам келтиради. Шу билан бирга ўз шахсий кузатишлари натижаларини баён этади. У ўз тажрибаларига асосланиб, илгари табибларга маълум бўлмаган касалликларни келтиради. Масалан, у баҳорда учрайдиган аллергия иситма касаллигини биринчи бўлиб ёзган.

Нурбахший Бахоуддавла шарқ табибларидан биринчи бўлиб, болаларда учрайдиган кўкйўтал, оташак (заҳм) касалликлари ҳақида маълумот берган ва уларни даволаган.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, Ўрта Осиёда XV-XVII асрларда тиббиётнинг ривожланиши Алишер Навоий номи билан боғлиқ бўлган. Навоий ўзи табиб бўлмаса ҳам, тиббиётнинг ривожланишида жуда катта роль ўйнади ҳамда улуғ инсонпарвар олим ва давлат арбоби сифатида мамлакатда соғлиқни сақлаш ишларининг ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Навоийнинг ташаббуси билан мамлакатда ЗУУ дан ортиқ турли маданий-маиший бинолар, касалхоналар, дорихоналар, тиббий мактаблар барпо этилди. Айниқса, ўша вақтда пойтахт ролини ўйнаган Хиротда жуда кўп қурилиш ишлари амалга оширилган.

Тарихий маълумотларга кўра, Навоий ўша замондаги олимлар сингари тиббиётга оид китобларни мутолаа қилган.

Ўша вақтдаги мадрасаларда бошқа фанлар қаторида тиббий билимлардан ҳам дарс берилар эди. Бинобарин, Навоий мадрасада ўқир экан, тиббий билимларни

ҳам ўрганган. Бундан ташқари, Навоий ўқиган мадрасанинг бош муддариси—Фазлуллоҳ Абуллайсий—олим ва табиб бўлган. Бу олим Навоийга устоз бўлган. Буни унинг тиббиёт ва табиблар ҳақидаги фикрлари, мулоҳазалари ва хикматли сўзларидан билса бўлади.

Навоийнинг тиббиёт, табиблар ва саломатликни сақлаш ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари унинг машҳур “Махбуб ул қулуб”(“Қалблар севгилиси”) номли китобида баён этилган. Китобда бу масалага махсус боб (15-боб) бағишланган. Бу китоб олим ҳаётининг сўнгги йилларида, катта илмий ва ҳаётий тажрибага эга бўлган даврида ёзилган. Китобда асосан Навоийнинг сиёсий, ижтимоий, ахлоқий ва тарбиявий қарашлари баён этилган. Китобнинг асосий ғояси халқпарварлик, ҳаққонийлик, адолат ва фуқаро ҳақида ғамхўрлик қилишдан иборат. Навоийнинг фикрича, бу ғоялар айниқса, тиббиётда ўз ифодасини топиши зарур.

Навоий ўз асарларида саломатликни сақлаш ва бунда табибларнинг роли ҳақида фикр юритар экан, аввало табибнинг ўзи қандай одам бўлиши керак, деган масалага тўхталади. Унинг фикрича, табиб биринчи галда ўз касбини яхши эгаллаган мохир мутахассис бўлиши лозим, у раҳм-шавқатли, инсонпарвар бўлиши керак. Табиб донишмандларнинг маслаҳат ва тавсияларига амал қилиш лозим. У ёқимтой, дилкаш, хушмуомала, камтарин бўлиши даркор.

Тажрибасиз, чаласавод, нодон табибни Навоий жаллодга ўхшатади.

Навоий саломатлик ва хасталик ҳақида сўз юритар экан, шароб масаласига тўхталиб ўтади. Шаробни у заҳарга қиёс қилади ва ичкиликбозликка берилиш киши танасининг заифлашиб, касалга чалинишига сабаб бўлади дейди. Бундан ташқари, Навоий бошқа зарарли одатлардан (нашавандлик, қорадори истеъмол қилиш, шахвоний ишга берилиш ва ҳ.к.) ҳам сақланишни тавсия этади. Саломатликни сақлаш борасида Навоий биринчи ўринга тўғри ва сифатли овқатланишни қўяди. Бадхўрлик қилмасликни тавсия этади.

Навоий ўтмишнинг буюк табиблари ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларни билдирган. У Ибн Синога жуда юксак баҳо берган. Уни ақл-идрок ва тафаккур рамзи, деб атаган.

Навоий илм аҳллари жуда қадрлаб, юксакларга кўтарган уларга Нуҳ пайғамбарнинг умрини тилаган.

Навоийнинг ўзи табибларга хос хусусиятларга эга бўлган, ўзи келишган, сарвиқомат, зукко ва нозик табиатли одам бўлган. Бобур бундай деб ёзади: “Алишербек ўзининг нозик табиати билан ажралиб турарди, бу хусусият унга наслидан ўтгандир”.

Шундай қилиб, улуғ шоир тиббиёт масалаларида ҳам дурустгина билимдон киши бўлган. Аммо Навоийнинг амалий тиббиёт билан шуғуллангани маълум эмас.

Мовароуннахрнинг барча шаҳарларидан энг тажрибали табибларни таклиф этган. Касалхонанинг бош табиби вазифасига ўша вақтдаги йирик табиб ва олимлардан бири— Мавлоно Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Жалолиддин тайинланган. Навоийнинг кўрсатмаси билан касалхонага асосан камбағал-ночор беморлар қабул қилинган. Даволаш бепул бўлган. Бундан ташқари, камбағал, бева-бечораларга ҳар куни иссиқ овқат тарқатилган.

“Ихлосия” мадрасасида ўша вақтда энг кўзга кўринган олимлар мударрислик қилганлар. Улардан Амир Бурхониддин Атоуллох Найшапурий, Қози Ихтиёриддин Хасан Турбатий, Амир Муртазо, Мавлоно Фасихиддин Низомий каби олимлар айниқса, катта шуҳрат қозондилар.

Хиротда Шаҳристон ичида яна бир касалхона бўлган. Унга “Дор уш-шифо” (Даволаш маскани) деб ном берганлар. Бу шифохона ҳам Навоий қўл остида бўлган. Тарихчиларнинг ёзишича, бу шифохонани Абу Сайд Мирзонинг катта хотини Махди улиё қурдирган. Бу касалхонага бошлиқ қилиб, жуда тажрибали табиб ва олим Мавлоно Дарвиш Али тайинланган. Маълумотларга кўра, бу шифохонада асосан сарой амалдорлари даволанганлар.

Ҳар иккала шифохона шарқ архитектураси қоидаларига биноан жуда кўркам қилиб, Мадраса кўринишида қурилган. Шифохона ҳовлиси ва уни атрофида соясалқин дарахтлар, гуллар экилган. Ҳовузлар, фаворралар ишлаб турган. Шифохия айрим хужралар (палаталар), табиблар хонаси, ошхона ва бошқа ёрдамчи хоналардан иборат бўлган. Хужраларга беморлар касаллик хилига қараб, жойлаштирилган. Масалан, кўз касаллиги билан оғирган беморлар хужраси, жарроҳлик касалликлари учун хужра ва умумий хужралар бўлган.

Машҳур тарихчи Хондамир (Ғиёсиддин ибн Хумомиддин)нинг ёзишича, касалхоналарда даволаш ишлари ва талабаларни ўқитиш сифати юксак даражада бўлган. Мударрислар қаторида моҳир жарроҳлар ҳам бўлган. Шулардан бири—Шайх Хусайн эди. Маълумотларга кўра, у шу қадар моҳир бўлганки, бир вақт 18 жойдан пичоқ еган нафкарнинг жарроҳатларни муваффақиятли тикиб, уни соғайтириб юборган.

Навоий барпо этган “Шифохия” касалхонаси ва “Ихлосия” мадрасасининг шуҳрати ўша вақтдаёқ бутун Шарққа ёйилган эди. Бу ерга бошқа мамлакатлардан кўплаб талабалар келиб, билим олишган ва мутахассис бўлиб, ўз юртларига қайтишган. Демак, Навоий замонасида тиббий билимлар ва амалий тиббиёт юксак даражада ривож топган.

Навоий ёмон урф-одатларини, битъат ва хурофотга бутунлай қарши эди. У Астрободдан ёзган бир хатида Хусайн Бойқародан Хиротда кўпайиб кетган. Ишратхоналарни, қиморхоналарни, ичкиликхоналарни ёпишни, бозорларни тафтиш остига олишни, нарҳ-наво тартибга солишни, бозорда сотиладиган озиқ-овқатлар ва меваларнинг сифатини текшириб туришни талаб этади. Бундай

Навоий кераксиз муассаларни ёпиш ҳисобига мактаб, Мадраса, касалхоналар ва кутубхоналани кўпайтиришни тавсия қилади.

Навоий олимлар, шоирлар, санъаткорлар ва барча маданият аҳлини жуда қўллаб-қувватлаб эди, доимо улар ҳақида ғамхўрлик қиларди.

Навоийнинг хомийлиги остида ўша замонда Хирот, Самарқанд, Бухоро, Марв, Тошкент ва бошқа шаҳарларда ўнлаб олимлар, санъаткорлар, шоирлар ва табиблар ижод қилдилар. Ўша даврида (15 аср) яшаган табиблардан Муҳаммад Мойин, Қутбиддин Одам, Ғиёсиддин Муҳаммад Дарвиш Али, Муҳаммад табиб, Абдалхай Туний, Низомиддин Абдулхай, Султон Мурод, Шох Хусайн, Шомий табиб кабиларни кўрсатиш мумкин.

Муҳаммад Мойин йирик табиблардан бўлган. У “Шифохия” касалхонасида хизмат қилган ва шу ердаги тиббий мактабда дарс берган. Подшоҳ ҳарамдагилар ҳам шу табибда даволанишган.

Қутбиддин Одам Хуросоннинг энг машҳур табибларидан бўлган. Уни хатто Шарқнинг Жолинуси деб атаганлар. У ҳам “Шифохия” касалхонасида хизмат қилган.

Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Жалололдинга Навоий жуда юксак баҳо берган. У “Шифохия” касалхонасида бош табиб вазифасини бажарган. Ҳам тиббий мактабда тиб илмидан дарс берган. Олим тиббиётдан бошқа фанларни ҳам яхши билган. Ғиёсиддин Муҳаммад Илоқийнинг “Илоқий давоси” ва Нафис ибн Авазнинг “Қисқа шарҳ” асарларига хошия ёзган.

Дарвиш Али табиб ўзининг ўткир зеҳни, юксак даражада маданиятлилиги, нозик табияти ва хушмуомалиги билан бошқалардан ажралиб турган. У жуда мушоҳадали бўлган. Шу сабабли касалликларни аниқлаш ва даволаш усулларига бир қанча янгилик киритган. Навоийнинг таъбирича Дарвиш Али ўша замоннинг илғор ва билимдон табибларидан бўлган. Бу олим Хирот ичкарасидаги “Дор уш-шифо”да хизмат қилган ва сарой амалдорларини даволаган. Дарвиш Алининг “Кишиларга эслатма” номли тиббий асари мавжуд. Бу асарда муаллиф саломатликни сақлаш ва касалликларни даволаш ҳақида сўз юритади.

Абдулхай табиб Туний тажрибали табиб бўлган, ўткир зеҳни ва қобилияти билан ажралиб турган, камтарин одам бўлган. Аммо, бу табиб шароб ичишга берилиб кетиб олимлар олаmidан узоқлашиб қолган.

Низомиддин Яхё Абдулхай табиб ўз замонасининг машҳур кишиларидан бўлган, ўзининг чуқур билими ва тажрибалари билан бошқалардан ажралиб турган. У сарой хизматидаги табиблардан бири бўлган.

Хозик Султон Мурод табиб ҳам жуда шуҳрат қозонган. У чуқур билим ва катта тажрибага эга бўлган.

Шох Хусайн биз айтиб ўтканимиздек машҳур жарроҳ бўлган. Мусулмон Шарқи мамлакатларида одам анатомияси ўқитилмагани сабабли жарроҳлик яхши

ривожланмаган бўлса ҳам, айрим табиблар яхши жарроҳ бўлиб ечишганлар. Шох Хусайн шулардан бири эди.

Шох Хусайн беморни операция қилишда оғриқсизлантирувчи модда ишлатган. Операция қилинган жойни тикишда қўй ичагидан тайёрланган тор (ип) ишлатган.

Шомий табиб аввал корилик қилган, сўнг табиблик касбини эгаллаган. Бу табиб ҳақида Навоий бундай деб ёзган эди:

Мавлоно Шомий аввал рухоний бўлмоқчи эди. Аммо у тиббиётни ўргана бошлади ва ниҳоят табиб бўлиб етишди. Бу соҳада у яхши билим ва тажриба орттирди.

Булардан ташқари, Хуросон ва Моваруннахрнинг бошқа шаҳарларида ҳам ўнларча табиблар яшаганлар.

Хиротда дорихоналар ҳам бўлган. Шулардан бири ҳақида Навоий маълумот беради—дорихонада табибларнинг рецепти бўйича беморларга дори тайёрлаб берилар экан. Бу ерда тиббий талабалар дори тайёрлаш усуллари ўрганган. Улар ўз муаллимлари билан тоғ ва далаларга чиқиб, доривор ўсимликларни йиғиб келар эканлар.

Темурийлар авлодининг охириги намояндаларидан бири—буюк ўзбек шоири ва давлат арбоби—Заҳириддин Муҳаммад Бобур эди. У 16 аср бошида мамлакатга Шайбонихон қўшинлари бостириб келгандан сўнг, Ҳиндистонга ўтиб кетиб, у ерда ўз давлатини барпо этди. Тарихда бу давлат улуғ муғуллар сулоласи номи билан маълум.

Бобур илм-фан ва маърифатга катта аҳамият беради. Олим, шоир ва санъат аҳллари доимо қўллаб-қувватлар, уларга саройдан жой бериб, ижодий фаолиятлари учун яхши шароит яратиб берган эди.

Бобур саройидаги фозиллар каторида йирик тиббиёт олимлари ҳам бор эди. Шулардан бири ўша замонда кўзга кўринган табиблардан Юсуф ибн Муҳаммад ибн Юсуф ал-Харавийдир. Бу табиб “Юсуфий” номи билан танилган.

Юсуф табиб Хуросоннинг Хоф шаҳрида табиб оиласида дунёга келган. Туғилган йили маълум эмас, вафоти 1514 йил.

Юсуф табиб дастлабки таълимни ва табиблик касбини ўз отаси бўлмиш Муҳаммад ибн Юсуф табибдан ўрганган. У кўп олим ва фозиллар билан мулоқотда булар, улардан кўп нарсалар ўрганар ва ўз билим ва тажрибаларини ҳам улар билан баҳам кўрар эди.

Юсуф табиб шеърятга жуда қизиққан. У “Юсуфий” тахаллуси билан шеърлар ёзар эди. Ўзининг кўп тиббий асарларини шеърий услубида ёзган.

Юсуфий мураккаб йўлни босиб ўтди. У кўп шаҳарларга саёҳат қилди. Ўзи борган шаҳарлардаги олимлар билан мулоқотда бўлар, мамлакатнинг ҳаёти ва табиати билан танишар эди. Тиббиёт соҳасида қандай янгиликлар бўлса, уларни

ўзлаштириб олишга интиларди. У умрининг охирини Ҳиндистонда ўтказди. Уни Бобур ўз саройига таклиф этган эди.

Юсуф табиб тиб илмига оид кўпгина асар ёзган эди. Биринчи асарини олим ҳали ёш пайтида ёзган эди. Бу асар “Овқат ва ичимликлар ҳақида рисола” деб аталган. Асарда муаллиф нормал овқатланиш тартиби ва суюқликларни истеъмол қилиш қоидаларини кўрсатади. Бу китобнинг қиммати шундаки, унда муаллиф овқатланишда ўрганилган шартли рефлексларга риоя қилиш зарурлигини таъкидлайди. Чунончи, киши бир кунда неча марта ва қайси соатларда овқатланишга ўрганган бўлса, шу режимни бузмасликни тавсия қилади.

Кейинги асари—“Мурувватли кишиларга фойда келтириш”. Китобда тиббиёт масалалари кенгроқ қамраб олинган. Энг муҳими, унда соғлиқни сақлаш масалалари баён этилганлигидир. Муаллиф касаллигини келиб чиқиши ва ривожланиши масаласида ўша замон тушунчасига мувофиқ организмдаги тўрт суюқлик—қон, сафро, савдо ва хилт назариясига асосланади.

Юсуф табибнинг энг машҳур асари “Касалликларни даволаш” дир. Бу асарда организмдаги барча аъзоларнинг касалликлари, уларни аниқлаш ва даволаш тадбирлари баён этилган. Асарда аввал бош мия касалликлари баён этилади, сўнг қуйи аъзоларга ўтилади. Бош мия касаллигига тўхтаб, муаллиф бемор руҳи ўзгаришини ҳам эслаб ўтади. Мияга қон қуйилиши (инсулт) ҳақида ҳам фикр юритилган. Бу вақтда қон олиш зарурлиги курсатилган, захм касаллигини аниқлаган. У касалликда таносил аъзоларининг зарарланишини кўрсатди ва бу касалликни даволашда симоб препаратларини ишлатган. Заҳм касаллиги жинсий алоқа орқали юқишини кўрсатган.

Китобнинг дастлабки нусхаси мураккаброқ ёзилган бўлиб, тушунишга қийин эди. Кўпчилик табибларнинг илтимосига кўра, муаллиф ўз китобини қайтадан ёзиб, унинг қийин жойларига шарҳ ёзди. Хусусан, касалларни даволашда ишлатиладиган мураккаб дориларни аниқ тушунтириб берди. Китобнинг номини ўзгартириб, уни “Нафиъ тўплами” деб атади. Бу китобни хинд табиблари ўз тилларига таржима қилиб, уни “Юсуф тиббиёти” деб атадилар. Китоб 1882 йилда хоразмлик табиб Муҳаммад Амин ибн Муҳаммад Захирхўжа ал-Хусайни томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Ўзи асли Ўрта Осиёлик бўлиб, Ҳиндистонга бориб, ўша ерда яшаб, ижод қилган машҳур табиблардан яна бири— Шахобиддин табиб ибн Абдулкарим эди. Туғилган ва вафот этган йили аниқ эмас. Шахобиддин табиб дастлаб хаттотлик, котиблик ва бошқаларнинг китобини кўчириш билан шуғулланган. Дехқончилик ҳам қилган. Кейинчалик тиббиётга қизиқиб, унга оид кўп китоблар ўқиган. Шарқ тиб олимларининг асарларидан ташқари Юнонистон ва Рим олимларининг ҳам асарларини қунт билан ўрганади. Касалларни синчковлик билан кўздан кечиради ва тажрибалар ўтказади, ҳар хил дориларни синаб кўради.

Бу табиб камбағал ва етим-есирларни бепул даволаган. У жуда жонкуяр одам эди.

Шаҳобиддин табибдан унчалик катта илмий мерос қолмаган. Бизга унинг асосан “Касалликлар давоси” номли асари маълум. Бу асар назм услубида ёзилган. Кейинчалик у “Шаҳобий табобати” деб атала бошлаган. Асар 1389 йилда ёзиб тугатилган. Китобда касалликларнинг сабаблари, белгилари, уларни аниқлаш усуллари ва даво тадбирлар баён этилган. Олим ичак паразитларини ҳам яхши билган ва уларни ҳайдаш усулларини кўрсатган. Ниҳоят, олим саломатликни сақлаш тадбирларига тўхталади. Бу масалада у дастлаб овқат режимига риоя қилишни тавсия этади. Иккинчи ўринда жисмоний машғулотларни кўрсатади.

Шундай қилиб, ҳозирги Ўзбекистон худудида темурийлар даврида тиббиёт анча юксак даражага кўтарилди. Шаҳарларда касалхоналар, тиббий мактаблар, кутубхоналар қурилди. Ўнлаб машҳур табиблар етишиб чиқди. Улар беморларни даволаш билан бир қаторда тиббий мактабларда талабаларни ўқитганлар. Тиббиёт бошқа фанлар сингари Улуғбек, ва Хусайн Бойқаро замонасида айниқса юксак даражада ривожланди.

### **Мавзу №8: Ўзбек хонликлари даври тиббиёти, буюк намоёндаларининг ҳаёти ва ижоди.**

Темурийлар сулоласи XV аср охирига келиб, тушкунликка учради. Сиёсий ҳокимият заифлашди, иқтисодий ҳаёт издан чиқди. 15У6 йилда охириги темурийлардан бўлган Хусайн Бойқаро вафот этди. Заҳриддин Бобур Ватанни тарк этиб, Ҳиндистонга ўтиб кетди. Мовароуннаҳрда ягона давлат тузиш қўлидан келадиган куч қолмади. Тож-тахт учун олиб борилган тўхтовсиз урушлар ва чеки йўқ ҳар хил солиқлардан тинкаси қуриган халқ охириги темурийларни қўллаб-қувватламади. XVII аср бошида Мовароуннаҳрни Шайбонийхон қўшинлари забт этдилар.

Шайбонийхон одамлари ўзларини биз ўзбеклармиз, деб атардилар. Улар бу ердаги маҳаллий ўзбеклар (туркий халқлар) билан аралашиб кетиб, янги давлатни-ўзбек хонлигини барпо этдилар.

Шайбонийхон Самарқандни ўз давлатининг пойтахти, деб эълон қилди. Бухорони укаси Маҳмуд Султонга берди. Тошкент ва унинг атрофидаги ерларни қариндошларига (Кўчкунчи Султон Ва Суйинчи Хўжага) бўлиб берди. Сўнг у Хуросон ва Хоразмни босиб олди. Хуросонга ўз ўғли Темур Султонни ҳоким қилиб қўйди. Шундай қилиб, Шайбонийлар сулоласи пайдо бўлди. Бу сулоланинг асосчиси Шайбонийхон анча билимдон одам эди. У адабиёт ва санъатга кизиқар, бу соҳа аҳлларини қўллаб –қувватларди. Темурийларга тақлид қилиб, мамлакатда иқтисодий ҳаёт, фан ва маданиятни ривожлантиришга интилди. Бу борада у баъзи тадбирларни ҳам амалга оширди. Аммо темурийлар шон-шуҳратга ета олмади.



Дастлабки йилларда эса ҳарбий тўполонлар натижасида мамлакат кўшимча вайронагарчиликларга учраган эди. Шайбонийхон аскарлари босиб олинган шаҳарларни талон-тарож қилардилар. Бунинг натижасида халқ хонавайрон бўлар, халқ ўртасида турли касалликлар тарқалиб кетар, минглаб кишилар ҳалок бўлар эдилар. Тарихда бу даврда бир неча бор эпидемиялар тарқалиб кетганлиги маълум.

Давлат барқарор топгандан кейин Шайбонийхон хўжалик ҳаётини тартибга солишга қаратилган баъзи тадбирларни амалга оширди. Сунъий суғориш иншоотлари тикланди, ердан фойдаланиш қоидалари ҳақида махсус қонун қабул қилинди. Вақф ерлари масаласи тартибга солинди. Бу тадбирлар аҳолига бир қадар янгиликлар келтирди, халқнинг аҳволи яхшиланди. Маданий ҳаёт юксала бошлади. Бунда бир ходиса – ўлкада қоғоз ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилганлиги катта роль ўйнади. Самарқандда ишлаб чиқариладиган «Султоний» ва «Мириброхимий» маркали қоғозлар дун бозорида юксак баҳоланарди.

Мовароуннаҳр бошқа қўшни мамлакатлар билан савдо-сотик ва маданий алоқа ўрнатди. Бу ерда ишлаб чиқилган ип-газламалар. Гиламлар, қуруллар чет элларга сотиларди. Масалан, Ўрта Осиё ўша вақтда Хитой, Ҳиндистон Эрон ва қадимги Рус давлати билан савдо-сотик ишлари олиб борарди. Чет эллардан, хусусан, Хитой ва Ҳиндистон ой, қора мурч, ҳар хил зираворлар келтирилди. Москва давлатидан мўйна, тери, мум, асал ва баъзи металл буюмлар келтириб сотиларди. Ўша даврда ўзбек хонликлари айрим давлатлар билан дипломатик алоқалар ҳам боғлаган эдилар.

Мамлакатда каттагина қурилиш ишлари олиб борилди. Улар қаторида карвонсаройлар, сардоблар, ҳаммомлар, касалхоналар ҳам бор эди. Бу қурилишлар мамлакатнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим роль ўйнади. Муҳими шундаки, бу вақтга келиб, ўзбек тилида ёзилган китоблар пайдо бўла бошлади. Булардан биринчиси машҳур «Бобурнома» эди. Ўзбек тилида машҳур олимларнинг асарлари таржима қилина бошлади.

Шайбонийлар ҳукмронлик қилган даврда (ХВИ аср) мамлакатда тиббиёт анчагина ривожланди. Деярли ҳар бир шаҳарда касалхона, ногиронлар уйи. Дорихона, тиббий мактаблар бўларди. Масалан, ХВИ аср ўртасида Тошкентнинг кўркем чеккасида, «Чорбоғ» деган жойда махсус касалхона («Шифохона») қурилганлиги маълум. Бу ерда беморлар ва ярадорлар даволанганлар. Касалхоналарда тажрибали табиблар ишлардилар. Улар талабаларга тиб илмидан дарс ҳам берардилар. Чуқур билимли бу табиблар тибга оид асарлар ҳам ёзганлар.

Шайбонийлар даврида Ўзбекистон ҳудудида яшаган йирик табиблардан бизга Муҳаммад Ҳусайн Мирокӣ ас-Самарқандий, Шоҳ Али ибн Сулаймон ал – Каҳҳол, Султон Али Хуросоний, тошкентлик Мулло Муҳаммад Юсуф табиб,

Убайдулла ибн Юсуф Али ал-Каҳҳол, Мир Муҳаммад Хусайн ал-Оқилийлар маълум.

Муҳаммад Хусайн ал-Мироқий ас-Самарқандий 1545 йилда доришуносликка оид катта бир асар ёзиб, унда ҳар хил шифобахш ўсимликларнинг хоссалари, уларни излаб топиш, дори тайёрлаш ва ишлатиш усулларини батафсил баён этган. Китобда турли доривор ўсимликларнинг рангли расмлари берилган, дорихонада ишлатиладиган асбоб-ускуналар, дори сақланадиган идишларнинг расмлари ҳам келтирилган.

Муҳаммад Хусайн Мироқийнинг бу китоби дорихона ходимлари учун дастур ролини бажарган. Ундан табиблар ҳам фойдаланганлар, чунки улар кўпинча ўз беморларига дорини ўзлари тайёрлаб берардилар.

Шоҳ Али ибн Сулаймон ал-Каҳҳол асли тошкентлик бўлиб, Каҳҳол, яъни кўз табиби эди. Бу соҳада у энг кўзга кўринган мутахассис ҳисобланарди.

Шоҳ Али ибн Сулаймон ҳам кўп табибларга ўхшаб, ўз асарларини шеърӣ услубда ёзган. Масалан, унинг «Каҳҳолик санъатига бағишланган рисола» асари шеърӣ усулда ёзилган. Асарда кўзнинг тузилиши, кўз касалликларининг келиб чиқиши, уларни аниқлаш ва даволаш масалалари баён этилган ва бу касалликлар учун маҳсус дори тайёрлаш усуллари ҳам кўрсатилган.

Султон Али Хуросоний Самарқанд ҳокими Абу Мансур Кучкинаҳон саройида хизмат қилган. Бу муаллифнинг бизга маълум ва машҳур асари «Даволаш дастури»дир. Асарда киши организмнинг барча аъзолари касалликларини бошдан бошлаб, оёққача батафсил баён этади. Султон Али Хуросонийнинг бундан бошқа «Муқаддимаи дастур ул-илож» номли асари ҳам бўлган. Бу асар кўпинча оддийгина қилиб «Муқаддима» деб аталиб келинган. Муаллиф «Муқаддима» га олдинги асарга қирмай қолган баъзи масалаларни киритган. «Муқаддима»нинг муҳим томони шундан иборатки. Унда саломатликни сақлаш учун қандай тадбирларни амалга ошириб юриш усуллари кўрсатилган.

Мулла Муҳаммад Юсуф табиб тошкентлик Каҳҳол бўлган. Бу табиб кўз касалликларидан ташқари бошқа касалликларини ҳам яхши билган. Уни Самарқанд ҳокимларидан Абдуллатифхон ўзига шахсий табиб қилиб тайинлаган. Муҳаммад Юсуф табибнинг иситмали касалликларга бағишланган «Иситмаларни аниқлаш» «Томир ва пешоб ҳақида рисола» номли асари ҳам маълум. Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, биринчисида томир уришининг йил фасли. Кишининг руҳияти ва касалликнинг турига қараб ўзгариши баён этилса, иккинчисида сўз пешобга қараб касалликларни аниқлаш усули баён этилади.

Муаллифнинг кўз касаллигига бағишланган «кўз табибининг афзаллиги» номли китоби ҳам мавжуд асарда кўз касалликлари ва уларнинг белгиларини

ташқи томондан туриб белгилаш усулини кўрсатган, даволаш усулларини баён этган.

Убайдулла ибн Юсуф Али ал-Каҳҳол ҳам тошкентлик кўзга кўринган табиблардан бўлган. Бу табиб Тошкент хокими – Муҳаммад Дарвиш Баходирхон саройида хизмат қилган.

Убайдулла Али ал-Каҳҳолнинг машҳур асари «Касалларни даволаш»дир. Асар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчисида барча аъзоларда учрайдиган касалликлар баён этилса, иккинчиси турли хил мураккаб дориларга бағишланган.

Муҳаммад Оқилий (Мир Муҳаммад Ҳусайн ал-Оқилий) ҳам табиблар оиласидан бўлган. Асли ўзи Хуросонлик эди. Лекин Машҳадда яшаган. Муҳаммад Оқилий ўз касбини яхши эгаллаган мутахассис табиб бўлган. Олимнинг тибга оид бир неча асари бор. Шулардан бизга маълуми «Дорилар ҳазинаси» ва «Корабодин» (фармакопея) номли асарларидир. Муаллиф «Дорилар ҳазинаси» асарида турли касалликлар, уларнинг белгилари, диагностика ва даволаш усулларини баён этган. Китобда органларнинг юнонча, арабча ва туркча (ўзбекча) номлари берилган. «Фармакопея» да эса ҳар хил дори моддалари, уларнинг тайёрлаш ва ишлатиш йўллари кўрсатилган. Муҳаммад Оқилийнинг китоблари Ўзбекистонда кенг тарқалган эди.

ХВИ асрнинг охирига келиб ўзаро урушлар натижасида Шайбонийлар давлати заифлашиб қолди. Бу вақтда жанубда Эрон шоҳлари мамлакатга таҳдид сола бошладилар. Шимолда эса рус подшоҳидан мадад олган қозоқ хонлари ҳужум бошладилар. Охирги шайбонийлардан бири- Абдулмўмин мамлакатни бирлаштиришга уриниб кўрди. Аммо айрим вилоятларнинг беклари уни қўллаб-қувватламадилар. Аксинча, улар душманлар билан келишиш йўлини тутдилар. Абдулмўмин ўлдирилди. Бу билан шайбонийлар сулоласи ҳам тугади.

1599 йилда Мовароуннаҳрнинг хони қилиб, Коки Муҳаммад сайланди. У бошқа ўзбек қабиласидан- аштархонийлардан эди. Шундай қилиб, Аштархонийлар сулоласига асос солинди. Булар ҳам мамлакатдаги парчаланиб кетиш жараёнини тўхтата олмадилар. Марказдан четланиш тенденцияси кучли бўлиб чиқди. Ўлка ва вилоятларнинг бошлиқлари кўпинча марказий ҳукуматга бўйсунисдан бош тортар эдилар. Бундан ташқари, давлат ишларида рухонийлар ўз таъсирларини борган сари кучлироқ ўтказа бошладилар. Марказий ҳукумат бошлиғи шайх ва уламолар ҳамда вилоят ҳокимларининг иштирокисиз бирор муҳим ишини амалга ошира олмади. Шунинг учун мамлакатнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида кўзга кўринарли ўзгариш юз бермади. Сиёсий ҳаётда ўзаро урушлар давом этди.

Урушлар кўп маблағ талаб этар эди. Уни қоплаш учун фуқаролар янги-янги солиқлар солинарди. Оиладаги йигитлар аскарликка олиб кетиларди. Далаларда экинлар экилмай қолар, экилганлари эса йиғиштирилмай, қолиб кетарди.

Шуларнинг ҳаммаси аҳолини янада қашшоқлаштирар, унинг аҳволини оғирлаштириб, мадорини қуритарди. Бунинг натижасида организм заифлашиб, турли касалликларга чалинарди. Биз юқорида тез-тез эпидемиялар тарқалиб турганлигини ёзган эдик. Бу ҳол Аштархонийлар даврида ҳам давом этди.

Шундай қилиб, Аштархонийлар ҳукмронлик қилган даврда Мовароуннаҳрда иқтисодий ва маданий ҳаёт соҳасида унчалик силжиш кўринмади. Бундан тиббиёт истисно эди. Бу соҳада зарурат бўлганлиги учун баъзи бир силжиш аломатлари кўринди. Айрим шаҳарларда касалхоналар барпо этилди, уларда беморларни даволаш билан бирга талабалар ҳам ўқитиларди.

Бу вақтдаги кўзга кўринган табиблардан бири –Субҳоқулихон (Сайид Муҳаммад Субҳонқулихон ибн Сайиднодир Муҳаммадхон) дир. Субҳонқулихон Бухоро амири эди. У ҳар хил фанлар билан қизиққан, айниқса, тиббиёт билан кўпроқ шуғулланган. Субҳонқулихон саройда табибларни йиғиб, табобат борасида илмий анжуманлар ўтказиб турарди. Субҳонқулихоннинг амалий тиббиёт билан шуғуллангани маълум эмас, аммо тибга оид иккита асари борлиги маълум. Булар «Субҳон тиббиёти» ва «Субҳоннинг ҳаётбахш тиббиёти»дир. Бу китоблар ўзбек (туркий) тилда ёзилган.

«Субҳон тиббиёти» да муаллиф осон, тушунарли қилиб ҳар хил касалликларни аниқлаш ва даволаш ҳақида сўз юритади. Китоб унчалик аниқлаш ва даволаш унда тиббиётнинг асосий масалалари қисқа, лекин аниқ баён этилган.

«Субҳоннинг ҳаётбахш тиббиёти» («Ихъё ут-тибби Субҳоний») эса асосан дориларга бағишланган. Китоб 8 қисмдан иборат. Ҳар бир қисмда дориларнинг сифати, тайёрланиши ва ишлатилишига оид айрим масалалар ёритилган. Субҳонқулихоннинг китоблари ўзбек тилида ёзилган биринчи тиббий асарлар сифатида тиббиёт тарихида муҳим ўрин тутди. Китобнинг ўзбек тилида ёзилиши ҳақида муаллиф бундай деб ёзган эди: «Ўтмишдаги табиблар бизга араб ва форс тилларида ёзилган асарлар қолдирганлар. Мен турк (ўзбек) тилида ёзилган тиббий китоб учратмадим. Маҳаллий аҳолини араб ва форс тилида ёзилган китоблардан фойдалана олмайди. Шунинг учун мен ўз китобимни турк (ўзбек) тилида ёздимки, ундан ўзимизнинг одамлар фойдалансинлар».

Субҳонқулихон мамлакат бошлиғи сифатида фуқаро соғлиғини сақлаш ишига маълум даражада эътибор берган. Маълумки, Ўрта Осиё шароитида ёзнинг иссиқ кунларида аҳоли ўртасида ич кетиш касаллиги кўпаяди. Шунинг олдини олиш учун Субҳоқулихон нонвойлар нон юзига кунжут уруғи сепиб ёпсинлар, деган фармон чиқарди. Кунжут аввало ўзи хушбуй хидли, ёқимли, иккинчидан эса у ич кетишини тўхтатади. Фармон билан бошланган бу тадбир ҳозир одат тусига кирган.

Субҳоқулихоннинг фармони билан 1682 йилда Бухорода касалхона барпо этилди. У «Шифо берувчи манзил» деб аталарди. Касалхона мадраса кўришинида

қурилган. У 18 хужра (палат) дан иборат бўлган. Касалхона комплексига тиббий мактаб ва кутубхона ҳам кирган. Касалхона ва тиббий мактабга (мадрасага) ўша замоннинг кўзга кўринган олимларидан Мавлоно Мирқосим Ҳаким раҳбарлик қилган. Бухоро мадрасасида табиблардан яна Хожа Амин Раис. Охунд Мулло Абдуғафур Ҳаким, Хожа Ёқублар хизмат қилар эдилар.

Мадраса кутубхонаси китобга жуда бой бўлган. Афтидан, Субхонқулихоннинг ўзи ҳам кутубхонага тез-тез кириб турган бўлса керакки, бу ердаги китобларга жуда қизиқиб қолган. У кутубхона ходимларига китобларни тартибга солишни ва баъзи муҳимларини таржима қилишни буюрган. Шулар қаторида машҳур олим Юсуф табибнинг «Тибби Юсуфий» ва «Неъматуллох ибн Фаҳриддин Муборакшоҳ Ҳакимнинг «Хосиятлар денгизи» номли китоблари ҳам бор.

Касалхона маблағи давлат ҳисобидан ажратилган. У вақф ерлар ва бошқа манбалардан таъминланган.

Кичик шифохонада ётиб даволанишлари зарур бўлмаган беморлар даволанган. Касалхона дорихонаси табибларнинг рецепти билан беморларга дори тайёрлаб берган. Дорихонада икки доришунос хизмат қилган. Тиббий мактаб талабалари мадраса хонакоҳида яшаганлар. Улар маош (стипендиялар) билан таъмин этилган.

Кутубхонада тибга оид китоблар кўп бўлган. Шулар жумласидан Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китоби ва бошқа машҳур табибларнинг асарлари бўлган.

Шундай қилиб, Субхонқулихон тиббиёт ишини анча ривожлантирди.

Ўзбекистон тиббиёти тарихида яна бир давлат арбоби тиб илми билан шуғулланган. Бу Хоразм хони Абулғозихондир.

**Абулғозихон** (Абулғози ибн Абулмуҳаммадхон Хоразмий 16У5-1664) тарих, риёзиёт, адабиёт ва тиббиёт соҳасида чуқур билим ва тажрибага эга бўлган. У ўзи ҳукмронлик қилган даврда мамлакатда ободончилик ишларига катта аҳамият берган. Мадрасаларда турли билимларни ўқитишни анча яхшилаган. Ўзи ҳам тарих, адабиётга оид бир қанча асар ёзган. Абулғозихоннинг тибга оид китоби «Инсонга фойдали китоб» деб аталган. Абулғозихон ҳам бу асарни ўзбек тилида ёзган, сўнг у форс тилига таржима қилинган.

Бу асар 4 қисмдан иборат. Биринчи қисмда оддий дориларнинг хоссалари, уларни тайёрлаш ва ишлатиш усуллари баён этилган. Иккинчи қисм- мураккаб дориларга бағишланган. Бу қисмда мураккаб дориларни тайёрлаш, сақлаш, ишлатиш усуллари ёритилган. Учинчи қисмда тиббиётда кўп ишлатиладиган умумий дорилар ҳақида сўз юритилади.

Китобнинг тўртинчи қисми –тиббиётнинг умумий назарий ва амалий масалаларида бошқа табибларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳам келтиради ва ўз

фикр-мулоҳазалари билан хулоса чиқаради. Абулғозихоннинг китоби табиблар ўртасида кенг тарқалган ва ундан кўп табиблар фойдаланганлар.

Ўша даврда Марвда Саййид Муҳаммад Хасрат исмли шоир ва табиб яшаган. У асли Машҳадлик эди. Шу ерда билим олди, тарих, адабиёт ва тиббиётни ўрганди. Хасрат кўпроқ тиббиётга мойил эди. У кўп машҳур табиблардан сабоқ олган, улар кўлида хизмат қилиб, тажриба орттирган. Кўп мамлакатларга саёҳат қилган. Масалан, у Туркия, Ҳиндистон, Ироқ каби мамлакатларда бўлган ва Марв шаҳрига келиб, шу ерда умрининг охиригача яшаган.

Саййид Муҳаммад Хасрат тибга оид бир неча асар ёзган. Улардан энг машҳури «Сихатлик назми» дир. Бу китоб ўз номига кўра, шеърий усулда ёзилган. Китобда асосан мизожлар, хилтлар, овқат маҳсулотлари ва уларнинг саломатликка таъсири баён этилган. Овқат маҳсулотларидан: тухум, гўшт, парранда гўшти ҳақида маълумот берилган. Овқатнинг киши саломатлигида қандай роль ўйнаши кўрсатилган. Бунда асосан унинг «иссиқлик» ёки «совуқлик» хусусияти кўрсатилган. Саййид Хасрат табиблар беморга дори ва овқат тавсия этганларида уларнинг қандай хусусиятга эга эканлигини ҳисобга олиши керак, дейди. Бунга ўзи мисол келтиради. Масалан, тухум ҳақида сўзлар экан, энг яхши тухум товук тухуми эканлигини кўрсатади. Хасратнинг фикрича, товук тухумининг сариғи «иссиқлик», оқи эса «совуқлик» хусусиятига эга. Ёнғок «иссиқ» ва «куруқ» хусусиятга эга. Ёнғок жигар, талоқ ва меъда касалликларида яхши фойда келтиради.

«Сихатлик назми» Марв ҳокими Байрамхонга бағишланган эди. Хасратнинг иккинчи китоби «Тухфаи Ҳусайний» Байрамхоннинг ўғли Ҳусайнга бағишланган. Бу китобда оддий (якка) дорилар баён этилган, уларнинг «иссиқлик ва совуқлик» хусусиятлари кўрсатилган.

Шундай қилиб, Сайид Муҳаммад Ҳасрат тиббиёт ҳақидаги ўз фикр ва мулоҳазаларида бошқа табиблар сингари мизожлар назариясига асосланади.

Субхонқулихон вафотидан кейин (17У2 йили) мамлакат янада кичикроқ хонликларга бўлиниб кетди. ХВИИИ асрнинг бошида (171У йил) Фарғонада (Қўқонда) мустақил хонлик пайдо бўлди. Ўзбекларнинг минг қабиласи бошлиғи Шоҳруҳбий янги хонлик тузди. Балх вилояти ва Бухородан ажралиб чиқди. Хоразм ҳам яна мустақилликка эришди. Самарқанд ҳокими ҳам ўзини мустақил деб эълон қилди. Шундай қилиб, ХВИИИ асрга келиб, Мовароуннаҳр ва Хуросонда бир неча мустақил хонликлар пайдо бўлди. Шулардан учтаси - Қўқон ва Хоразм хонликлари ва Бухоро амирлиги ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида эди. Булар ўртасида тез-тез тўқнашувлар, урушлар бўлиб турарди. Бунинг натижасида мамлакатда тушкунлик, ҳаробалик вужудга келарди.

## **Мавзу №9: Сўнги ўзбек хонликлари даври тиббиёти, буюк намоёндоларининг ҳаёти ва ижоди.**

1753 йилда Бухоро хонлиги ўзбекларнинг мангит қабиласидан бўлган Муҳаммад Раҳим қўлига ўтди. Бухоро аста-секин фан ва маданият марказидан диний марказга айлана борди. Руҳонийлар давлат ҳаётининг ҳамма соҳаларини ўз қўлларига ола бошладилар. Ўқиш-ўқитиш ва суд ишлари тамомила улар қўлига ўтди. Бутун маънавий ҳаёт шариат қоидаларига бўйсундирилди. Мадрасалардан дунёий фанлар олиб ташланди, фақат диний ўқитиш усули сақлаб қолинди, тиббий илмлар ҳам ўқитилмай қўйилди. Шундай қилиб, умумий чекиниш тўлқинида тиббиёт ҳам турғунликни бошидан кечира бошлади. Касалхоналар йўқ бўлиб кетди. Хон ва амирлар фуқарони эсдан чиқардилар. Улар айш-ишратга берилиб кетиб, мамлакат ҳаёти, ободончилик ишлари билан шуғулланмай қўйдилар. Шундай қилиб, мамлакатда иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида, шу жумладан, тиббиёт соҳасида ҳам сезиларли силжиш бўлмади. Аксинча, мамлакатнинг илгариги шон-шухрат йўқолди.

ХВИИИ аср ўрталарига келиб, ҳозирги Ўзбекистон худуди ва Туркменистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистоннинг кўпгина қисми уч ўзбек хонлиги \_Қўқон, Хоразм хонликлари ҳамда Бухоро амирлиги ўртасида тақсимлаб олинган эди. Бу хонликлар худудида яшовчи аҳолининг кўпчилигини ўзбеклар ташкил этардилар. Айрим шаҳарлар ва қишлоқларда тожиклар яшардилар. Хива ва Бухоро хонликларининг Ғарбий ва Жанубий қисмида туркманлар жойлашган эдилар. Қўқон хонлигининг шимолида қирғизлар ва қозоқлар, Орол денгизи атрофида эса қорақалпоқлар яшардилар. Бундан ташқари, бу учала хонлик худудида эронликлар, араблар, ҳиндлар, яхудийлар ва бошқа халқлар ҳам истиқомат қилардилар.

Айрим хонлар мамлакат иқтисодиётини кўтариш, давлатни мустаҳкамлаш ва баъзи бир ободончилик ишларини амалга оширишга уриниб кўрдилар. Урушлар давомида вайрон бўлган суғориш иншоотларини қисман тиклардилар, янги каналлар ҳам қазидилар. Масалан, Фарғона водийсида Шаҳрихон, Андижон ва Янгиариқ каналлари барпо этилди. Тошкент вилоятида 1822-1842 йилларда Хонарик канали қазилди. Бундай ишлар Бухоро амирлиги ва Хоразм хонлигида ҳам амалга оширилди ва ўз самарасини берди. Мамлакатда бироз иқтисодий кўтаринкилик сезилди. Шаҳарларда янги карвонсаройлар, бозорлар, ҳаммомлар, мачитлар-мадрасалар кўрилди. 1884 йилда Бухорода 38 карвонсарой, 9 та савдо расталари, 45 та бозор, 16 та ҳаммом бўлган. Тошкентда 15та карвонсарой, катта меҳмонхона, 5 та бозор, 11 та ҳаммом бўлган. Бошқа шаҳарларда ҳам шунга ўхшаш муассасалар мавжуд эди. Масалан, Хива хони Муҳаммад Раҳимнинг сарой табиби- Аҳмад Табибий бир неча асар ёзди. Қўқон хони саройида хизмат қилган

табиб ва шоир –Фазлий ҳам ижод қилиш билан шуғулланган. Аммо кўпчилик табиблар эски китоблардан кўчирма қилиш билан чекланиб қолар эдилар.

ХВИИИ-ХИХ асрларда Ўзбекистон худудида қуйидаги кўзга кўринган табиблар яшаганлар. Жунайдулло Хозиқ, Жаъфархўжа Хазораспи, Маҳмуд Яйпоний, Турсунхўжа Ҳаким, Абдулло Хўжа табиб, Болдақли табиб, Ҳакимча табиб, Абдулваҳоб Ибодий, Аҳмадхўжа табиб, Қодир табиб, Хожи табиб, Атоулло табиб, Манноп табиб, Нурулло табиб ва бошқалар.

**Жунайдулло Хозиқ** (Жунайдулло ибн Исломшайх Хозиқ) ўтган асрнинг кўзга кўринган табибларидан бўлган, ўзи асли Хиротлик эди. Тарих, адабиёт ва тиббиёт соҳасида чуқур билимга эга бўлган. ХИХ асрнинг бошларида Бухорога келиб, табиблик иши билан шуғулланган. У чуқур билими ва етук тажрибаси туфайли касалликларни тўғри аниқлаб, муваффақиятли даволанган ва халқ ўртасида катта ҳурматга сазовар бўлган.

Жунайдулло Хозиқ табибликлардан ташқари, бадиий адабиёт билан ҳам шуғулланган, шеърлар ёзган. Тарихий мавзуларда ҳам асарлар яратган. Хозиқ ўз шеърларида нодон уламоларни танқид остига оларди. У хатто Бухоро амири Насруллохон шаънига ҳам хоннинг ғазабига дучор бўлади ва Бухорода яшай олмай, Қўқонга кучади. Бу ерда бир оз вақт яшагандан сўнг Хивага кетади. Аммо бу ерда ҳам хон билан келиша олмайди ва Қўқонга қайтади. 1842 йилда Қўқонни Бухоро амири Насрулло забт этади. Қўқон хони Муҳаммад Алини қатл эттиради. Бухоро хонининг аскарлари шаҳарни талон-тарож қиладилар, аҳолини талайдилар. Барча ҳунармандлар, наққошлар Бухорога олиб кетилади. Жунайдулло Хозиқни ҳам олиб кетадилар. Лекин у Шаҳрисабзга қочади. Аммо Насрулло найранг ишлатиб, Хозиқни ўлдиради.

Жунайдулло Хозиқдан баъзи асарлар қолган. Шулардан бири тиббиётга таллуқлидир. Бу китобни Хозиқ «Ҳақиқатни аниқлаш ва уни текшириб кўриш» деб атаган. Хозиқ ўлкамиз тиббиёти тарихида муҳим ўрин эгаллаган.

**Жаъфар Хўжа Хазораспий** (Жаъфар Хўжа ибн Насриддин Хўжа ал-Ҳусайн Карвуки Ҳазораспий) – охири Хоразмлик олим табиблардан бири эди. Анча чуқур билим ва тажрибага эга бўлган. Хазораспийнинг тиббий фикрлари Шарқ тиббиётига хос бўлган мизож тушунчасига асосланган эди. Олимнинг фикрича, ҳар қандай касалликнинг асосий сабаби организмдаги суюқ моддалар (қон, шиллик ўт, қора ўт) нинг ўзгаришидан келиб чиқади. Бу ўзгариш миқдорий ва сифат ўзгариш бўлиши мумкин. Бу ўзгаришнинг моҳияти шундан иборатки, нотўғри овқатланиш натижасидпа, табиат факторларининг салбий таъсир этиши ва шунга ўхшаш зарарли факторлар таъсирида суюқликлардан бири ошиб кетади ёки унинг сифати ўзгаради. Бунинг оқибатида мувозанат бузилиб, касаллик пайдо бўлади. Шунинг учун Хазораспий беморни муолажа қилишда унга дори беришдан



олдин танани ортиқча хилтдан тозалаш керак, дейди. Шу мақсад учун сурги дори бериш ёки қайт қилдиришни тавсия этади. Қон олишни ҳам афзал кўради.

Хазораспий касалликнинг оқибатини олдиндан кўра билиш, яъни прогностикага алоҳида аҳамият берган. Бу табибнинг обрўси учун ҳам жуда муҳим дейди. Табиб прогнозни аниқлаб сўнг, шунга қараб иш кўриши керак.

Хазораспийнинг тибга оид асосий китоби «Тиб билимлари тўплами» деб аталган. Мазмун жиҳатдан бу асар Ибн Сино «Тиб қонунлари» нинг учинчи китобига ўхшайди. Хазораспий ҳам Ибн Сино каби одам организми касалликларини бошдан бошлаб, оёққача ҳамма органлари бўйича баён қилган. Бундан ташқари китобда гижжалар, ришта, тери касалликлари ҳақида маълумот берилган. Ҳар хил захарланиш ва уларни даволаш масаласига ҳам тўхталган. Китобда ҳар хил дорилар, уларни тайёрлаш ва ишлатиш усуллари ҳам кўрсатилган. Ниҳоят, баъзи юқумли касалликлар, масалан, сувчечак ҳақида ҳам маълумот берилган. Жаъфар Хўжа Хазораспийнинг «Тиб билимлари» китоби Шарқ тиббиёти тарихида муҳим роль ўйнаган.

**Маҳмуд Ҳаким Яйпаний** - Қўқондий ўтган асрнинг иккинчи ярми, XX асрнинг бошида яшаган йирик ўзбек табибларидан бири эди. У ҳар хил фанлар соҳасида чуқур билимли олим ва тажрибали табиб бўлган.

Маҳмуд Ҳаким 1851 йил Қўқонга яқин Яйпан қишлоғида таваллуд топган. Яйпанийнинг ўтмиш авлодлари таниқли кишилар бўлганлар. Унинг бобоси хизмат қилган. Отаси Бадалиий анча бадавлат одам бўлган, савдо ишлари билан шуғулланган, катта ерлари ҳам бўлган.

Маҳмуд Яйпаний ёшлигиданоқ жуда зеҳнли бола бўлган ва адабиётга қизиққан, кўп ўқиган. У Қўқондаги «Мирзо Қўқондий» мадрасасида тахсил кўрган. Мадрасада у вақтда дунёвий фанлар деярли қонунларини ўрганиш билан шуғулланардилар. Фақат айрим мударрислар талабаларга баъзи бир дунёвий фанлар (тарих, жуғрофия, астрономия, риёзиёт) ҳақида бошланғич маълумот берардилар. Қисман тиббиёт билими ҳам ўргатилган. Яйпаний бу дарсларни катта қизиқиш билан ўрганади ва ўзи ҳам мустақил равишда китоблар ўқиб, ўз билимини кенгайтиради. Яйпаний араб, форс тилини тез ва осон ўзлаштириб олади. Лотин ва рус тилларини ҳам ўрганади. У қадимги файласуфлар (Аристотель, Платон ва табиблар Гиппократ, Гален, Абу Бакр ар-Розий, Ибн Сино)нинг асарларини кунт билан ўрганади. Бунинг натижасида катта олим ва табиб бўлиб етишади. Аммо бу вақтга келиб, Оврупо фани ва тиббиёти анча илгарилаб кетган эди. Шарқ фани ва тиббиёти эса Ўрта аср даражасида қотиб қолганди. Буни яхши тушунган Яйпаний Оврупо тиббиётини мустақил ўргана бошлайди. Рус тилида чиқарилган тиббий китобларни ўқийди, оврупоча (лотинча) рецепт ёзишни ўрганиб олади.

Маҳмуд Ҳаким Яйпаний ҳаётда жуда камтарин киши бўлган, камбағал, бева - бечораларга раҳм - шавкат билан қараган, уларни бепул даволаган. Шунинг учун

халқ ўртасида жуда катта ҳурматга сазовор бўлган. Унинг шурҳати бутун Қўқон хонлигига тарқалди. Шунда Қўқон хони Худоёрхон Яйпанийни Сарой табиби вазифасига таклиф этади. Аммо Яйпаний бу таклифни қабул қилмайди.

Яйпаний фаннинг ҳар бир соҳаларига оид кўпгина асарлар ёзган. Аммо бизга уларнинг ҳаммаси маълум эмас. Биз Яйпанийнинг икки асарини биламиз. Бири «Билим ўлчови», иккинчиси эса «Табиблик қонуни».

«Билим ўлчови» Фарғона ва Қўқон хонлиги тарихига бағишланган.

«Табиблик қонуни» тиббиёт илмига бағишланган. Китоб араб тилида ёзилган. Яйпаний ўз китобида касалликларни аниқлаш ва уларни даволаш масалаларини ёритган. Бунда аввало ташхис ва даволаш соҳасидаги ўтган олимларнинг ва ўз замонасидаги табибларнинг фикрлари келтирилади. Сўнг муаллиф ўз фикр ва тажрибаларини баён этади. Яйпаний касаллик сабаблари масаласида мизож тушунчасида турган. Аммо бу масалада у бошқа табибларнинг фикридан бошқачароқ фикр юритган. Масалан, Яйпанийнинг фикрича, мизож ўзгармас хусусият эмас, у шароитга қараб ўзгариши мумкин. Унинг айтишича, йил фаслига қараб, одамнинг мизожи ўзгариб туради. Масалан, ёз фаслида мизож иссиқ, кишда эса совуқ бўлади.

Касаллик сабаби ҳақида сўзлаб, Яйпаний организмдаги суюқликларга алоҳида аҳамият беради. у бу суюқликлар ташқи ва ички салбий факторлар таъсирида ўзгаради, дейди. Ташқи факторлардан у ёмон овқат, иқлим ва об-ҳавонинг ўзгариши, оғир жисмоний меҳнат ҳамда руҳий кечинмаларни санаб ўтади. Булардан ташқари, ташқи муҳитда касаллик пайдо қилувчи жониворлар (паразитарлар) ҳам бўлишини кўрсатади. Масалан, Яйпаний ришта ва безгакни шундай жониворлар (паразитарлар) пайдо қилади, дейди. Бундан кўриниб турибдики, касаллик сабаблари масаласида Яйпанийнинг фикрлари ҳозирги замон тушунчасига яқин бўлган. Шарқ (Ўзбекистон) тиббиёти тарихида Яйпаний муҳим из қолдирган.

Қўқонда ўтган асрда яна бир йирик табиб – Ҳақимча табиб ўтган. Ҳақимча табиб Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийнинг отаси бўлган.

Ҳамзанинг ўзи ҳам тиббий билимга эга бўлган. Масалан, у Юсуф ибн Муҳаммаднинг «Тибби Юсуфий» китобини чуқур мутолаа қилгани маълум.

Самарқандда ўтган асрнинг охири, XX асрнинг бошида машҳур Атоулло табиб яшаган. У асли Афғонистонлик бўлган. Ўтган аср охирларида Самарқандга келиб, шу ерда яшаган ва табиблик қилган. Атоулло табиб билимдон, хозиқ одам бўлган. У бир неча тилни- араб, форс, турк. Ўзбек ва рус тилларини билган, машҳур Юнон, Рим ва Шарқ табибларининг асарларини чуқур ўрганган. Оврупо тиббиёти билан ҳам таниш бўлган. Масалан, у лотин тилида рецепт ёзишни билган ва беморларга дорини кўпинча ўзи тайёрлаб берган.

Атоулло табиб касалликларни аниқлашда томирни ушлаб кўриш, эшитиб кўриш, пальпация қилиш усулларида фойдаланган. У кичик жарроҳлик билан ҳам шуғулланган. Масалан, оғриқ тишни суғуриб олиш, йиринглаган жойни кесиш ва ҳ.к. Бу табиб ҳам тиббиёт тарихида сезиларли из қолдирган.

Ўзбекитон шаҳарларида бошқа мамлакатлардан келган табиблар ҳам хизмат қилганлар. Масалан, Тошкентда афғонистонлик Омонулло табиб, арабистонлик Абу Бакр табиб каби табиблар ишлаганлар. Абу Бакр табиб оиласиз, бир ўзи яшар эди. Унинг бир хонали кичкина ҳовлиси бор эди ва шу ернинг ўзида беморларни қабул қилар эди. Уй ичи ҳар хил дорихона асбоблари, шишалар билан тўла эди. Уйнинг ҳар хил тиббий китоблар таҳлаб қўйилган бўларди. Бундай ўқимишли табиблар у вақтда жуда кам бўлган.

Шундай қилиб, XIX асрнинг охирига келиб, Ўзбекистонда илмий тиббиёт ўзининг сўнги даврини кечирмоқда эди.

**Мавзу №10: 19-20 асрларда Ўзбекистон ҳудудида тиббиётнинг ривожланиши. Ўзбекистонда соғлиқни сақлашни давлат тизимининг барпо этилиши. Ўзбекистонда тиббиёт илми ва фани асосларининг вужудга келиши**

Ўзбекистондаги анча ривож топган табобат илми XVIII-XIX асрларга келиб феодал жамият таъсирида жуда орқада қолди. Бу даврларга келиб, табобат мактаблари йўқ бўлади. Тиббиёт тарихи мутахассиларининг ёзишларича, халқ табобати уюлмаган ҳолда бўлиб, табиблар ўз санъатларини отадан болага мерос қилиб қолдиришган. Сир-асрорлари бошқалардан пинҳона сақланар эди.

Ўрта Осиёда 1861 йилдан бошлаб, рус ҳарбийлари ва ерларни ўзлаштириш учун келган бойлар соғлиғини сақлаш учун тиббиёт шаҳобчалари ташкил қилина бошлади. Буларда асосан ҳарбий гарнизонларнинг солдат ва офицерлари, зодагонлар ва уларнинг хизматчилари, маҳаллий бойлар даволанар эди.

Тошкентда 192У йилда Туркистон Давлат университети ташкил этилиб, унинг таркибида тиббиёт факультети ташкил очилди, унда маҳаллий тиббиёт ходимларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Самарқанд тиббиёт институтида дастлабки болалар касалликлари кафедраси 1933 йилда даволаш факультети қошида ташкил этилган бўлиб, уни тажрибали шифокор Розиевский 1935 йилдан 195 йилга қадар, 195У йилдан кейин эса профессор Ивановлар бошқарган эдилар.

Ўрта Осиёда халқ тиббиётидан ташқари-табиблардан бошқа яна кинначилар ва фолбинлар воситасида даволаш усуллари кенг ёйилган эди. Бу кишилар беморларни гап ва турли хил туморлар билан даволар эдилар. Қолган усуллардан доирада чалиш, ўқитиш, туморлар оситиш ва бошқа ичига захар, жохиллик руҳининг кириши дер эдилар. Шу аҳвол XIX асрнинг охирида ва XX аср бошларигача давом этган эди. Чунки бу даврда халқ тиббиёти ходимлари ва табиблари анча кам бўлган эди. Соғлиқни сақлаш соҳасида ишловчилар сони кам

ва аҳолининг соғлиғи жуда паст даражада эди. Халқнинг кўпчилиги кинначиларга ва фолбинларга мурожаат қилишга мажбур бўлар эдилар. XIX асрнинг 6У йилларида чор ҳукумати Ўрта Осиёни, шу жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудини босиб олди. Бунинг натижасида бу ерда сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Сиёсий жиҳатдан Туркистон хонликлари ўз мустақилликларини йўқотдилар. Қўқон хонлиги бутунлай тугатилди. Хива хони билан Бухоро амири “Вассал ҳокимлари” га айлантирилди. Туркистон мустамлама мамлакат бўлиб қолди. Иқтисодий тарафдан Туркистон иқтисодиётига катта зарар етказилди. Масалан, мамлакатдаги бойликларга рус капиталистлари хўжайин бўлиб қолдилар. Пахта, ипак, қорақўл териси ва ер ости бойликлари Россиядаги саноат корхоналарига олиб кетила бошланди. Аҳоли икки томонлама (маҳаллий бойлар ва рус капиталистлари) эксплуатацияга учраб, қашшоқлаша борди. Унинг яшаш шароити оғирлашиб, саломатлигига зарар етди. Халқ ўртасида турли касалликлар кенг тарқала бошлади. Ҳар йили юқумли касалликлардан ўн минглаб кишилар ҳалок бўлиб кетар эдилар. Хонлар ва амирлардан сўнг эса чор ҳукмдорининг бошқарувининг оқибати шундай натижаларга олиб келди. Аммо Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилиши маълум даражада ижобий аҳамиятга ҳам эга бўлди. Масалан, Россия орқали Ўрта Осиёга замонага хос бўлган фан ва техника кириб келди. Мамлакатлар унчалик катта бўлмаса ҳам, кичикроқ завод ва фабрикалар қурила бошлади, темир йўллар ўтказилди. Тиббиёт соҳасида ҳам бирмунча ижобий ўзгаришлар юз берди. Туркистон Россияга қўшиб олинганидан кейин шаҳар ва қишлоқларга рус ҳарбий горнизонлари жойлаштирилди. Чор ҳукуматининг Туркистондаги ҳарбий маъмурияти маҳаллий аҳолига замонавий ёрдам ташкил қилишни ҳам ўйлаб кўрди. Лекин шундай бўлса ҳам Туркистонда замонавий тиббий муассасаларнинг пайдо бўлиши ижобий ҳодиса эди. 187У-188У йилларда рус врачларининг ташаббуси билан Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Душанбе шаҳарларида маҳаллий аҳолии учун бир нечта амбулаториялар очилди. 1874 йилда Тошкентда биринчи замонавий дорихона очилди. Шуниси қизиқки, Туркистонда замонавий дорихонанинг пайдо бўлиши билан маҳаллий табиблар касалларга шу дорилардан ишлата бошладилар. 1868-187У йиллардан бошлаб, касалхоналар барпо этила бошлади. Ўша вақтда Ўзбекистон ҳудудида 976 ўринли касалхоналар, 8 та дорихона, 1У та фельдшер ва акушерлик бўлимлари бўлган. 141 та врачдан 1У2 таси соғлиқни сақлаш соҳасида иш олиб борар эдилар. Ўрта маълумотли тиббиёт ходимларидан 234 киши фаолият олиб борган. Ўша даврда ҳар бир одам соғлиғини сақлаш учун кетадиган ҳаражат миқдори 13 тийинни ташкил этар эди. Туркистонни Россия забт этгач, шу куни ҳокимият Тошкент ишчи ва солдат депутатлари Кенгаши қўлига ўтди. Тошкент Кенгаши бутун Туркистон ҳукумати вазифасини бажара бошлади. Туркистон ҳукумати ўз фаолиятини биринчи

бўлиб бошқа сиёсий ва иқтисодий вазифалар билан бир қаторда халқ соғлиғини сақлаш масалалари билан шуғуллана бошлади. Шундай қилиб, Туркистонда Совет тиббиётига асос солинди. 1919 йилнинг 13 март куни соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги Туркистон республикаси даволаш муассасаларини бошқариш ҳақидаги низомни тасдиқлади. 1920 йил 7 сентябрда Туркистонда (Тошкент шаҳрида) университет таъсис қилиш ҳақидаги декрет қабул қилинди. Университет таркибида тиббий факультет ҳам киритилган эди. Тиббий факультет очилишининг аҳамияти маҳаллий аҳоли орасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш эди. Шу йул билан маҳаллий миллат вакиллари олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш муаммоси ҳал этилди. Ўша вақтда халқ Комиссариатининг асосий вазифаларидан бири ўткир юқумли касалликларга қарши курашиш, тозалиқнинг йўлга қўйилишини назорат қилиш, тарғибот ишлари, оналар ва болаларга тиббий ёрдамни кўрсатиш ва мутахассисларни тайёрлаш каби ишлардан иборат эди. Шу вазифаларнинг бажарилиши учун касалхоналар қурила бошланди. 1922 йилда Туркистонда биринчи тиббиёт ходимлари йиғилиши бўлган. Шу йиғилишда юқумли касалликларга қарши кураш олиб бориш йуллари муҳокама этилди. Шу йиғилишда айниқса, безгак ва ўткир юқумли касалликларга қарши курашишни йўлга қуйишга катта аҳамият берилган эди. Соғлиқни сақлаш халқ Комиссарлигининг аввалги бошлиғи Баранский, кейин Успенский бўлган. 1918 йилда бошлаб, маҳаллий аҳоли вакилларидан Хўжаев, кейинчалик Рескулов қуйилган эди. Соғлиқни сақлаш халқ Комиссариатида ўша вақтда Туркистонда ишлаган олимлар коллегия аъзоси бўлиб кирган эдилар. Буларнинг орасида И. Орлов халқ Комиссариатининг маориф, коллегия аъзоси А. Греков, Н. Тихомиров, Самарқанддан А. Сиридонов, олим шифокорлардан Р. С. Гершеневич, Мақсудов ва бошқалар бўлган.

Тиббиёт ва соғлиқни сақлаш ишларини яхшилаш учун аввало бу соҳа ходимлари билимдон ва юқори малакали бўлишлари лозим. Ўзбекистонда Октябрь революциясидан кейин тиббиёт соҳасида мутахассислар тайёрлаш учун олий ўқув юртлири очила бошлади. Асосан, Тошкент тиббиёт олий ўқув юртининг олимлари ўпка патологиясини ўрганиб, илмга кўплаб янгиликлар киритганлар. 1920 йиллардан бошлаб Ўзбекистонда кўплаб машҳур хизмат кўрсатган олимлар фаолият кўрсатдилар. Уларнинг номлари барчага маълум бўлган- А. Крюков, А. Асқаров, Т. Нажетдинов, Э. Отахонов, Р. Худойбердиев ва бошқалар. 1972 йилда Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё Педиатрия Тиббиёт Институти ташкил этилди. Ҳозирги вақтда бир қатор олимлар ушбу даргоҳда фаолият олиб бормоқдалар. Шуларнинг орасида номлари факат жумхуриятимиздагина эмас, балки бошқа республикаларга ҳам машҳур бўлган В. В. Воҳидов, У. О. Орипов, К. А. Зуфаров, С. А. Далимов, М. М. Хакбердиев, А. И. Николаев ва бошқа лар педиатр олимларидан М. Нуритдинов,

М.Миразмухамедов, С.Юлдашев, М.Абдуллаходжаев, С. Шамсиев, И.Бодия ва бошқа олимлар ишладилар. Ўзбекистонда инқилобдан аввал тиббиёт ва соғлиқни сақлаш системасининг аҳволи ўта оғир аҳволда бўлган. Юқумли касалликларнинг кўп бўлганлиги сабабли аҳоли ўртасида ўлим жуда юқори бўлган. Инқилобдан кейин тиббиёт ва соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам анча ривожланиш бўла бошлаган. Мутахассислар таёрлаб берувчи олий билимгоҳлар кўплаб очилди. Илмий-текишириш институтлари Ўзбекистонда ҳозирги вақтда анча кўпайган. Ўн олти илмий текшириш масканларида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Лекин, шунга қарамай соғлиқни сақлашнинг аҳволини яхшилаш учун ҳали кўп ишлар қилиниши талаб этилади. Олдинда қилинадиган ишлар ва ҳал этилиши лозим бўлган масалалар жуда кўп. Шулардан бири ўлимни камайтириш ва инсонлар умрини узайтиришдан иборатдир.

### **Мавзу №11: Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимининг ривожланиши. Тиббиёт намоёндоларининг ҳаёти ва ижоди.**

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш - аёлларни оналик вазифасини бажарган, бола тарбияси билан шуғулланган ҳолда ишлаб чиқаришда ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишига, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган жамият ва давлат томонидан ўтказиладиган тадбирлар тизимидир.

Ўзбекистонда Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган ижтимоий - гигиеник масала ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йилни «Соғлом авлод», 2001 йилни «Оналар ва болалар», 2005 йилни «Саломатлик йили», 2008 йилни эса «Ёшлар» йили деб эълон қилиниши, «Соғлом авлодни шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофазалашнинг қўшимча чора – тадбирлари ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори (13 апрел 2009 йил №ПП-1096) бунинг исботидир.

Мамлакат олдида юксак умуминсоний қадриятларга асосланган, дунёқараши кенг бўлган маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш каби муқаддас вазифа турибди.

Ушбу мақсадга эришиш учун эса:

соғлом оилани шакллантириш ва оилада юксак маънавий - ахлоқий муҳитни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш;

давлат, жамият ва оила томонидан соғлом фарзанд туғилишига эътибор ва ғамхурликни кучайтириш;

болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, таълим олиш ва ҳар томонлама камол топиши учун шарт - шароитларни яхшилаш;

меҳрибонлик уйларида, мактаб – интернатларда ва ихтисослаштирилган мактабларда тарбияланаётган болаларга давлат томонидан ёрдамни кўрсатиш;

ижтимоий тафаккурга эга, етук, ҳар томонлама камол топган соғлом авлоднинг туғилиши ва тарбияланиши учун юксак масъулият психологиясини шакллантириш.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65 - моддасида «Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади» деб белгилаб қўйилган. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг ижтимоий - гигиеник аҳамиятларидан бири шундан иборатки, мамлакат аҳолисининг халқ хўжалигида ишловчиларнинг ярмидан кўпини аёллар ва мамлакатимиз аҳолисининг 61,5%ни эса болалар ва ўсмирлар ташкил этади.

Иккинчидан, Республикамизда ҳозирги кунда 4 миллионга яқин оила мавжуд бўлиб, ҳар йили ўртача 250 мингта янги оила ташкил топмоқда. Статистик маълумотларга кўра, туғиш ёшида бўлган аёлларнинг деярли 65-70%ида, ҳомиладор аёлларнинг 75-80%ида турли хил экстрагенитал касалликлар мавжуд бўлиб, бу касалликлар ҳомиладорлик ва туғруқ жараёнини асоратли ўтишига ва бу ўз навбатида туғилаётган гўдаклар турли касалликлар билан дунёга келишига, аёлларнинг туғруқ асоратлари оқибатида ногиронлигига олиб келмоқда.

Аёллар репродуктив фаолиятининг узок давом этиши, оилалар санитария маданиятини пастлиги, қизларнинг эрта турмушга чиқиши ва кетма-кет фарзанд кўриши, ёшлиқдан саломатлиги заиф бўлган қизлар сонининг ҳали ҳам камаймаётганлиги, юқоридаги нохуш ҳолатларни давом этишига асос бўлмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатнинг ижтимоий тараққиёти, турмуш маданияти, санитария - эпидемиологик ҳолати, даволаш - профилактика, санитария - гигиеник ва эпидемияга қарши тадбирларнинг самарадорлиги, оналар ва болалар, айниқса, бир ёшгача бўлган болалар ўлими кўрсаткичлари билан аниқланади.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимида даволаш-профилактика ёрдами босқичма-босқич амалга оширилади.

*Биринчи босқич* - аёлларга ҳомиладорликкача бўлган даврда тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни оналикка тайёрлаш. Бунда ёшларни жинсий масалалар бўйича тарбиялаш, ёш оилаларни никоҳ гигиенаси ва абортлар профилактикаси бўйича тиббий билимларини оширишда аёллар консультацияси, скрининг маркази, перинатал марказ, оила ва никоҳ консультациясининг роли катта.

*Иккинчи босқич* - яъни ҳомилани антенатал даврдаги соғлиғини муҳофаза қилиш эса аёллар консултацияси, акушерлик стационарларининг, бемор ҳомиладорлар учун ташкил этилган ихтисослашган терапия бўлимлари, скрининг марказлари санаторияларда амалга оширилади.

*Учинчи босқич* — ҳомиланинг туғруқ давридаги муҳофазаси. Бу даврда туғруқни оқилона қабул қилиш асосий аҳамият касб этади. Бу даврда махсус тиббий ёрдам туғруқхона комплекслари ҳамда кенг тармоқли шифохоналар томонидан кўрсатилади.

*Тўртинчи босқич* — чақалоқлар саломатлигини сақлаш: бу чақалоқни тўғри парваришlash, кўкрак сути билан боқиш, физиологик жиҳатдан ривожланиши устидан назорат ўрнатишдир. Чақалоқларга туғруқхона комплексларида, ҚВП, болалар шифохоналарида даволаш-профилактика ёрдами кўрсатилади.

*Бешинчи босқич* — мактабгача бўлган даврда болалар саломатлигини сақлаш. Бу даврда тиббиёт муассасаларининг асосий вазифаларидан бири - болаларнинг тўғри тарбияланиши, овқатланиши, жисмоний риволаниши, иммунобиологик ҳолати устидан назорат ўрнатиш.

*Олтинчи босқич* - мактаб ёшидаги болаларнинг тўғри тарбияланиши, овқатланиши, жисмоний ривожланиши устидан назорат ўрнатиб, ўсиб келаётган бола организмнинг функционал ҳолатига баҳо бериб борилади, маълум ўзгаришлар аниқланганда уларни тузатиш бўйича тегишли тавсиялар берилади.

Юқорида келтирилган тадбирларни босқичма-босқич узвий тарзда олиб бориш мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофазалашнинг бир бутун тизимини ташкил этади.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш икки муҳим бўлимдан: акушер-гинекологик ва болаларга даволаш - профилактика ёрдамини ташкил этишдан иборат.

Ўзбекистонда акушерлик - гинекологик ёрдамни ташкил этишни такомиллаштириш, диспансер кузатишнинг илмий асосланган шакл ва усуллари, ҳамда туғруқни қабул қилишни, янги технологияларини жорий қилиш, антенатал даврдаги ёрдамни сифатини ошириш ва оилада соғлом турмуш тарзи кўникмаларини ҳосил қилиш бўйича кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистондаги педиатрия олимлари. Ўрта асрларида Осиёда анча ривож топган табобат илми ХУ111-Х1Х асрларга келиб феодал жамияти таъсирида жуда орқади қолди. Бу даврларга келиб табобат мактаблари йўқ бўлди. Тиббиёт тарихи мутахасисларнинг ёзишларига халқ табобати уюлмаган ҳолда бўлиб табиблар ўз



саъатларини онадан болага мерос килиб қолдиришган сир - асрорларини бошқалардан пинхоқ сақлашар эди.

Ўрта Осиёда 1861 йилдан бошлаб рус ҳарбийлари ва бу ерга ўзлаштириш учун келган бойлар соғлиғини сақлаш учун тиббиёт шаҳобчалар ташкил қилина бошлади: Буларда асосан ҳарбий горизонтларнинг солдат ва офицерри задагонлар ва уларнинг хизматчилари маҳалий бойлар даволанарди. Тошкентда 1920 йилда Туркистон давлат дорилфунуни унинг таркибида эса тиббиёт факультети ташкил этилиб маҳалий тиббиёт ходимлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Самарқанд тиббиёт олийгоҳида дастлабки болалар касалликлари кафедраси 1933 йилда даволаш факультети қошида ташкил этилган бўлиб уни тажрибали ҳаким Розиевский , 1935 йилдан 1950 йилга қадар эса проф Ивановлар бошқарган эдилар. Ана шу кафедрада 1949 йилда болаларда безгак касаллигида норман сувлари ва пигмент алмашинуви борасида илмий тадқиқот ишларини Б.Х. Қорахўжаев олиб борди ва шу мавзудаги тиббиёт фанлари номзодлиги учун диссертацияни мувафақиятли ёқлади. Кейинчалик Б.Х. Қорахўжаев (1950 -1977 и) мазкур кафедрада узоқ йиллар давомида мудир бўлиб ишлади. Бу даврда кафедра ходимлари томонидан ўша вақтда болаларда кенг тарқалган пейилеаниоз касаллиги, кейинчалик эса ревматизим, кичик ёшдаги болаларда моддалар алмашинувининг суриккали бузилиши соҳасида Қорахўжаев раҳбарлигида бир қатор илмий изланишлар беришди. Самарқанд тиббиёт олийгоҳининг педиатрия мактабини яратишда, бу соҳада миллий илмий педогогик ходимларни тайёрлашда Қорахўжаевнинг хизматлари катта Қорахўжаевнинг шогиртлари сафида ҳозирги даврда фаол, фаолият кўрсатаётган олимлар проф, А.А.Хамраев , Ж.Эшқобулов , Х.М Маматқулов , М.Р. Рустамовларни айтиш мумкин. Анидижок давлат тиббиёт олийгоҳининг очилиши (1955), Фарғона водийсида ноҳияларни ҳакимлар билан таъминланиши анча яхшиланди. 1965 йили ушбу олийгоҳда педиатрия кулиёти ташкил этилди. Ушбу олийгоҳда ташкил этилган дастлабки болалар касалликлари кафедраси мудирлари проф К. Мирзаев ҳозирда юқумли касалликлар, уларнинг олдини олиш тадирлари соҳасида ўз шогиртлари билан ҳамкорликда катта ишлар олиб бормоқда.

1942 йилда Ўзбекистон Давлат Соғлиқни сақлаш халқ комиссариятининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тажрибали илмий ходим С.Н. Йўлдошева тайинланди. Ўзда аёллардан биринчи педиатр - проф. С.Н Йўлдошева Ўзбекистонда болаларга педиатрия ёрдамни кўрсатиш, тиббий тармоқларини яратиш илмий мутахасислар тайёрлашга катта ҳисса қўшган олима эди.

Ўз.Педиатриясининг буюк номоёндаги бўлган Сайффитдин Шамсиевич Шамсиев - Наманган шаҳрида этикдўз оиласида таваллуд топган. Етимлик оғир ёшлик йилларини бошидан кечирган С.Шамсиев 1931 йилда ТошДав Тиббиёт олийгоҳининг ўша даврида оналик ва болалик муҳофазаси деб юритилган

факультетга ўқишга киради ва уни тугатгач проф Р.С. Герценович раҳбарлигида болаларда юрак касалликлари ва уларни даволаш борасида муҳим илмий текшириш ишларини бошлаб юборди. Кейинчалик 1945 йилда проф Е.И. Сперанский раҳбарлигида докторлик диссертациясини тугаллаб Тошкентга қайтиб келади. С.Шамсиев ҳозирда болаларни кариология, меъда - ичак касалликлари, зотилжам ва бошқа бир қатор педиатриянинг долзарб муаммолари билан мунтазам шуғулланиб келмоқди.

Ўзбекистонда болалар жарроҳлик хизматини ташкил қилиш ва жарроҳлик мактабларини яратилишда кўплаб олимларнинг хизматлари таҳсинга лойиқдир. Ана шу олимлардан бири. Карим Хожиевич Тохиров ҳисобланади. К.Х.Тохиров 1907 йилда Тошкент шаҳрида тугилди. 1928 йилда Ўрта Осиё университетининг тиббиёт факультетига кириб ўқий бошлади. У 1933 йилда институтни имтиёзли диплом билан битиргач, шу йили топографик анатомия ва оператив жарроҳлик кафедрасига аспирантурага қабул қилинди. 1934 йилда зарурият туфайли Термиз шаҳрида 75 ўринли округ госпиталининг жарроҳлик бўлими мудири бўлиб ишларди. 1936 йилда аспирантурани тугатгач, Ўрта Осиё тиббиёт институтининг факультатив жарроҳлик кафедрасига асисентликка қабул қилинди. Шу йилдан бошлаб ўзининг бутун умрини илмий-амалий жарроҳликка бағишлади. Ўша йилларда "Вестник хирургии" журналининг 7- сонида "Ташқи жинсий аъзолар гангренаси" деб номланувчи мақоласи эълон қилинди. 1939 йилда эса "За социалистическое здравоохранение Узбекистана" журналида "Ойсимон суякнинг чиқиши" мақоласи ҳам чоп этилди. Моҳир жарроҳ 2чи жаҳон уриши йилларида ҳарбий госпиталларда фаолият кўрсатди. Кейин Тошкентга қайтгач 1942 йилда "Эрта ёшдаги болаларда айрисимон безнинг жойлашувидаги хусусиятлари" мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади ва т.ф.н. илмий жарадасини олишга сазовар бўлди. 1943-1945 йилларда К.Х.Т. собиқ иттифокда биринчилардан бўлиб болаларда олатни қайта тиклашнинг пластик операциясининг амалга оширди. 1947 йилда К.Х.Тохиров ташаббуси билан Ўрта Осиёда 1-чи ва собиқ иттифокда 7-бўлиб ТошМИ педиатрия факультетити таркибида болалар жарроҳлиги кафедрасини ташкил қилади, ва ушбу кафедранинг мудири этиб сайланади. Болалар жарроҳлиги кафедраси мудири К.Х.Тохиров томонидан "Аъзоларнинг тескари жойлашуви" номли иши ёзилиб, хирурглар жамятини йиғилишида маъруза қиларди ва "Хирургия" журналида чоп этиш учун жўнатилади. Ўзбекистонда болалар жарроҳлигини янада ривожлантириш илмий - амалий жарроҳлик ишларини тақсимлаштириш ва уларни тадбиқ қилиш мақсадларида Тохиров 1949 йиллар Москвага бориб шўролар давлатида болалар жарроҳлигига асос солган.

Машҳур жарроҳ, ФА си мухбир аъзоси С. Терновскийдан кўп нарсалар ўрганди ва тавсиялар олди. Операция хонасида газ билан ишлайдиган

аппаратларнинг портилаб кетганлиги сабабли бошқаларга ўрناк бўлиши мақсадида олим жарроҳлик журналининг 1957 и 11 - сонида "Газли наркоз пайтида аппаратнинг портлаш ходисаси" номли мақоласини чоп эттирди. Болалар анестезиологиясини ривожланиши ниҳоятда зарур эканлигини ҳисобга олиб, 1955 -65 йилларда республика бош хирургии бўлиб ишлаган чоғларида кўп эътибор берди. Шунинг билан ҳам Тохиров раҳбарлик қилган кафедрадан моҳир жарроҳларнинг деярли барчаси анестезиология муассаларини билан шуғилланганлар. Жумладан, А.С Зарзяр Э.М. Ходиев, И.И. Исканжонов, Р.А.Олимжонов, Е.Н.Хегай, Э.И. Илёсов, М.М. Алиев, Т.С. Аъзамхўжаев, Ж.Б. Бекназаров, Н.И Утсинов ва бошқалар. Проф . Тохиров клиникасида амалий ишлар режали равишда олиб бориш вазифаларини ҳам белгилайди. Клиникада хирургик инфекция, режали бўлим ва шошилиш ёрдам курслари бўлимлари алоҳида ташкил этилди. Клиникалик болалар урологияси бўлими ҳам фаолият кўрсата бошларди. Илмий ишлар асослари 4 та йўналишда олиб борилади :

1. Болаларда буйрак тош касаллиги
2. Болаларда хирургик инфекцияни комплекс даволаш усулларини такомиллаштириш.
3. Болаларда эхиноконноз касалиги
4. Болларда меъда - ичак йўлининг туғма ва орттирилган касалликлар Бунда ташхис қўйиш ва даволаш усулларини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшди.

К.Х Тохиров шогирдларидан К.Х.Қаюмов, М.А.Романов, Р.К, Каримов, Х.А. Баҳромжонов, О.И. Икромов ва бошқалар жарроҳлиги фанига салмоқли ҳисса қўшдилар.

К.Х. Тохиров Ўзбекистонда болалар жарроҳлигига асос солди. Собик иттифоқда 1- лардан бўлиб болаларда олатни қайта тиклаш пластик операциясини амалга оширган. Болалар жарроҳлигининг ўпка кўкрак қафаси, болалар урологияси, жигар жарроҳлиги соҳаларини дастлаб ривожлантирган, шогирдлар етиштириш борасида эса ҳурмат ва эътиборга лойиқ олим бўлиб, Ўзбекистон тиббиётини тарихида ўз ўрнини топган жарроҳдир.

Талабаларга мазкур даврда замонавий тиббиётнинг кириб келиши ва даволаш ишларида янги усулларни қўлланилиши маҳалий халқ ичида олималарни етишиб чиқилганлиги ва уларни етишига қўшган улкан ҳиссалари билан таништириш.

Ўзбекистон ҳудудида Россия итилосидан аввалги тиббиётда ўзига яраша специфик томонлари бўлган. Булардан бири, асосан халқнинг тиббиёт ходимлари ва табибларидан фойдаланганлигидир. Халқ тиббиётнинг ва табибларнинг вакиллари кўп касалларини тўғри топиб, натижалик даволаганлар. Улар асосан ўт ва бошқа ўсимликлардан килинган дорилардан фойдаланганлар.

Табиблар асосан ички касалликларни (ошқозон - ичак касалликлари, жигар касалликлари, ўпка хасталиклари) даволардилар. Жарроҳлик вазифасини қисман сарторошлар бажарардилар. Улар соч - соқол олишдан ташқари бемор кишидан қон олардилар, зулук солардилар, оғриқ тишларини суғурардилар. Чиққан - синганларни эса мухсус табиблар даволардир. Булардан ташқари махсус қон олувчилар, силоқчилар, доя хотинлар ва ришта чақирувчилар бўларди.

Ўрта Осиёда халқ тиббиётидан ташқари - табиблар бошқа яна кинначилилар ва фолбинлар воситасида даволаш усуллари ҳам кенг ёйилганди. Бу кишилар касалларни гап ва турли хил туморлар билан даволай эдилар. Эски вақтдан қолган методлар билан доирада чалиш, ўқитиш, туморлар оситиш ва бошқа алдамчи йўллар билан пул олар эдилар. "Касалнинг асосий сабаби - одамнинг ичига захар, жохиллик, руҳининг кириш" дёр эдилар. Шу руҳни одам аъзосидан чиқарилса, касал тузалади, дёр эдилар. Шу аҳвол XIX асрнинг охирида ва XX асрнинг бошигача давом этган эди. Чунки бу даврда халқ тиббиётни ходимлари ва табиблар анча кам бўлган эди. Соғлиқни сақлаш соҳасида ишловчилар сони кам ва аҳоли соғлигининг жуда паст даражада эди. Халқнинг кўпчилиги киначиларга ва фолбунларга мурожат қилишига мажбур бўлардилар. XIX асрнинг 60 йилларида чор ҳукумати Ўрта Осиёни, шу жумладан ҳозирги Ўзбекистон территориясини босиб олди. Бунинг натижасида бу ерда сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Сиёсий жиҳатдан Туркистон хонликлари ўз мустақилликларини йўқотдилар. Қўқон хонлиги бутунлай тугатилди. Хива хони билан Бухоро амири вассал "хокимлар" га айлантирилди. Туркистон мустамлака мамлакат бўлиб қолди. Иқтисодий жиҳатдан Туркистон экономикасига катта зарар етказилди. Масалан, мамлакатдаги бойликларга рус капиталистик хўжайин бўлиб олдилар. Пахта, ипак қора кўл тери ва ер ости бойликлари. Россиядаги саноат корхоналарига олиб кетила бошлади. Аҳоли икки томонлама (маҳаллий бойлар ва рус капиталистлари) эксплуатацияга учраб қашшоқлана борди, унинг яшаш шароити оғирлашиб саломатлигига зарар етди. Халқ ўртасида турли касалликлар кенг тарқалиб кетди. Ҳар йили юқумли касалликлардан ўнг мингларда кишилар ҳалок бўлиб кетадилар. Хонлар ва амирлар, сўнг эса чор ҳукумати ҳукумдорлигининг оқибати шундай натижаларга олиб келади. Аммо Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилиши маълум даражада ижобий аҳамиятга ҳам эга бўлади. Масалан, Россия орқали Ўрта Осиёга ҳозирги замон фан ва техникаси кириб келди. Мамлакатлар унчалик катта бўлмаса ҳам, кичикроқ завод ва фабрикалар кўрила бошлади, темир йўл ўтказилди. Тиббиёт соҳасида ҳам бирмунча ижобий ўзгариш юз берди. Туркистон Россияга қўшиб олинганидан кейин шаҳар ва қишлоқларга рус ҳарбий гарнизонлари жойлаштирилди. Чор ҳукуматининг Туркистондаги ҳарбий маъмурияти маҳаллий аҳолига замонавий ёрдам ташкил қилишни ўйлаб ҳам кўрди. Лекин шундай бўлса ҳам Туркистонда

замонавий тиббий муассасаларнинг пайдо бўлиши ижобий ходиса эди. 1870-1880 йилларда рус врачларнинг ташаббуси билан Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Душанбе шаҳарларида маҳаллий аҳоли учун бир неча амбулатория очилди. 1874 йилда Тошкентда биринчи замонавий дорихона очилди. Шуниси қизиқки, Туркистонда замонавий дорихона пайдо бўлиши билан маҳаллий табиблар касалларга шу дорилардан ишлата бошладилар. 1868-1870 йиллардан бошлаб касалхоналар барпо этила бошлади. Ўша вақтда Ўзбекистоннинг территориясида 976 ўринли касалхоналар, 8 дорихона, 10 фельдшер ва акушерлик бўлимлари бўлган. 141 врачдан 102 таси соғлиқни сақлаш соҳасида иш олиб борар эди. Ўрта маълумотли тиббиёт ходимларидан 234 киши ишлаган. Ўша даврда ҳар бир одамнинг соғлиғини сақлаш учун харажат миқдори 13 тийинни ташкил этарди. Туркистонни Россия забт этгач, шу куни ҳокимият Тошкент ишчи ва салдат депутатлари Совет қўлига ўтди. Тошкент Совет бутун Туркистон ҳукумати вазифасини бажара бошлади. Туркистон ҳукумати ўз фаолиятининг биринчи кунидан бошлаб, бошқа сиёсий ва иқтисодий вазифалар билан бир қаторда халқ соғлиғини сақлаш масалалари билан шуғуллана бошлади. Шундай қилиб Туркистонда совет тиббиётига асос солинди. 1919 йил 13 мартда соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги "Туркистон республикаси даволаш муассасаларини бошқариш ҳақидаги Низомни тасдиқлади. 1920 йил 7 сентябрда В.И.Ленин Туркистонда (Тошкент шаҳрида) дорилфунун таъсис қилиш ҳақидаги декретга қўл қўйди. Дорилфунун таркибида тиббий факультет ҳам киритилган эди. Тиббий факультетнинг очилишининг аҳамияти маҳаллий аҳоли орасидан юқори малакали мутахасислар тайёрлаш эди. Шу йўл билан маҳаллий миллат вакилларилан олий маълумотли мутахасислар тайёрлаш проблемаси ҳал этилди. Ўша вақтда халқ Комиссаританинг асосий вазифаларидан бири ўтқир юқумли касалликларга курашиш, санитарянинг тозалигининг йўлга қўйилишини назорат қилиш, пропаганда ишлари, оналар ва болаларга тиббий ёрдамни кўрсатиш ва мутахасисларни тайёрлаш каби ишларда иборат эди. Шу вазифаларни бажарилиш учун касалхоналар ва шифохоналар кўрила бошлади.

1922 йилда Туркистонда биринчи тиббиёт ходимлари йиғилиши бўлган. Шу йиғилишда юқумли касалликларга қарши кураш олиб бориш йўллари муҳокама этилди. Бу йиғилишда айниқса безгак ваўутқир юқумли касалликларга қариши курашини йўлга қўйиши катта аҳамият берилган эди. Соғлиқни сақлаш Халқ Комиссарлигининг аввалги бошлиғи Баранский, кейин Успенский бўлган. 1918 йилдан бошлаб, миллий ерли аҳоли вакилларидан Хўжаев, кейинчалик Рескулов қўйилган эди. Соғлиқни сақлаш Халқ Комиссариатига ўша вақтда Туркистонда ишлаган олимлар, коллегия аъзоси бўлиб кирган эдилар. Буларнинг орасида И.Орлов, Халқ комиссариатининг маорифи, коллегия аъзоси А.Греков,

Н.Тихомиров, Самарқандан А.Спиридонов, олим шифокорлардан Р.С. Гершинович, Мақсудов ва бошқалар бўлган.

Тиббиёт ва соғлиқни сақлаш ишларини яхшилаш учун аввало, бу соҳа ходимлари билимдон ва юқори малакали бўлишлари лозим. Ўзбекистонда Октябрь революциясидан кейин тиббиёт соҳасида матахассислар тайёрлаш учун олий ўқув юртлари очила бошлаган. Асосан, Тошкент тиббиёт олий ўқув юртининг олимлари ўлка патологиясини ўрганиб, илмга кўплаб янгиликлар киритганлар. 1920 йиллардан бошлаб Ўзбекистон да кўплаб машҳур, хизмат кўрсатган олимлар фаолият кўрсатдилар. Уларнинг номлари барчага маълум бўлган Терапевт врачлар - А.Крюков, М.Слоним, А.Асқаров, Т. Нажметдинов, Э.Отахонов, Р.Худойбердиев ва бошқалар. 1972 йилда Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё болаларни даволаш олий билимгоҳи очилган. Ҳозирги вақтда 34 докторлик унвонига эга бўлган ва уч юз элик тиббиёт фанлари номзоди ишлайди. Шуларнинг орасида номлари фақат жумҳуриятимиздагина эмас, балки бошқа республикаларга ҳам машҳур бўлган В.В.Воҳидов, У.О.Орипов, К.А.Зуфаров, С.А.Долимов, М.М.Хақбердиев, А.И.Николаев ва бошқалар педиатр олимларидан М.Нуритдинов, М.Мирзамухамедов, С. Юлдашева, М. Абдуллаходжаев. С.Шамсиев . И.Бодня ва бошқа олимлар ишлайдилар. Ўзбекистонда инқилобдан аввал тиббиёт ва соғлиқни сақлаш системасининг аҳволи ўта оғир аҳволда бўлган. Юқумли касалликлар кўп бўлганлиги сабабли халқлар ўртасида ўлим жуда кўп бўлган. Инқилобдан кейин тиббиёт ва соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам анча ривожланиш бўла бошаган. Мутахассислар тайёрлаб берувчи олий билимгоҳлар кўплаб очилган. Илмий - текшириш институтлари Ўзбекистонда ҳозирги вақтда анча кўпайган. Ўн олти илмий текшириш илмгоҳ масканларида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Лекин шунга қарамай соғлиқни сақлашнинг аҳволани яхшилиш учун ҳали кўп ишлар қилиниши талаб этилади. Ҳали олдинда қилинадиган ишлар ва ҳал этилиши лозим бўлган масалалар жуда кўп. Шулардан бири ўлимни камайтириш ва инсонлар умрини узайтиришдан иборатдир.

**Мавзу №12: Ўзбекистонда мустақиллик йилларида тиббиётнинг ривожланиши. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, унинг асосий тамойиллари.**

1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришди. 1991 йил 31 августда бўлиб ўтган Ўзбекистон Олий кенгашининг ўн иккинчи чақириқ навбатдан ташқари олтинчи сессиясида қатнашган депутатлар Республика давлат мустақиллиги тўғрисида баёнат қабул қилдилар. Шу куни Олий кенгаш Ўзбекистон республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг республикада ҳаётнинг ҳамма соҳаларида тикланиш даври бошланди. Тиббиёт соҳасида ҳам янги даврга қадам қўйилди. Шўролар тузумидан жиддий нуқсон ва камчиликлари бўлган соғлиқни сақлаш тизими қолган эди. Республика соғлиқни сақлаш ташкилотлари бу камчиликларни тугатиш ва соғлиқни сақлаш ишини янги юқори босқичга кўтариш чораларини амалга оширишга киришдилар.

Биринчи жиддий камчилик шундан иборат эдики "Социалистик соғлиқни сақлаш", деб аталган эски тизимда тиббий ходимлар моддий манфаатдор эмас эдилар. Бу эса аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш, ишига салбий таъсир этарди. Аммо тиббий муассасалар давлат мулки ҳисобланарди. Тиббий ходимлар ўз меҳнатлари учун белгилаб қўйилган маошдан ташқари ҳеч қандай даромад манбаига эга эмас эдилар.

Тиббий ходимларга меҳнат ҳақи тўлашда ҳар бир врачнинг тажрибаси ва билим даражаси ҳисобга олинмай, шу врач ишлаётган соҳадаги тиббий ходимлар учун белгилаб қўйилган даражада маош тўланарди. Бу ҳам врачларда ички норозилик пайдо қиларди. Шунинг учун тиббий ходимларда ўз касбларига қизиқиш ва бу соҳада янги кашфиётлар қилишга интилиш кам эди. Шу сабабдан бизнинг тиббиётимиз Ғарбий Оврупо тиббиётидан анча орқада қолганди.

Шўролар даврида тиббиёт кўпроқ бирёқлама ривожланган эди. У асосан юқумли касалликларга қарши чораларни амалга ошириш билан чегараланарди. Бунинг ўз тарихи бор. Юқорида айтиб ўтганимиздек XIX асрнинг 60-чи йилларида Чор ҳукуматининг қўшинлари Туркистон ўлкасини босиб олганларидан сўнг, бу ердаги ҳар бир шаҳар ва каттароқ қишлоқларда халқни итоатда сақлаш учун рус аскарларининг гарнизонларини барпо этдилар. Ўша вақтда Туркистонда маълум касалликлардан ташқари ўлкага хос касалликлар (безгак, ришта, лейшманиоз ва б. ) ҳам кўп тарқалган эди. Бу касалликлар рус солдатлари ўртасида ҳам тарқала бошлади. Бундан хавфга тушиб қолган ҳарбий бошлиқлар қисмлардаги врачларга бу касалликларни текшириш вазифасини юкладилар. Шундай қилиб, юқумли касалликлар устида тадқиқот ишлари олиб борила бошлади. Бу иш шўролар даврида ҳам давом эттирилди. Асосий эътиборни юқумли касалликларга қаратиб, тиббиётнинг бошқа соҳалари етарлича ривожланмай қолган эди. Хусусан, клиник тиббиёт етарли ривожланмаган эди. Европа мамлакатларида эса клиник тиббиёт жуда ривожланиб кетган эди.

Шўролар давридаги Соғлиқни сақлаш тизимида тузилиши (структура) жиҳатидан ҳам камчилик бор эди. Масалан, мамлакатда Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли тиббий муассасалардан ташқари бир қанча вазирликларнинг ўз мустақил соғлиқни сақлаш ташкилотлари бор эди. Чунончи Мудофаа вазирлигининг ўз тиббий ташкилотлари, Темир йўл транспорти вазирлигининг ўз тиббий ташкилотлари, ички ишлар вазирлигининг ўз тиббий ташкилотлари ва ҳ.к.

Булар Соғлиқни сақлаш вазирлигига тобе бўлмай, ўзлари мустақил иш олиб борардилар. Уларнинг ишлари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг режалари билан етарли даражада уйғунлаштирилмасди. Бу ҳолат мамлакат миқёсида соғлиқни сақлаш ишини бир марказдан туриб бошқаришни қийинлаштирарди.

Шўролар тузуми даврида тиббиёт илмини ривожлантириш ва унинг эришган натижаларини турмушга тадбиқ қилиш жуда секинлик билан амалга ошириларди. Ҳар бир кашфиёт у амалда қўлланишдан олдин жуда кўп инстанциялардан ўтиш керак эди. Мамлакатимизда тиббий-илмий муассасалар (институтлар) кўп эди. Уларда кўп сонли, юқори маош олувчи илмий ходимлар ишлардилар. Лекин, бу институтларда олиб борилаётган илмий ишлар ва уларнинг натижалари етарли даражада турмушга тадбиқ қилинмасди. Шуларнинг ҳаммаси моддий манфаатдорликнинг натижаси эди. Тадқиқотчи ўз кашфиёти учун моддий жиҳатдан етарли даражада рағбатлантирилмасди.

Республикамизда соғлиқни сақлаш ишларининг бундай секинлик билан ривожланишининг асосий сабабларидан бири шу эдики, биз бошқа соҳаларда бўлганидек, бу соҳада ҳам Москвадаги марказий ҳукуматга қарам эдик. Бу ҳукуматнинг руҳсатисиз бирор иш қилинмасди.

Маклакатимиз шифобахш ўсимликлар ва маъданларга жуда бой. Лекин, улардан керагича фойдаланмасдик. Чунки, юқоридан бу иш учун етарли маблағ ажратмасди.

Мамлакатимизда илмий-назарий тиббиёт ҳам етарли даражада ривожланмаган эди. Бунинг асосий сабаби шуки, биз собиқ иттифокнинг таркибида бўлган вақтимизда жаҳон илмий тиббиёти эришган натижалари билан тўғридан-тўғри танишиш имкониятига эга эмасдик. Биз ташқи дунёдан бутунлай ажралган ҳолда яшардик. Республикамизга жаҳон илмий тиббиётининг янгиликлари кечикиб келарди. Бу янгиликларнинг кўпи умуман бизгача етиб келмасди. Фақат мамлакатимиз мустақилликга эришганидан сўнг тиббиётимиз тўғридан-тўғри чет эл тиббиёти билан боғланиш имкониятига эга бўлди. Чет эл тиббий муассасалари билан ҳамкорликда ишлай бошладилар.

Мустақилликга эришганимиздан сўнг бошқа соҳаларда бўлганидек, тиббиёт соҳасига ҳам алоҳида эътибор берилди. Соғлиқни сақлаш ишини тубдан яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширила бошлади. Бу масалада биринчи бўлиб, 1992 йилнинг 3 июлида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикасининг “Давлат санитария назорати тўғрисида” ўнунини қабул қилинди. Мазкур қонундан асосий мақсад санитария эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини ва радиация хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги иштимой муносабатларни тартибга солиш, одамни қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини ҳамда у билан боғлиқ бошқа ҳуқуқларни ва уларни амалга ошириш кафолатларни мустаҳкамлашдан



иборат. Шунингдек санитария қонунларни бузилишини олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйишга қаратилган санитария эпидемиология хизматининг фаолиятини такомиллаштириш иборат бўлган. 1996-йил 29 августда "Ўзбекистон фуқароларининг соғлиғини сақлаш тўғрисида" махсус Давлат қонуни қабул қилинди. Бу ҳужжатда давлат аҳамиятига эга бўлган қуйидаги учта муҳим масала қонунлаштириб қўйилди:

1. Фуқароларнинг соғлиғини сақлашга доир ҳуқуқларининг давлат тамонидан кафолатланишини таъминлаш.

2. Фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш.

3. Мамлакатдаги барча давлат ва оммавий жамоа ташкилотларнинг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

Мазкур Қонунда фуқаролар соғлиғини сақлашнинг асосий тамойиллари белгилаб қўйилди. Бу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

- соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши
- аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамидан баҳраманд бўла олиши
- профилактика чора-тадбирларининг устунлиги
- соғлиғини йўқотган фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши
- тиббий фанларнинг амалиёт билан бирлиги.

"Қонун"да Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг структураси ва ваколатлари ҳам белгилаб берилди. Бундан ташқари Қонун аҳолини санитария-эпидемиология жиҳатидан ҳавотирсизлигини таъмин этишни ҳам белгилаб қўйди. Ўзбекистон фуқароларининг соғлиғини сақлаш тўғрисидаги Қонун аҳолининг ҳар бир тоифасининг ҳуқуқларини белгилаб қўйди. Бемор кишининг ҳуқуқ ва имтиёзлари ҳам кўрсатилган.

Ўзбекистон мустақилликга эришганидан сўнг соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилган иккинчи муҳим тадбир соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўлди. Бу ҳақда мамлакат президенти 1998 йилнинг 1У ноябрда "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида" махсус фармон чикарди. Бу фармонга мувофиқ, соғлиқни сақлаш тизимида хизмат қилувчи мутахассислар, олимлар, ҳуқуқшунослар ва бу ишга даҳлдор ташкилотлар иштирокида Ўзбекистон Республикаси соғлиғини сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурини ишлаб чиқдилар. Бу дастур Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коллегияси ва Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасида муҳокама қилиниб, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ, қилишнинг асосий дастури сифатида тавсия этилган эди.

Фармонда таъкидланишича, аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий,

иктисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга мувофиқ ҳолга келтиришга қаратилган.

Дастурда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг қуйидаги концепцияси тавсия этилди: бепул тиббий ёрдам кўрсатадиган ва бюджетдан молияланиши лозим бўлган даволаш-профилактика муассасаларининг рўйхатини тузиш, кишлоқ врачлик пунктлари тармоғини ривожлантириш, юксак тажрибали шифокор кадрлар ва ўрта тиббий ходимлар тайёрлаш, шу мақсадда тиббиёт билим юр்தларини касб-хунар коллежларига айлантириш ва ҳ.к. Дастурда тез тиббий ёрдам тизимини юксак даражага кўтариш мақсадида бир қанча тиббий ташкилотлар (Тошуйжойинвест қурилиши корпорациясининг тиббий-санитария қисми, Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси, республика ва Тошкент вилоят санитария авиацияси) негизида Республика шошинч тиббий ёрдам Марказини минтақавий филиаллари билан ташкил этиш кўзда тутилган. Республика шошинч тиббий ёрдам марказининг тузилмаси ва Республика шошинч тиббий ёрдам Маркази тўғрисидаги Низом ҳам тасдиқланди.

Фармонда Республика шошинч тиббий ёрдам кўрсатиш Маркази ва унинг жойлардаги филиалларини юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилсин, дейилган.

Фармонда Нодавлат даволаш муассасалари, хусусан аҳолига пулли тиббий хизмат кўрсатувчи хусусий даволаш муассасалари маълум имтиёзга эга бўлган беморларга 2У фоизга қадар бепул тиббий хизмати кўрсатишлари кераклиги таъкидланган.

Фармонга кўра олий тиббий ўқув юр்தлари қошида 3 йил ўқиш муддати билан олий малакали тиббиёт ҳамширалари (реаниматологлар, анестезистлар, жарроҳлик ҳамширалари, туғруқхона акушеркалари) тайёрлаш бўлимларини очиш кўзда тутилган.

1998-2УУ5 йилларда Ўзбекистан Республикаси Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурини амалга оширишга доир асосий чоратadbирлар тасдиқланди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурини амалга оширилишини назорат қилиб туриш учун махсус Республика Комиссияси тузилди. Бу комиссияга қуйидаги вазифалар юклатилди: Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни амалга ошириш билан алоқадор вазирликлар, идоралар, муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, соғлиқни сақлаш тизимининг амалдаги ҳуқуқий асосларини қайта кўриб чиқиш ҳамда янгिलाш.

Фармонда халқаро ташкилотлар, хорижий сармоядорлар, жамғармалар ва жамоат ташкилотларининг маблағларини ҳам соғлиқни сақлаш тизимига жалб қилиш кўзда тутилган.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий аппаратида давлат тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва ажратилаётган бюджет маблағларидан ўринли фойдаланишни мувофиқлаштирувчи 9 кишидан иборат Бош бошқарма ташкил этилди.

Фармонда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурини амалга оширишни молиявий жиҳатдан таъминлаш, шу мақсадда хорижий сармояларни ҳам жалб қилиш юкланди.

Фармонда хусусий тиббиёт муассасаларини барпо этишни рағбатлантирувчи бир қанча тадбирларни амалга ошириш ҳам кўзда тутилган. Чунончи хусусий тиббиёт муассасалари ташкил этилган пайтдан бошлаб 2 йил муддатга уларни барча турдаги солиқлардан озод қилиш, хусусий даволаш муассасаларини барпо этиш учун ер майдонлари ажратиш, янги ташкил этилаётган хусусий тиббий муассасаларни молиялаш учун кредит линиялари очиш ва ҳ.к.

Мазкур Фармонни бажариш юзасидан 1999-йил 14 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида" қарор қабул қилди.

Қарорда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг жойлардаги органларининг асосий вазифалари белгилаб берилган. Бу вазифалар қуйидагилардан иборат: соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурига мувофиқ соғлиқни сақлаш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш; аҳолига тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг давлат тамонидан кафолатланган даражаси ва сифатини таъминлаш; аҳолига шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини ташкил этиш ва мустаҳкамлаш; даволаш-профилактика муассасаларининг босқичма-босқич пуллик хизмат кўрсатишга ўтказиш; жаҳон стандартларига жавоб берадиган замонавий клиникаларни барпо этиш. Шунингдек, қарорга мувофиқ соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида Назорат инспекцияси ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий аппарати ва унинг маъмурий бошқарув тизилмаларини тасдиқ этди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий аппарати Соғлиқни сақлаш вазири ва унинг 4 нафар ўринбосари (шулардан биттаси биринчи ўринбосар) сифатида белгиланди. Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиғи ўз лавозимида кўра соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, деб ҳисобланадиган бўлди.

Вазирлар Маҳкамаси ўз қарори билан соғлиқни сақлаш ҳудудий органларининг намунавий низоми ҳамда унинг тузилмасини белгилади.

Бундан ташқари соғлиқни сақлаш тузилмасини ташкил этиш ҳақида ҳам кўрсатма берди. Чунончи, туман (шаҳар) марказий касалхонаси тўғрисида Низомни ишлаб чиқиш топширилди. Бунда марказий туман касалхонаси ўзига биркитилган ҳудуд аҳолисига шошилиш тиббий ёрдам бериш ҳамда дастлабки тиббий-санитария хизмати кўрсатиш вазифаларини бевосита хал қилиш назарда тутиши кераклиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўзининг 1999 йил 4 январдаги қарорига илова сифатида "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисида Низом" ҳам чиқарди. "Низом"да Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг мақоми, вазифалари, ваколатлари ва унинг фаолиятининг ташкилий асослари белгилаб берилган. Унда таъкидланишича Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституцияси, Ўзбекистон Олий мажлисининг қарорлари, Президентнинг фармонлари ва бошқа давлат ҳужжатларига амал қилади.

Аҳоли соғлиғини сақлаш, хусусан юқумли касалликларнинг тарқалишига йўл қўймаслик санитария-эпидемиология хизмати билан боғлиқ. Бунда санитария назоратини тўғри ташкил қилиш ва уни аниқ, ҳам тезкорлик билан амалга ошириш ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунини ҳисобга олиб, республика президенти 1992-йил 3 июлда "Давлат санитария назорати тўғрисидаги" Қонунга қўл қўйди. Унда санитария-эпидемиология назоратининг асосий принциплари аниқлаб берилган.

Хусусан, саломатлик учун қулай атроф муҳит шароитини, шу жумладан радиация ҳавфсизлигини таъминлаш устидан назорат олиб бориш; ташкилотлар, муассасалар ва айрим шахслар томонидан санитария қоидалари бузилганлиги учун жавобгарликни ошириш тадбирлари расмий жиҳатдан қонунлаштириб қўйилган. Бу қонунда санитария-эпидемиология масалаларида чет мамлакатлар билан халқаро шартномалар тузиш ҳам кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасида "Давлат Санитария назорати тўғрисида"ги қонунни бажариш юзасидан республика ҳукумати ва Президент бир қанча фармон ва қарорлар қабул қилдилар. Чунончи, 1998 йил 2 мартда президент "Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғриси"да фармон чиқарди. Унда Давлат санитария назорати тизими фаолиятининг роли ва самарадорлигини ошириш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, аҳоли яшаш жойларининг санитария-эпидемиология ҳолати учун шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, корхоналар ва муассасаларнинг раҳбарлари ҳамда фуқароларнинг жавобгарлигини кучайтириш чоралари кўрсатиб берилган. Фармонда аҳоли яшайдиган жойларининг санитария-эпидемиология вазияти учун коммунал ва санитария хизматлари раҳбарлари билан бир қаторда ҳокимлар, шахсан жавоб берадилар, деб таъкидлаб қўйилган. Бундан ташқари қонунда корхоналар,

муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва фуқаролар ҳам санитария қонунларини бузганликлари учун маъмурий жавобгарликга тортилишлари кўрсатилган.

1998 йил 4 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларини сотишни бартараф қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" Қарор қабул қилинди. Қарорда санитария нормаларига тўғри келмайдиган озиқ-овқат маҳсулотларини бозорга чиқармаслик ва сотмаслик қатъий равишда таъкидлаб қўйилган, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва сотиш учун санитария шарт-шароитларига риоя қилинган ҳолда фақат тургун савдо дўконлари орқали амалга ошириш рухсат этилган.

Мамлакатнинг санитария-эпидемиология ҳолати ва юқумли касалликларнинг тарқалишига йўл қўймаслик масалалари Вазирлар Маҳкамаси ва республика соғлиқни сақлаш вазирлиги коллегиясида тез-тез муҳокама қилиниб турадиган бўлди. Уларда вазиятга қараб зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўлга қўйилди. Шу мақсадда Вазирлар маҳкамаси қошида эпидемияга қарши республика фавқулодда комиссияси ташкил этилди.

Аҳолига тиббий ёрдам беришнинг сифати ва унинг самарадорлиги тиббий ходимларнинг билим ва тажрибасига боғлиқ. Шунини эътиборга олиб мамлакатимизда етук билимга эга бўлган тажрибали врачлар етиштиришга алоҳида аҳамият берилди бошлади.

Мамлакатимизда 7 та олий тиббий ўқув юрти, битта врачларнинг малакасини ошириш институти ва бир фармацевтика олий ўқув юрти мавжуд. Улар ҳар йили бир неча минг врач, провизор ва тиббиётнинг турли соҳаларида хизмат қилувчи мутахассислар етиштириб чиқаради. Аммо, яқин-яқингача бу мутахассисларнинг кўпи етарли даражада билим ва тажрибага эга бўлиб чиқмасдилар. Чунки, ўқув юртларидаги ўқитиш-тарбия ишларида жиддий нуқсонлар бор эди. Аввало шунини айтиш керакки, бизнинг тиббий ўқув юртларимиздаги ўқитиш сифати ва унинг даражаси умумжаҳон тиббий таълимидан анча орқада эди. Умуман тиббий ўқув юртларида ишлайдиган профессор, доцент ва ассистентларнинг ҳаммасининг ҳам билими етарли даражада юксак эмас эди. Чунки, улар жаҳон тиббиёт илми эришган ютуқларидан етарлича хабардор эмасдилар. Бунинг сабаби шуки, биз ташқи дунёдан ажралган ҳолда яшардик.

Мустақилликга эришганимиздан сўнг олий тиббий таълим соҳасида ҳам кескин ижобий ўзгаришлар юз берди. Тиббий ўқув юртларимиз чет эллардаги илғор тиббий ўқув марказлари билан тўғридан-тўғри боғланиш, тажриба алмашиш ва улар эришган натижалар билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Президентимизнинг ташаббуси билан чет эллардаги олий ўқув юртларига кўплаб талабалар, аспирантлар ва илмий ходимлар юборилди. Олий ўқув юртларимизда талабаларга айрим фанлардан лекциялар ўқиш учун таниқли олимлар, педагоглар

таклиф этилди. Бу тадбирлар ўз самарасини бериб, ўқув юртларимиздаги ўқув-тарбия ишлари анча юксалди. Бу соҳада ҳам бизнинг ўқув юртларимиз жаҳон фани даражасига анча яқинлашди.

Аҳолини дори-дармон билан таъминлаш масаласида ҳам маълум ўзгаришлар амалга оширилди. Бу соҳада хусусий тадбиркорлик амалга оширила бошланди. Бунинг натижасида дорихона эгалари бизда йўқ дориларни чет эллардаги фармацевтика фирмаларидан келтириб сотиш имкониятига эга булдилар. Аммо, бу ишда дастлаб баъзи қонунсизликга ҳам йўл қўйилди. Дориларнинг нархи ошиб кетди. Дорихона эгалари ўз ҳуқуқларини суйистеъмол қила бошладилар. Шунинг учун Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил 14 январда "Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тарбияга солиш тўғрисида" махсус қарор қабул қилди. Қарорга мувофиқ даволаш муассасаларида ва чакана дорихона тармоғида дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига нарх белгилашнинг ягона тартиби жорий қилинди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида махсус Назорат инспекцияси ташкил этилиб, унга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари харид қилиниши, сотилиши ва даволаш муассасаларини улар билан таъминлаш устидан назорат ўрнатиш вазифаси топширилди. Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг республика ишлаб чиқарувчиларидан харид қилиш даволаш муассасалари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган бўлди. Имтиёзли (бепул) рецептлар бўйича дори-дармон воситалари олиш ҳуқуқига эга бўлган беморларнинг ҳуқуқи сақланиб қолди ва унга баъзи ўзгаришлар киритилди.

Қарорда дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини сотишда қонунни бузганлик учун дорихона ходимларини маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш кучайтирилди.

Республика ҳукуматининг жорий этган муҳим тадбирларидан яна бири тиббий ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш бўлди. Ушбу мақсадда врачларга беморларни даволашда, дорихона эгаларига аҳолини дори-дармонлар билан таъминлашда хусусий тадбиркорлик кўрсатиш учун рухсат берилди. Бунинг нагижасида врачлар ва доришуносларда ўз ишларига нисбатан қизиқиш ва фаоллик ошди. Врачлар беморларни мумкин қадар яхши даволаш йўлларини излай бошладилар. Доришунослар камёб дориларни излаб топиш ва уларнинг хилларини кўпайтириш йўлларини қидира бошладилар. Лекин, бу ишларда, юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, дастлабки вақтда хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Масалан, баъзи врачлар ўз шахсий даволаш воситаларига (касалларни қабул қилиш учун кабинет, беморга ташхис қўйиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, лаборатория, рентген аппарати ва ҳ.к) эга бўлмай туриб, давлатга қарашли воситалардан фойдаланиб, касалларни хусусий усулда қабул қила бошладилар ва улардан катта пул олиб, бойиш йўлига кириб олдилар. Хусусий

дорихона эгалари эса дориларнииг нархини жуда ошириб юбордилар. Шунинг учун врачларнинг хусусий (пуллик) даволаш ишлари чеклаб қўйилди. Айрим тажрибали ва ўз даволаш воситаларига эга бўлган врачларга ҳамда бир коллективга бирлашган врачлар гуруҳларига хусусий усулда касалларни даволаш билан шуғулланишга рухсат берилди. Масалан, хусусий стоматология поликлиникалари шулар жумласидандир. Аммо, тажриба шуни кўрсатдики, хусусий даволаш воситаларини сотиб олиш имкониятига эга бўлган врачлар жуда оз экан. Касалларни даволаш иши сифатини яхшилаш эса хусусий врачлар сонини кўпайтиришни тақозо қилади.

Врачларнинг хусусий иш услубига ўтишлари натижасида бу соҳада ҳам бошқа соҳаларда бўлганидек, рақобат пайдо бўлади. Бунинг натижасида касалларни даволаш сифати яхшиланади. Бу фойдали, албатта. Лекин, врачлардаги хусусий иш услубининг салбий томонлари ҳам кўриниб қолди. Масалан, чет капиталистик мамлакатларида бўлганидек, бизда ҳам баъзи врачлар бадавлатроқ бемордан мумкин қадар кўпроқ маблағ ундириб олиш учун уни даволаш муддатини атайлаб узоқроқ муддатга чўзиб юборишлари мумкин. Шундай ходисани қуйидаги мисол билан келтиришни жойиз деб топдик. Воқеа бундай бўлган экан: бир одамнинг оёқлари панжасида экзема касаллиги бор эди. Ёз фасли бошланиб, у оёқларини ерга (тупроққа) босиши билан бу касаллик кўзгаб, оёқларининг панжаларига қизил тошмалар тошиб, кичишиб азоб берарди. Табиблар бу касаликни тузатаолмаганларидан сўнг (у вақтда ўзбеклардан бирорта ҳам тиббиёт институтини тугатиб, врачлик дипломини олган киши йўқ эди) дадаси ҳозирги Олой бозори худудида турувчи Деревешников исмли рус врачига олиб борган. Врач унинг оёғига ўткир хидли сариқ суртма дори суркаб, бинт билан боғлаб қўйган ва дадасига "ўғлингиз эртага ҳам келсин", деган. Дадаси унга бир червон (ўн сум) пул берганлар. Ўн сўмга ўша вақтда бир қорамол берарди. Эртасига эрта билан дадаси уни ўзлари билан машиналарига ўтказиб олиб борганлар ва ўзлари идораларида қолиб, шоферга ўша врачнинг адресини айтиб, уни ўшанга олиб бориб кел" деганлар. Унинг қўлига битта 5 сўмлик кумуш танга бериб, буни врачга бер, деганлар. Ўша вақтда 5 сўмга битта қўй берарди.

Врачнинг кечаги боғлаган бинти оёқ панжасига ёпишиб қолган эди. У бинтни қўли билан шарт этиб юлиб олади. Оёғидан эса қон оқиб кетади. Бемор оғриқдан йиғлаб юборган. Врач эса ҳеч пинагини бузмай яна ўша кечаги сариқ суртма доридан қўйиб, бошқа бинт билан боғлаб қўйган ва унга "эртага яна кел", дейди. Шундай қилиб, бемор ҳар куни 5 сўмлик кумуш тангани чўнтагига солиб Деревешниковнинг олдига қатнайверган, у оёғидаги бинтни юлиб олиб, қон оқизиб, янгисини боғлаб қўяверган. Шу зайилда у бу врачга бир ойча қатнаган. Шу давр ичида врач ундан ЗУ га яқин беш сўмлик кумуш танга йиғиб олган. Сўнг мактабда ёзги таътил бошланиб, дадаси ойиси ва укаларини дам олиш учун

Чимёнга олиб борган. Ажабки, у ерга борганидан сўнг оёғидаги яра-чақалар ўз-ўзидан аста-секин камайиб, сўнг йўқолиб қотган. (Афтидан оёғига тоғ хавоси ёққан бўлса керак).

Деревешковни кўп йиллар ўтгандан сўнг Тошкент тиббиёт институтига ўқишга кирганида учратган. У тери ва таносил касалликлари клиникасида доцент экан.

Деревешниковга ўхшаган, беморларнинг касалини атайлаб чўзиб юрадиган врачларнинг яна бир нечтасини учратган.

Хусусий врачлик ва хусусий доришуносликнинг яна бир салбий томони бор. Масалан, хорижий капиталистик мамлакатларда врачлар дорихона эгалари билан келишиб олиб, касалларга керак бўлмаса ҳам камёб ва энг қимматбаҳо дориларни ёзиб берадилар. Бунинг эвазига дорихона эгаси бу қиммахбаҳо доридан келган фойданинг бир қисмини шу врачга беради. Бизда ҳам шундай врач ва доришунослар учраб қолиши мумкин. Яна бир масала. Операция қилиниши керак бўлган касалларнинг шўри курсин ҳар бир операция камида тўрт-беш пуллик сўмлардан иборат бўлади. Хуллас, хусусий врачда даволаниш касаллар учун унчалик катта жаннат эмас.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва уни такомиллаштириш тадбирларини амалга ошириш учун зарур бўлган маблағни етказиб бериш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 1997-йил 2 декабрда "Даволаш-профилактика муассасаларини маблағ билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида" қарор қабул қилди. Қарорда ҳукумат томонидан ажратиладиган маблағдан ташқари ҳар хил хайрия жамиятлари, чет эл инвестициялари ва тижорат муассасаларининг сармояларидан фойдаланиш ҳам кўзда тутилган. Унда даволаниш учун сарф бўладиган маблағнинг бир қисмини беморларнинг зиммасига юклаш ҳам ҳисобга олинган. Масалан, 1998 йил 1 январдан бошлаб беморлар шифохоналарда даволанишлари жараёнида пуллик овқатланиш жорий этилган.

Булардан ташқари соғлиқни сақлаш тизимини қўшимча маблағ билан таъминлашни кўзда тутиб, ҳар хил нодавлат жамғармалар ҳам барпо этилди. Масалан, президентнинг 1993 йил 23 апрелдаги фармони билан "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилди. Фармонда бундай дейилган: "Келажак авлоднинг саломатлигини таъминлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, болаларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий камол топиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида... Халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилсин". Барча вилоятлар марказларида ва Тошкент шаҳрида бу "Жамғарма"нинг филиаллари ҳам ташкил этилди.

"Жамғарма" олдига қуйидаги вазифалар қўйилган: туғруққа ёрдам бериш ишини яхшилаш, болалар муассасаларининг моддий-техникавий базасини



мустаҳкамлаш, уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, янги самарали даволаш воситалари билан таъминлаш, жамоатчилик ва давлат тузилмаларининг жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда келажак авлод наслини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш.

"Соғлом авлод учун" жамғармасининг иш фаолиятини ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 3 июнда махсус қарор ҳам қабул қилди. Бу катта ишга кенг жамоатчилик оммасини жалб қилиш мақсадида 1995 йил 13 апрелдаги Фармонга мувофиқ "Соғлом авлод учун" журнали ҳам таъсис этилди. Журнал олдига соғлом ҳаёт тарзини тарғиб қилиш, аҳолини тиббиёт ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги янгиликлар билан таништириш ва халқнинг санитария-гигиеник маданиятини юксалтиришдек муҳим вазифалар қўйилди.

Келгусида умумдавлат миқёсида соғлом авлод етиштиришда она ва болаликни муҳофаза қилиш, болаларнинг соғлом-тетик ўсишлари учун зарур шарт-шароит яратиш ва ҳар хил касалликларнинг тарқалишига йўл қўймаслик биринчи даражадаги вазифа эканлигини ҳисобга олиб ҳукуматимиз мазкур масалага оид бир қанча фармон ва қарорлар қабул қилди. Чунончи, 1994 йил 16 июнда Президент "Болали оналарга Давлат ижтимоий ёрдами тизимини такомиллаштириш тўғрисида" Фармон чиқарди. Фармонда бу соҳада ягона тизим жорий қилинсин, деб кўрсатилган. Болалик оилаларни моддий рағбатлантиришни кўзда тутиб, болалик оилаларга ҳар бола учун маошга қўшимча пул бериш жорий этилди.

Бундан ташқари 1994 йил 23 августда умуман кам таъминланган оилаларни ижтимоий химоялашни кучайтиришга қаратилган фармон ҳам чиқарилди. Бу Фармонга мувофиқ кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш учун махсус жамғарма ташкил этиш кўзда тутилган. Кам таъминланган оилаларга уларнинг иш ҳақларининг 1/2 дан 3 бараваригача миқдорда моддий ёрдам бериш тавсия этилган.

1996 йил 4 мартда болалик оилаларни ижтимоий химоя қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида яна бир Фармон қабул қилинди.

1998 йилда Ўзбекистон шифокорлар уюшмасининг ташаббуси билан "Ибн Сино" Халқаро Хайрия жамғармаси ташкил этилди. Ташаббусни мамлакат президенти қўллаб-қувватлади ва бу ҳақда махсус фармон чиқарди. Фармонда бундай дейилган: жамғарма "Дунё тиббиётига улкан ҳисса қўшган шифокор Абу Али ибн Синонинг башариятга қолдирган бой меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, хусусан, унинг маънавий-маърифий мероси асосида ватандошларимизни, айниқса, ёшларни тарбиялаш, бу умумбашарий меросдан чет эл фуқароларини ҳам хабардор қилиш, инсонпарварлик хайрия ишларини амалга

ошириш ва соғлиқни сақлаш тизими ислоҳатида фаол иштирок этиш" мақсадини кўзда тутиши керак.

Президент фармонида "жамғарма" олдига қуйидаги вазифалар қўйилган:

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳатларни тезлаштиришга ёрдам бериш, Соғлиқни сақлаш тизимини тузилиш жиҳатдан қайта кўришда, тиббий-ижтимоий Хайрия ташкилотларини, нурунийлар учун геронтология (гериатрия) марказларини очиш ва Ибн Сино таълимоти ҳамда замонавий илм-фани асосида Шарқ тиббиётини ривожлантириш, Абу Али ибн Синонинг меросини чуқур ўрганиш ишларини тезлаштириш, тиббий мактаблар ва ўқув юртлари учун янги ўқув дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, буюк олим асарларини тартибга солиш ва уларни нашр этишга қўмаклашиш ва Ибн Сино кутубхонасини очиш, Ибн Синонинг ҳаёти ва табиблик фаолияти ҳақида китоблар, рисоалар чиқариш ҳамда Ибн Сино музейини барпо этиш, Ибн Синонинг илмий меросига бағишланган халқаро симпозиумлар, конгресслар ўтказиш.

Фармонда тиббиёт ва доришунослик соҳасида ёзилган энг яхши асарлар учун Ибн Сино номидаги мукофот таъсис этиш ҳам кўзда тутилган.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида ва хорижий ўлкаларда "Жамғарма" бўлимларини ташкил этиш тавсия этилди.

Президентнинг Фармонига асосан Республика Молия вазирлиги Ибн Сино Халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш учун 1У миллион сўм миқдорда маблағ ажратди.

Юқорида санаб ўтилган барча чора-тадбирлар мамлакатимизда тиббиёт фани ва соғлиқни сақлаш ишини ривожлантириш йўлида қўйилган биринчи қадамлардир. Келгусида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш соҳасида яна кўп ишлар қилиниши керак. Ўзбекистонда тиббиётнинг сўнги даврдаги ривожланиш тарихини ёзиш бўлғуси тиббиёт тарихчиларининг фахрли бурчидир.

## **2.2. ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ**

### **Машғулотда Қўлланиладиган янги педагогик технологиялар:**

#### **“Қор учқуни” усули**

“Қор учқуни” усулидан машғулотнинг биринчи босқичида фойдаланиш мумкин. Гурухни икки кичик гуруҳларга бўлиб, улардан сардорлар тайинланади. Сўнгра хар бир кичик гуруҳ ўтилаётган мавзуга тегишли учтадан саволлар тайёрлайдилар. Кичик гуруҳларга саволларни тайёрлаш учун 7-8 минут берилади. хар бир кичик гуруҳ сардори тайёрланган саволлардан асосийсини ажратади. Саволлар тўлиқ тайёрланиб бўлганидан сўнг 2 та кичик гуруҳлар навбатманавбат бир-бирига саволлар беришади. Берилган саволларга жавобларни тайёрлаш ва ундан сўнг 1-2 минут ичида берилган саволларга жавоблар

ёритилади. Савол берган биринчи кичик гуруҳ олинган жавоблардан ҚониҚарли бўлмаса, ушбу берилган саволларнинг жавобларини ўзлари ёритиб боради.

Хар бир берилган савол ва жавобларнинг сифатини гуруҳ ўқитувчиси таҳлил қилиб боради ва керакли жойларда ўз фикрини ёритиб кетади. Машғулотнинг баённомасига хар бир берилган саволнинг жавобларига ва Қўшимча жавобларга баҳо Қўйилади.

Берилган саволларни сифатини баҳолашда уларга-мавзуга оидлиги, долзарблиги, ўзига хос услубда берилганлиги, равшанлиги, илмий саводли ёритилганлиги ҳисобга олиб (5.0 балл), жавобларни баҳолашда эса уларни тўғрилиги мавзуга оидлиги, долзарблиги, равшанлиги, илмий саводли ёритилганлиги ҳисобга олиб (5.0 балл) Қўйилади.

#### Баҳолаш мезони

<b>Максимал балл 20-17,2</b>	<b>17-14,2 балл</b>	<b>14-11 балл</b>	<b>10,8-7,4 балл</b>	<b>7,2 балл</b>
аъло	яхши	урта	қониқарсиз	ёмон
100%-86%	85%-71%	70-55%	54%-37%	36% ва ундан кам

### 2.3. МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Қадимги Миср тиббиётининг ўзига хос томонлари Қандай?
2. Қадимги Миср папирусларининг тарихий манбаълар сифатидаги ахамиятини айтиб беринг?
3. Қадимги Хитой тиббиётини ўрганишдаги асосий тарихий манбаълар ва уларнинг мазмуни Қандай?
4. Ван Шу Хенинг тиббий фаолияти ва унинг тиббий асарлари?
5. Қадимги Хитой табибларининг касалликларни даволаш ва олдини олишдаги ўзига хос усуллари Қандай?
6. Қадимги Хиндистон тиббиётини ўрганишдаги асосий тарихий манбаълар ва уларнинг мазмуни Қандай?
7. Аюр Ведалар, уларнинг турлари ва мазмуни нималардан иборат?
8. Сушрута ва унинг табиблик фаолияти Қандай бўлган?

#### Баҳолаш мезони:

<b>100%-86%</b>	<b>85%-71%</b>	<b>70-55%</b>	<b>54%-37%</b>	<b>36% ва ундан кам</b>
-----------------	----------------	---------------	----------------	-------------------------

10-8,6 аъло	8,5-7,1-яхши	7-5,5-урта	5,4-3,7-қониқарсиз	3,6 ва ундан кам-ёмон
-------------	--------------	------------	--------------------	-----------------------

### 3.ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ

#### 3.1. График органайзер: Тоифалаш жадвали

Тоифа - хусусият ва муносабатларни муҳимлигини намоён қилувчи аломат. Ажратилган аломатлар асосида олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди. Тизимли фикрлаш маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради.

Талабалар тоифали шархлашни тузиш қоидаси билан танишадилар. Ақлий хужум / кластер тузиш/ янги ўқув материали билан танишишдан сўнг кичик гуруҳларда, олинган маълумотлар лавҳаларини бирлаштириш имконини берадиган тоифаларни излайдилар.

Тоифаларни жадвал кўринишида расмийлаштирадилар. Ҳолатларни маълумотларни тоифага мос равишда бўладилар. Иш жараёнида тоифаларнинг айрим номлари ўзгариши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин.

Иш натижаларининг тақдироти.

Тоифалаш шархининг тузиш қоидаси.

1. Тоифалар бўйича маълумотларни тақсимлашнинг ягона усули мавжуд эмас.

2. Битта мини – гуруҳда тоифаларга ажратиш бошқа гуруҳда ажратилган тоифалардан фарқ қилиши мумкин.

3. Таълим олувчиларга олдиндан тайёрлаб қўйилган тоифаларни бериш мумкин эмас бу уларнинг мустақил танлови бўла қолсин.

Қадимги Шарқ мамлакатлари тиббиётининг ўзига хос томонлари			
Тоифалар			
Хитой тиббиёти	Хиндистон тиббиёти	Миср тиббиёти	Тибет тиббиёти

#### Баҳолаш мезони:

Максимал балл 15-12,9	12,75-10,65 балл	10,5-8,25 балл	8,1-5,55 балл	5,4-балл
100%-86%	85%-71%	70-55%	54%-37%	36% ва ундан кам

## 3.2. ТЕСТЛАРНИНГ КОМПЛЕКСИ

### Баҳолаш мезони:

Максимал балл 15-12,9	12,8-10,65 балл	10,5-8,25 балл	8,1-5,55 балл	5,4-балл
15-12,9 аъло	12,8-10,65 яхши	10,5-8,25 ўрта	8,1-5,55 қониқарсиз	5,4 ва ундан кам-ёмон
100%-86%	85%-71%	70-55%	54%-37%	36% ва ундан кам

### 4. АМАЛИЙ ҚИСМ

Мавзунинг муҳокамасидан сунг талабалар мавзу буйича реферат курунишида маъруза киладилар, сўнгра муҳокама этадилар.

### Баҳолаш мезони

Максимал балл 40-34,4	34-28,4 балл	28-22 балл	21,6-14,8 балл	14,4 балл
Аъло	яхши	урта	қониқарсиз	ёмон
100%-86%	85%-71%	70-55%	54%-37%	36% ва ундан кам

### 5. БИЛИМ, КЎНИКМА ВА МАҲОРАТЛАРНИНГ НАЗОРАТ ШАКЛЛАРИ

1. -Баҳсда фаол иштирок этиш
2. - Ёзма ва оғзаки жавоб натижалари
3. - Кейс-стади, органиайзерлар
4. - тестларни ечиш
5. - Амалий кўникмаларни бажариш

#### 5.1. Талабалар билими, кўникма ва маҳоратини баҳолашда қўлланиладиган назорат мезонлари

№	Баҳо	аъло	яхши	ўрта	қониқарс из	ёмон
	Ўзлаштири ш % ҳисобида	100%- 86%	85%- 71%	70-55%	54%- 37%	36% ва ундан кам

<b>1.</b> 1.1.	<b>Назарий қисм:</b> янги педагогик технология	20-17,2 балл	17-14,2балл	14-11 балл	10,8-7,4балл	7,2 балл
1.2.	Мустақил иш учун назорат саволлари	10-8,6 балл	8,5-7,1балл	7-5,5 балл	5,4-3,7балл	3,6 балл
<b>2</b> 2.1.	<b>Таҳлилий қисм:</b> Кейс-стади	15-12,9балл	12,75-10,65 балл	10,5-8,25 балл	8,1-5,55 балл	5,4 балл
2.2.	Тест	15-12,9балл	12,75-10,65 балл	10,5-8,25 балл	8,1-5,55 балл	5,4 балл
<b>3.</b>	<b>Амалий кўникма</b>	40-34,4балл	34-28,4 балл	28-22 балл	21,6-14,8 балл	14,4 балл

**5.2. Тиббиёт тарихи фани бўйича талабалар билимини баҳолашда қуйидаги намунавий мезонлар инобатга олинади:**

№	Ўзлаштириш %	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
1	96-100		Мавзу бўйича ўз фикрини тўлиқ баён этади, барча берилган саволларга тўлиқ тўғри жавоб беради, таҳлил қилади ва хулоса чиқаради, ижодий фикрлайди, аудиториядамавзуни муҳокама қилишда фаол қатнашади. Мавзу бўйича вазиятли масалаларни ечади, тест саволларига тўлиқ ва тўғри жавоб беради. Эркин тасаввурга эга бўлиб, керак бўлганда ўқитувчи билан ўз фикрини алмаша олади.

2	91-95	Аъло «5»	Мавзу бўйича ўз фикрини тўлиқ баён этади, барча берилган саволларга тўлиқ тўғри жавоб беради, таҳлил қилади ва хулоса чиқаради, ижодий фикрлайди, аудиторияда мавзуни муҳокама қилишда фаол қатнашади, мустақил мушоҳада юритади. Мавзу моҳиятини тушунтира олади, эркин тасаввурга эга бўлади, ўқитувчи билан бемалол фикр алмаша олади.
3.	86-90		Мавзу бўйича ўз фикрини етарли даражада баён этади, барча берилган саволларга тўғри жавоб беради, таҳлил қилади ва хулоса чиқаради, ижодий фикрлайди, аудиторияда мавзуни муҳокама қилишда қатнашади. Мавзу бўйича амалий иш натижалари бўйича мустақил текшириш баённомасини тўлдиради.
4	81-85		Мавзу бўйича ўз фикрини етарли даражада баён этади, барча берилган саволларга тўғри жавоб беради, таҳлил қилади ва хулоса чиқаради, ижодий фикрлайди, аудиторияда мавзуни муҳокама қилишда қатнашади.
5	76-80	Яхши «4»	Жавоблар тўғри, аммо тўлиқ эмас, ўқитувчининг қўшимча саволлари бўйича камчиликни тўлдиради, мавзуни муҳокама қилишда етарлича фаол. Аудиториядаги топшириқларни бажаришда қатнашади.
6.	71-75		Мавзуни муҳокама қилишда етарлича фаол, аммо хатоликларга йўл қўяди, Аудитория ишларини бажаришда қатнашади, керакли ёзишларни амалга оширади.
7.	66-70		Жавоблар 50% га тўғри, аммо берилган саволнинг моҳиятини тушунади; топшириқларни бажара олади, бироқ унда

			2-3 хатоликларга йўл қўяди.
8	61-65	Қониқарли «3»	Жавоблар 50%га тўғри, савол моҳиятини ҳамма вақт ҳам тўғри тушунмайди, топшириқларни ўқитувчи ёрдамида бажаради ва шунда ҳам 2-3 та хатога йўл қўяди.
9	55-60		Жавоблар 40% га тўғри, жавоб беришда янглишиб кетади, савол моҳиятини ҳамма вақт тўғри тушунмайди, топшириқларни бошқа талаба ёки ўқитувчи ёрдамида бажаради.
10	54-30	Қониқарсиз «2»	40% гача тўғри жавоб бера олади, жавоблар аниқ эмас, топшириқларни бажара олмайди. Уй вазифаси бажарилмаган.
11	20-30		Амалий машғулотга қатнашади, формада, дафтари бор. Уйга берилган вазифа бажарилмаган.

### Машғулотнинг хронологик харитаси

№	Машғулот босқичлари	Машғулот шакли	Давомийлиги (90мин.)
1.	Ўқитувчининг кириш сўзи (мавзунини асослаш)		5
2.	Амалий машғулот мавзусини муҳокама қилиш, янги педагогик технологиялар (кичик гуруҳлар, мунозара-бахс, вазиятли масала, ишбилармон ўйинлар, слайдлар, видеофильмлар ва х.к.)ни Қўллаган ҳолда талабаларнинг дастлабки билим даражасини текшириш	Сўров, Тушунтириш	25
3.	Муҳокамага яқун ясаш		5



4.	Талабаларга мавзуни ўзлаштириш учун белгиланган кўргазмали Қуроллар (компьютер дастурлари, схема ва х.к.)ни тақдим этиш, улардан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар ва тушунтириш бериш		10
5.	Талабаларни машғулотнинг амалий Қисмини эгаллаши бўйича мустақил иши		15
6.	Талабаларнинг ўзлаштирган назарий билимлари ва амалий иш натижаларини муҳокама Қилиш ва машғулот мақсадига эришилганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда гуруҳ фаолиятини баҳолаш	Оғзаки сўров, ёзма, тест, амалий иш натижаларини текшириш, мунозара-баҳс	25
7.	Ушбу машғулот бўйича ўқитувчининг ҳулосаси, ҳар бир талаба фаолиятини 100-баллик тизим бўйича баҳолаш ва эълон Қилиш. Кейинги дарсга тайёрланиш учун талабаларга вазифа бериш (саволлар тўплами)	Ахборот, мустақил тайёрланиш учун саволлар	5

## 6. Тавсия этилаётган адабиётлар:

### Асосий

1. А.А.Қодиров. Тиббиёт тарихи дарслиги. 2005 й.
2. П.Е.Заблудовский. “История медицины” учебник. 1980г.
3. Б,М, Маматкулов Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш. Тошкент, 16-боб. “Оналарналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш”

### Қўшимча

1. Сорокина Т.С. “История медицины” Москва, “Паимс” 1994г.
2. Дмитриева Н.А. “Краткая история искусств” Москва, “Искусство” 1968г.
3. З.Бордо Харенберг “Хроника человечества” Москва, 2000г.
4. “Большая Энциклопедия” Москва, 1996г.

